

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
“ГЕОДЕЗИЯ ВА КАДАСТР”  
Кафедраси**

**“ШАҲАР КАДАСТРИ”  
Фанидан**

# **ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ-2020 й.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
“ГЕОДЕЗИЯ ВА КАДАСТР”  
Кафедраси**

**“ШАҲАР КАДАСТРИ”  
Фанидан**

# **ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Таълим соҳаси: 310000- Муҳандислик иши  
Таълим йўналиши: 5311500-Геодезия, картография ва кадастр (қурилиш)**

**ТОШКЕНТ-2020 й.**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 20\_\_ йил \_\_\_\_ даги З сонли буйруғи билан тасдиқланган “Шаҳар кадастри” фан дастури асосида ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи: Б.У. Актамов., Ш.М. Очилов-ТАҚИ “Геодезия ва кадастр” кафедраси асесентлари**

**Тақризчи:**

**Фан бўйича ўқув-услубий мажмуа Тошкент архитектура қурилиш институти  
Илмий-услубий Кенгашининг 2019 йил \_\_\_\_\_ даги 1-сонли мажлисида мухокама  
этилган ва маъқулланган.**

**Илмий-услубий кенгаш раиси:**

**А.Ў. МИРИСАЕВ**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАР</b>	
Маруза материаллари	
Амалий машғулот материаллари	
<b>II. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШҒУЛОТЛАРИ</b>	
Мустақил таълим машғулотлар мавзулари	
Мустақил иш (тақдимотлар, тарқатма материаллар)	
<b>III. ГЛОССАРИЙ</b>	
<b>IV. ИЛОВАЛАР</b>	
Фан дастури	
Ишчи ўқув дастури	
Тарқатма материаллар	
Тестлар	
Құшимча материаллар	
Фойдаланилған адабиётлар	

## МАЪРУЗА №1

### МАРУЗА: ИҚТИСОДИЁТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

**Режа:**

**1. Давлат шаҳарсозлик кадастрини, давлат ер кадастрини**

**2. Аҳолини жойлаштириш тизими**

Давлат шаҳарсозлик кадастрини, давлат ер кадастрини, фойдали қазилма конлари давлат кадастрини, кўп йиллик ўсимликлар давлат кадастрини юритиш бўйича муносабатлар бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади. Бино ва иншоотлар давлат кадастри маълумотлари барча давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий юридик кучга эгадир. Кадастр хужжатлари бино ва иншоотлар билан фуқаролик-хуқуқий битишувларни амалга оширишда, уларни солиққа тортишда, лойиҳалаштиришда ва бошқа юридик ҳаракатларда хуқуқий, иқтисодий ва техник маълумотлар сифатида қабул қилиниши керак.

Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш бу объектлар тўғрисидаги кадастр маълумотларини шакллантиришдаги ишончли хужжатлар ва бошқа маълумотлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Бино ва иншоотлар тўғрисидаги кадастр маълумотлари мулк эгалари, уларга ашёвий хуқуқларга эга бўлган шахслар, учинчи шахслар, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ва бошқа давлат органлари томонидан судда низо чиқиши мумкин.

Бино ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказувчи шахслар давлат рўйхатидан ўтказища қонун бузилишларини очган тақдирда, бу ҳақда тегишли давлат органларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ёки прокуратурага хабар беришга мажбурдирлар.

Мулк эгаси бўлган бино ва иншоотларга ашёвий хуқуқларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар уларга тегишли бино ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хужжатларга эга бўлишлари шарт.

Мазкур ўкув қўлланма биринчи маротаба тайёрлангани, мазкур фан нисбатан янги бўлганлиги сабабли, қўлланилган атамалар, иборалар, тушунчалар, тавсиялар, услубларда камчиликлар, жузий хатоликлар бўлиши мумкин.

• аҳолини жойлаштириш тизими— мавжуд, аҳоли пунктларини ривожлантириш ҳамда янги, аҳоли пунктларини барпо этиш йўли билан, аҳолини тегишли худудга тартибга солиб бориладиган тарзда жойлаштиришнинг шаҳарсозлик хужжатлари билан белгиланадиган асосий йўналишлари;

• аҳоли пунктининг бош режаси— яшаш вафаолият муҳитини шакллантиришнинг комплекс шароитларини, аҳоли пунктлари худудий ривожланишининг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик хужжати;

- аҳоли пунктлариаро ҳудудлар— аҳоли пунктлари чегарасидан ташқаридаги икки ваундан ортиқ аҳоли пункти ўртасидаги ҳудудлар;
- бино— функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ваҳархил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажмни ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳариккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;
- зоналаштириш— ҳудудни ривожлантиришнинг шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштирилишида шаҳарсозликнинг фойдаланиш
- турларини ҳамда бутурлардан фойдаланишдаги чеклашларни белгилаб олган ҳолда унинг функционал мақсадга кўра бўлиниши;
- иншоот— ҳархил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юклар вабошқанарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳариккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизиқ тарзидаги қурилиш тизими;
- шаҳарвапосёлка чизиги— аҳоли пункти ерларининг уларни ерфондининг бошқатоифаларидан ажратиб турадиган, шаҳарсозлик ҳужжатларида белгилаб қўйилган ташқичегараси;
- шаҳарсозлик— аҳоли пунктларини, аҳоли пунктлариаро ҳудудларни режалаштириш ҳамда қуришнинг ижтимоий-иктисодий, қурилиш-техника, архитектура-бадиий васанитария-гигиенага оид ечимларининг йиғиндинини таъминловчи назарияси ваамалиёти;
- шаҳарсозлик регламенти— шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда, аҳоли пунктлари ва, аҳоли пунктлариаро ҳудудларнинг еручасткалари ваўзга кўчмас мулк обьектларидан фойдаланишнинг, аҳоли пунктлари ваҳудудларни қуриш қоидалари билан белгиланган кўрсаткичлари ватурлари йиғиндиси;
- шаҳарсозлик фаолияти— давлат органлари, юридик важисмоний шахсларнинг ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш, еручасткаларидан фойдаланиш турларини белгилаш, бинокорлик материаллари вабуюмларини ишлаб чиқариш, бинолар, иншоотлар ҳамда бошқаобъектларнинг фуқаролар манфаатлари, жамият вадавлат манфаатлари, шунингдек мазкур ҳудудлар ҳамда, аҳоли пунктларининг миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятлари инобатга олинган ҳолда лойиҳалаштирилиши, қурилиши вареконструкцияси соҳасидаги фаолияти;
- шаҳарсозлик ҳужжатлари— ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш тўғрисидаги ҳамда уларни қуриш ҳақидаги, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжатлар;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, аҳолини жойлаштириш бош тархи(схемаси)— аҳолини жойлаштириш тизимларини ривожлантириш, табиатдан фойдаланиш, ҳудудларни, умумдавлат, аҳамиятига молик мухандислик, транспортга оид ваижтимоий инфратузилмаларни ижтимоий-

иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадлари вайўлларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжатлари;

• қизил чизик— даҳалар, мавзелар варежалаштириш тузилмаси бошқақисмларининг худудларини, ахоли пунктларининг кўчалари, тор кўчалари вамайдонларидан ажратиб турувчи, шаҳарсозлик ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган чегаралар;

• қуришни тартибга солиш чизиқлари—бинолар вайншоотларни жойлаштиришда шаҳарсозлик ҳужжатларида қизил чизиқлардан ёки еручасткаси чегараларидан маълум оралиқ жой ташлаган ҳолда белгилаб қўйиладиган қуриш чегаралари;

• худудни режалаштириш тарҳи—худуднинг зоналаштирилишини, ахолини жойлаштириш тизимлари такомиллаштирилишининг, тегишли худуднинг, ахоли пунктларини, саноати, қишлоқ хўжалигини, минтақалараро, минтақавий ҳамда, ахоли пунктлариаро, аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ваижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжатлари;

• худудни ривожлантиришнинг тармоқ тарҳи— тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ваижтимоий инфратузилмаларни, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжатлари.

## МАЪРУЗА №2

### МАРУЗА: ШАҲАР ХУДУДЛАРИДА ЕР, БИНО ВА ИНШООТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Режа:

1. Бино элементлари ва муҳандислик системаларидан эксплуатацияси

2. Бир хил элементларнинг хизмат қилиш муддатлари турлича

Бино элементлари ва муҳандислик системаларидан эксплуатацияси амалиётида техник эксплуатацияси ни ташкил этишнинг икки усули мавжуд.

Биринчиси доимий кузатишлар асосида бино элементларининг техник ҳолати ва таъмирлашни аниқлаш. Бу ҳолда эксплуатацияси тадбирлари ва уларни бажариш муддатлари конструкция ва муҳандислик системаларини кузатишлардан сўнгина белгиланади.

Иккинчиси эса, таъмирлаш ва тузатиш ишларининг бино элементлари бузилишини огоҳлантирувчи, олдиндан режалаштирилган муддатларда бажарилишига асосланган. Техник эксплуатациясининг бундай усули таъмирлашнинг режавий-огоҳлантирувчи системаси деб аталади.

Конструкция ва ускуналарнинг мукаммал ҳамда одатий таъмирланиши, муҳандислик системаларининг тузатилиши уларнинг хизмат қилиш муддатлари билан боғлиқ. Туар-жой биносини алоҳида олинган конструкциялар, муҳандислик конструкциялари ва ускуналар системасидан

ташкил топган деб қараш мумкин. Ўз навбатида бу элементларнинг ҳар бири ўзининг хизмат қилиш муддатига  $T_x$  га эга бўлади.

Бир хил элементларнинг хизмат қилиш муддатлари турлича. Бу бир неча сабабларга боғлиқ: конструкция ва элементлар материалларини тайёрлаш технологиясининг бузилиши, қурилиш материалларини таҳлаш ва сақлаш ҳамда монтаж қилиш жойларига ташиб келиш қоидаларига риоя қилмаслик ва ҳоказоларни тайёрлаш, сақлаш, ташиш, деталларни монтаж қилиш техник шартларида амалдаги стандартлардан оғиш чэгаралари (рухсат етилган ўлчам миқдори) мавжуд. Амалда бу оғиш чэгаралари ҳамма вакт ҳам сақланавермайди. Сақланганда ҳам бир хил элементларнинг хизмат қилиш муддатлари юкорида келтирилган сабабларга қўра турлича бўлади. Бундан ташқари, оғиш чегаралари мос келган омиллар бўйича катта ёки кичик томонга бўлиши мумкин.

Келтирилган сабаблар конкрет элементнинг аниқ хизмат қилиш муддатини олдиндан аниқлашга имкон бермайди. Шунинг учун амалда конструкциялар ва муҳандислик системаларининг ўртacha хизмат қилиш муддатидан фойдаланилади. Буларни аниқлаш учун математик статистика услубларидан фойдаланилади. Бу услубнинг маъноси қўйидагича: натур текширишлар натижасига қўра катта миқдордаги (50 тадан кам бўлмаган) тайёрланган, монтаж қилинган ва тахминан бир хил шароитда фойдаланиладиган элементларнинг хизмат қилиш муддати аниқланади. Олинган натижалар қўйидаги мисолда келтирилган тартибда расмийлаштирилади.

**Мисол.** Сув тақсимоти кранини хизмат қилиш муддатини аниқлаш талаб этилсин. 72 та сув тақсимлаш крани кузатилган. Умумий сони (м) ҳарфи билан белгиланади. Ҳар бир кран учун алмаштиргунга қадар бўлган хизмат қилиш муддати x. аниқланади. Ҳосил бўлган омиллар гурухларга бўлинади ва натижалар 1.5.1- жадвал кўринишида расмийлаштирилади.

#### Хизмат қилиш муддатлари бўйича носоз кранларнинг гурухларга бўлиниши 2.1-жадвал

X ж	122	123	125	130	134	138	139	40	1
м и	2	6	12	16	15	13	7		1

Математик статистикада юкорида келтирилган жадвал  $x_c$  миқдорни тарқатиш қатори деб қабул қилинади. Бу ўз навбатида  $x_c$  миқдор бўйича элементнинг ўртacha хизмат қилиш муддатини аниқлашга имкон беради.

**ер участкаси** — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, хуқуқий режимига ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;

**хатлов** — кўчмас мулк обьектлари тўғрисидаги маълумотларни топиш ва аниқлашга қаратилган, уларнинг миқдори, сифати ва хуқуқий ҳолати

тўғрисида ахборот олиш учун амалга ошириладиган кадастр чора-тадбирлари мажмуаси;

**кадастр йиғмажилди** — объектнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни шакллантириш, ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган кадастр суратига олиш, техник хатловдан ўтказиш ва паспортлаштириш, маҳсус текшириш ва изланишлар, сифат ва қиймат жиҳатдан баҳолаш хужжатлари, материаллари ва маълумотлари жамламаси;

**кўчмас мулк обьектлари** — жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган ер участкалари, бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дараҳтзорлар;

**дала ишлари** — ишчи гурӯҳ томонидан уларнинг доимий иш ўрни бўлган бинодан ташқарида бажариладиган дала ишлари;

**ҳуқуқ эгаси** — битим асосида ёки қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича кўчмас мулкка бўлган ҳуқуққа эга жисмоний ва юридик шахс;

**ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш** — ерлардан ҳуқуқни белгиловчи хужжатларсиз фойдаланиш;

**ўзбошимчалик билан қурилган иморат** — қонун хужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа иморат, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк;

3. Қуйидагилар хатловнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

ер участкалари, бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дараҳтзорларнинг эгаларини, улардан фойдаланувчиларни, уларнинг ижарачилари ва мулкдорларини ҳамда улар эгаллаб турган ер участкаларининг майдонларини, бино ва иншоотларнинг ҳажмини, дараҳтларнинг турлари ва сонини аниқлаш;

кўчмас мулк обьектларининг электрон маълумотлар базасида тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш;

ўзбошимчалик билан эгалланган ва қурилган иморатларни аниқлаш;

ер эгалиги, ердан фойдаланиш ва ижара соҳасида ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш;

мол-мулк солиғини ва ер солиғини ҳисоблаш учун солиққа тортиш обьектларини тўлиқ ҳисобга олишни таъминлаш;

Маълумотларни йиғиши, ишлов бериш механизмини стандартлашни ҳисобга олиш ва кадастр ахборот тизимини яратиш;

давлат ҳокимияти органларини кўчмас мулк обьектлари тўғрисида ишончли ва тўлиқ ахборот билан таъминлаш.

4. Хатловдан ўтказиш ишлари туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (кейинги ўринларда Давлат корхонаси деб аталади), архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси), давлат солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлими ва тегишли шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини кенгаши вакилларидан иборат таркибда тузиладиган дала ишларини бажаруви ишчи

гурух (кейинги ўринларда Ишчи гурух деб аталади) томонидан бажарилади. Ишчи гурухга Давлат корхонаси вакили раҳбарлик қиласи.

Ишчи гурух хатлов жараёнида мазкур Низомда белгиланган тартибда кўчмас мулк объектларини текшириш, ер участкасини суратга олиш, бино ва иншоотларнинг ташки ва ички ўлчамларини ўлчаш, кўп йиллик дарахтларнинг турларини ва сонларини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

5. Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган ёки улар томонидан фойдаланилаётган, шу жумладан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерлар, ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар ва кадастр ҳужжатлари бўлмаган кўчмас мулк объектлари хатлов обьекти ҳисобланади.

## МАЪРУЗА №3

### **МАРУЗА: ШАҲАР АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ЕР ВА БИНО ИНШООТЛАРНИ КАДАСТР СЪЁМКАСИНИ БАЖАРИШ**

**Режа:**

**1. Кадастр съёмкаси бу маълум бир ер участкасининг картографик чегараларини аниқлаш**

**2. Ер участкасининг кадастр съёмкаси қўйидаги мақсадларда бажарилади**

**3. Ер участкалари ва аҳоли яшаш пунктларида кадастр съёмкалари ўз ичига қўйидагиларни олади**

Кадастр съёмкаси бу маълум бир ер участкасининг картографик чегараларини аниқлаш ёки тиклаш учун ҳамда ўша ер участкасидаги тавсилотларнинг ва объектларнинг кадастр планида якка тасвирланишини таъминлаш учун жойда олиб бориладиган маҳсус топографо-геодезик ўлчаш ишларидир. Кадастр съёмкаси асосан ердан туриб планга олиш усулида бажарилади. Кадастр съёмкаси масштаблари асосан кадастр ўлчаш ишлари олиб бориладиган ер участкасининг ҳажмига ҳамда техник топшириқда қўйилган талабларни қондирилишига қараб 1:200, 1:500 ва 1:1000 масштабларда бажарилади.

Ер участкасининг кадастр плани бу ер участкасининг жойлашган ўрнини ундаги барча тафсилотлар, контурлар, чегаралар, шу ер участкасида жойлашган бино-иншоатлар, улардаги сув манбаалари, баҳоланиши лозим бўлган ер участкалар зоналари ҳамда бошқа мавжуд характерли кадастр обьектлари аниқ тасвирланган график ҳужжатдир.

Ер участкасининг кадастр съёмкаси қўйидаги мақсадларда бажарилади:

- ер участкасининг чегаравий плани ва шу ер участкасида жойлашган кўчмас мулк обьектларининг планларин тузиш ҳамда шу жойда ўрнатилган ва қайта ўрнатилган картографик материалларни кадастр ҳисобига олиш;

- Ер участкасининг ўрнатилган географик чегараларин боғлаш ундаги кўчмас мулк обьектларидан ва ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқларини қонуний расмийлаштириш ҳамда ер участкасининг кадастр моделини қонунлаштириш ҳужжатларини тузиш;

- Экин ва экинзорлар чегараларини аниқлаш ва ўрнатиш , ер участкаси ундаги сув манбааларининг ҳимояланиш зоналарини аниқлаш ва ўрнатиш , шу ер участкасидаги мавжуд инженерли ва транспорт коммуникацияларининг ҳимоя зоналарини ўрнатиш, ҳамда мавжуд майдонли ва бошқа объектларнинг кадастрла характеристикаларини кадастр ҳисобига олиш;

- Ер участкасидан фойдаланиш турлари , ердан фойдаланиш ва тўғрисидаги хуқуқий хужжатларни тўлдириш.

Кадастр съёмкасини бошқаришда қўйидаги асосий принциплар эътиборга олиниши ёки таъминланиши керак:

- кадастр планларида талаб қилинган аниқликда бошқарилиши лозим;
- кадастр ҳисобига олинадиганобъектлар тасвирланишининг тўлиқлиги керакли даражада бўлиши керак;
- ер участкаси ва ундаги кўчмас мулк объектларнинг чегаралари қонуний тўлиқ аниқланиб кўрсатилган бўлиши керак;
- иқтисодий жиҳатдан қониқарли бўлиши керак;

Ер участкалари ва аҳоли яшаш пунктларининг кадастр съёмкалари маҳсус топографо-геодезик бўлимлари ва бошқа топографо-геодезик ишларни бошқаришга маҳсус рухсат ёки литсензияси бўлган ташкилотлар томонидан бажарилади.

Кадастр съёмкаси маҳаллий ёки шартли координаталар системасида бажарилиши мумкин.Бунда керак бўлган ҳолларда шартли координаталар системасидан маҳаллий координата системаига ўтишига имкон яратилган бўлиши керак.

Кадастр планларининг масштаблари шундай яратилган бўлиши керакки бунда план мазмунинг барча деталларнинг равшан ва аниқлиги таъминланиши лозим , кадастр планинг ўқимшилиги ва тавсилотларнинг умумийлиги сақланган бўлиши лозим ва албатта ер майдонининг катта кичиклиги эътиборга олиниши зарур.

Жадвалда кадастр планлари тузиш учун асосий масштаблар келтирилган.Айрим ҳолларда планда кўрсатиладиган маълумотларнинг жуда кўплиги ёки аксинча бериладиган маълумотларнинг камлигига қараб масштаблар бирмунча катта ёки кичик масштабларда берилиши мумкин.

Ер участкаларининг кадастр съёмкаси одатда мавжуд бўлган топографик хужжатлар ва материаллардан картографик асос сифатида фойдаланилган ҳолда олиб борилади.Айрим ҳолларда жойдаги топографик элементларда содир бўлган ўзгаришлар топографик планга киритилади.

Ер участкалари ва аҳоли яшаш пунктларида кадастр съёмкалари ўз ичига қўйидагиларни олади:

- тайёргарлик ишлари , юридик ва картографик материалларни тўплаш ва анализ қилиш;
- ер участкалари чегараларини ўрганиш ва келишиш;
- жойда ер ости инженерлик ва транспорт коммуникациялари ҳимоя зоналарини аниқлаш ва ўрнатиш;

- ер участкасидаги кадастр елементларининг (кўчмас мулк обьектлари , экин ва экинзорлар , сув ҳимоя зоналари ва бошқалар) съёмкасини бажариш;
- ер участкасининг топографик съёмкасини бажариш (мавжуд ўзгаришларни съёмка қилиш , ер рельуфини съёмка қилиш ва бошқа контурлар ва тафсилотларни съёмка қилиш);
- камерол ишлар материал ва хужжатларни келишиш , қўриб чиқиш ва тасдиклаш;

### **Ер участкасининг кадастр съёмкаси**

Кадастр съёмкаси обьектлари. Кадастр съёмкаси обьектлари:булар шу ер участкасида мавжуд бўлган барча қўзғалмас мулклар , ситуация ва тафсилотлар ва кадастрга оид бўлган бошқа элементлар:

- жойда ўрнатилган қўзғалмас ер участкасининг чегараси;
- рўйхатга олиниши лозим бўлган қурилган бино иншоатлар;
- ер ости муҳандислик коммуникациялари;
- қўп йиллик дараҳтлар ва боғларнинг контурлари;
- тақиқланган ер участкасининг контурлари ;
- ер ости ва ер усти инженерлик коммуникация магистрлари;
- ер участкасидаги мавжуд ер ости муҳандислик коммуникациялари керак бўлган ҳолларда буюртмачининг топшириғига асосан;
- сув ҳимоя зоналари ва муҳандислик ва транспорт коммуникацилари ҳимоя зоналарининг чегаралари;
- ер участкаси переметрида жойлашган ва шу ер участкасида жойлашган иншоатлар ва қурилишлар учун техник хизмат кўрсатадиган ва бошқа ҳимоя зоналари;
- ер участкалари атрофида жойлашган қишлоқ ҳўжалик экинлари;
- гидротехник иншоатлар;

Ер участкасининг кадастр плананини тузиш асосий вазифалардан бири бу план ва картографик асосларда ер участкасининг чегарасини аниқ қўйиш ва ўрнатишидир.Аҳоли яшаш территорияларида ер участкасининг чегараси қизил чизиқ билан белгиланади.Қизил чизиқ бино-иншоатлар фасад қисмининг чегараси бўйлаб ўтказилади , ер участкасининг орқа томонлари чегаралари ва қизил чизиқлари ер ажратиш материаллари яни архитектура режалаш топшириги (архитектура план архивини задания А.Б.З.) яни хукуқий эгаликни тасдиқловчи хужжатлари орқали ўтказилади . Ер участкалари чегараларини аниқлаш қийинлашган территорияларда ҳамда ердан фойдаланувчилар томонлардан ер участкаси чегараси билан тортишувлар бўлмаган ҳолларда қизил чизиқ ер эгаларининг ўзаро келишилган чегаралари орқали ўтказилади.Бино-иншоатларнинг фасат қисмида ер участкасининг чегараси кварталнинг қизил чизиқ орқали аниқланади , бунда чегарани турини аниқлаш ва қизил чизиқни ўтказишда жавобгарлик ишлари кадастр хизмати бўлимларига юклатилади.Агарда шаҳар ва аҳоли яшайдиган ер участкаларини ажрчиш ишлари ва материаллар кадастр хизматига юклатилмаган ҳолларда ер участкасининг

кадастр планларига қызил чизикларни ўз территория худудига архитектура бўлимлари томонидан юклатилади.

Агарда шаҳарлар ёки аҳолининг яшаш пунктларининг қайсиdir бир қисмининг ишлаб чиқилган ва тасдиқланган детальнинг планировкалар лойиҳалар (П.Д.П.праект деталной планировка) бўлган ҳолларда қурилиш участкаларини қурилиш жойида аниқланади ва ўрнатилади. Бунинг учун қурилиш ишлари олиб бориладиган кварталларда қурилиш участкалари чизиклари бўйлаб қурилиш участкалари оралиғида контур бўйлаб икки жуфт махкам нуқталар аниқланади ёки бу нуқталар махкам қозиклар билан жойида махкамланади ва бу нуқталарга планли координаталар билан координаталаштирилади. Бунда қурилишлар чизиклар орасидаги хатолик 0.25 м дан ошиб кетмаслиги керак.

Бундай ҳолларда худудий архитектура бўлимлари қурилиш чизикларидан ўтадиган ер участкаларининг бурилиш нуқталари координаталари келишиши керак. Ер участкасининг чегараларини қайтадан тиклаш ҳолатлари содир бўлган ҳолларда олдиндан бажарилган кадастр съёмкаси материалларидан фойдаланилади. Бундай ҳолларда кучли ер участкалари чегараларининг бурилиш бурчак нуқталари жойда кўчирилаётган вақтида қайтадан координатлаштирилади олинган барча маълумотлар кадастр ишлари сифатида баҳолашда қўлланилади. Ер участкасининг бошқа қўшни чегара ер участкасининг чегарасининг бурилиш нуқталарининг координатлари қайта ҳисоблаб чиқилади. Олдин ҳисобланган координаталар билан фарқи хато чекининг иккиланганидан ёки 1.5м дан ошиб кетган тақдирда тайёрланган кадастр съёмкаси хужжатлари аниқ қилиб ўрганилиб чиқилади ва қайта ишлаб чиқиш учун ижрочиларга қайтариб юборилади. Агар координаталар фарқи хато чекидан ошиб кетмаган бўлса ер участкасининг координата жойлари асос қилиб олинади. Кадастр съёмкаси ишларини бажариш учун ушбу координата ишларидан фойдаланилади.

Алоҳида жойлашган бино-иншоатларининг ер участкалари учун хизмат кўрсатиш зоналари ер участкаси егаллаб турган ер майдонинг ҳисобига киритилади. Ҳамда киритилган ерлар ҳам шу ер участкасининг ҳисобига киритилади.

Ер участкасининг чегаралари, плани картофик асосга куйидаги тарзда туширилади:

- кадастр съёмкаси материаллари ва хужжатлари асосида;
- олдинги йиллардабажарилган планли-картографик хужжатлардан ўтказиш. Агарда чегарада ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган ҳолларда ҳамда чегара илгари барча техник талаблар асосида туширилган бўлган тақдирда;

Ҳақиқатда фойдаланилаётган ер участкаларининг (агарда жойда ўрнатилган белгилари йўқолган бўлса ёки чегара бурилиш нуқталарининг координаталари олдиндан аниқланмаган ёки йўқолган бўлган ҳолларда) чегараларини қайтадан тиклаш ёки ўрнатиш ишлари ер участкаларининг ҳамда қўшни ер участкаларининг эгаларининг келишилган ҳолда кўрсатган нуқталар ва чизиклари орқали ўтказилади ва ўрнатилади. Бундай ҳолларда

чегаралар ҳар хил ер участкаларидан фойдаланувчиларнинг яъни ер эгаларининг иштирокида текширилади.

Жойда ер участкасининг чегараларини келишиб ўрнатиб бўлгандан сўнг унинг чегара чизиқлари (агарда жойда чегара девори ёки ҳақиқий чегаралар бўлмаган ҳолларда) маҳсус белгилар билан маҳкамланади. Маҳсус маҳкамланган чегара белгилар жойдаги мавжуд доимий контурларга (дараҳт, электр сим ёғочлари, бино-иншоатлар бурчаклари ва ҳакозо) чизиқли кесиштириш усулида масофалари ўрганилиб боғланилади.

Ер участкаларининг чегараларини келишиш ва ўрнатиш ишлари натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади. Бу далолатномага ер участкасининг эгаси, қўшни ер участкаларидан фойдаланувчилар ёки эгалари, агарда эгалари бўлмаган ҳолларда уларнинг вакиллари, чегарани келишишида ҳамда ўрнатишда иштирок этган ижрочилар томонидан имзоланилади ва худудий кадастр хизмати томонидан тасдиқланилади.

Ер участкасининг эгаси ҳам бошқа қўшни ер участка эгалари ёки ердан фойдаланувчилари ўртасида қандайдир чегара ёки бошқа характерга эга бўлган тортишув ёки келишмовчиликлар рўй берган ҳолларда планликарографик асосга чегарадошларнинг келишилган ҳолдаги кўрсатмаларига асосан вақтинчалик сифатида чегаранинг ҳамма нуқталари туширилади. Ер участкаси чегарасининг ҳақиқий сўнги ўрни Ер қонунида кўрсатилган тартиб асосида ўрнатилади.

Ер участкаси чегарасининг келишилган, ўрнатилган ва жойда маҳкам беркитилган бурилиш нуқталари координатлаштирилиб, геодезик таянч шахобчалари пунктларига геодезик усулларда боғланилади. Ер участкаси чегараси бурилиш нуқталарининг олинган координатлари ер участкаси чегарасини геодезик фундаментал маҳкамлашга, ер участкаси майдонини аналитик усулда аниқлашга, ер участкасининг кадастр планини тузишда, кадастр съёмкаси чегарасининг математик моделини ясашда ҳам ер участкаси чегарасини картографик материаллар ва ҳужжатларга ўтказиша хизмат қиласи.

#### **МАЪРУЗА №4**

### **МАРУЗА: ШАХАР АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДАГИ ЕР, БИНО ВА ИНШООТЛАРГА БЎЛГАН ХУҶУҚЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШНИНГ МАЗМУНИ, МОХИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Режа:**

- 1. Ер бино ва иншоотлар давлат кадастри ҳудудий принцип бўйича ташкил этиш**
- 2. Бино ва иншоотлар мерос қилиб олинган тақдирда бино ва иншоотларга эгалик хуҷуқи**
- 3. Рўйхатга олиш ишини ташкил этиш**

Ер бино ва иншоотлар давлат кадастри ҳудудий принцип бўйича ташкил этилади ва бу объектларнинг хуҷуқий, хўжалик ва архитектура-қурилиш мақоми тўғрисидаги маълумотлар тизимини мужассамлаштиради.

Бино ва иншоотлар давлат кадастри бино ва иншоотлардан самарали фойдаланишини ва уларни муҳофаза қилишни, мулк эгаларининг ва бу объектлардан бошқа фойдаланувчиларнинг хуқуқларини, шунингдек бино ва иншоотларга эгалик хуқуки ва бошқа ашёвий хуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилишини (кейинги ўринларда бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш деб аталади) таъминлаш учун юритилади.

Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш бўйича муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва мазкур Низом билан тартибга солинади.

Давлат шаҳарсозлик кадастрини, давлат ер кадастрини, фойдали қазилма конлари давлат кадастрини, кўп йиллик ўсимликлар давлат кадастрини юритиш бўйича муносабатлар бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади. Бино ва иншоотлар давлат кадастри маълумотлари барча давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий юридик кучга эгадир. Кадастр хужжатлари бино ва иншоотлар билан фуқаролик-хуқуқий битишувларни амалга оширишда, уларни солиқقا тортишда, лойиҳалаштиришда ва бошқа юридик харакатларда хуқуқий, иқтисодий ва техник маълумотлар сифатида қабул қилиниши керак.

Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш бу объектлар тўғрисидаги кадастр маълумотларини шакллантиришдаги ишончли хужжатлар ва бошқа маълумотлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Бино ва иншоотлар тўғрисидаги кадастр маълумотлари мулк эгалари, уларга ашёвий хуқуқларга эга бўлган шахслар, учинчи шахслар, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ва бошқа давлат органлари томонидан судда талашилиши мумкин.

Бино ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказувчи шахслар давлат рўйхатидан ўтказишида қонун бузилишларини очган тақдирда, бу ҳақда тегишли давлат органларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ёки прокуратурага хабар беришга мажбурдирлар.

Мулк эгаси бўлган бино ва иншоотларга ашёвий хуқуқларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар уларга тегишли бино ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хужжатларга эга бўлишлари шарт.

Бино ва иншоотни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти мулк эгасига ёхуд бино ёки иншоотга ашёвий хуқуқларга эга бўлган шахсга юкланди. Улар бино ёки иншоотни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича барча ёки айrim мажбуриятларини учинчи шахсларга юклашлари мумкин. Бу хуқуқларни ва мажбуриятларни рўёбга чиқариш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатиб ўтилган шахслар ёки улар томонидан вакил қилинган шахс мулкка эгалик хуқуки ёки бошқа ашёвий хуқуқлар пайдо бўлган, ўзгарган, тўхтатилган ёхуд бино ёки иншоотнинг хуқуқий ҳолати ўзгарган пайтдан бошлаб бир ой муддатда шаҳар, туман худудидаги давлат рўйхатидан ўтказувчи органларга уларни бино ва

иншоотлар кадастр, реестр дафтарида рўйхатдан ўтказиш учун хужжатларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Бино ва иншоотлар мерос қилиб олинган тақдирда бино ва иншоотларга эгалик хуқуқи ёки бошға ашёвий хуқуқлар меросхўрга ёки давлатга қонунчилиқда белгиланган тартибда ўтгандан кейин давлат рўйхатидан ўтказилади.

Бино ва иншоотлар давлат кадастрини ташкил этиш ва юритиш туман, шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига юкланади (ЎзР ВМ 19.10.2004 й. 483-сон Қарори таҳриридаги банд).

Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритувчи органлар кадастр хужжатларини ва кадастр маълумотларини рухсатсиз олиш ва ошкор этишдан ҳимоя қилинишини таъминлашлари шарт.

Бино ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказишни, кадастр маълумотларини, айрим обьектлар бўйича маълумотлар тайёрлашни рўйхатдан ўтказувчи органларнинг фақат ваколат берилган ходимлари амалга оширишлари мумкин. Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш бўйича ишлар бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундириладиган маблағлар ва бошқа манбалар ҳисобидан маблағ билан таъминланади.

Бино ва иншоотлар эгалик хуқуқи ёхуд бошқа ашёвий хуқуқлар пайдо бўлганлигини, бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун юридик шахслардан энг кам иш ҳақининг ярми, жисмоний шахслардан ўндан бир қисми микдорида тўлов ундирилади. Эгалик хуқуқи ёхуд бошқа ашёвий хуқуқлар субъектини ўзгартиргмаган ҳолда обьектнинг хуқуқий ҳолати ўзгарганда кўрсатиб ўтилган суммаларнинг ярми ундирилади.

Давлат мулки бўлган обьектлар бўйича давлат кадастрини юритиш ишлари давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланади. Бино ва иншоотларга эгалик хуқуқини ёхуд бошқа ашёвий хуқуқлар тўхтатилганлигини ёхуд уларнинг чекланганлигини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун тўлов ундирилмайди.

### **Рўйхатга олиш ишини ташкил этиш**

Рўйхатдан ўтказиш тизимининг тузилмасига мувофиқ ҳар бир обьект учун кадастр хужжатлари йиғма жилди тузилади, уч қисмдан иборат:

1-қисм, бино ва иншоотларни таърифлаш, обьектни теран ва бир мазмунли идентификация қилиб беради ва бино ва иншоотларни текшириш далолатномалари ҳамда кадастр суратига олишнинг бошқа материаллари асосида тузилади.

2-қисм, мулк қисми, мулкдор(лар) тўғрисидаги ахборотни, унинг реквизитларини; хуқуққа эга бўлиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган хужжатларнинг реквизитларини (ёки хужжатлар ариза рақами бўйича сақланаётган бўлса, ариза рақамини); битимни рўйхатдан ўтказиш, шартномани тузиш санаси ва ҳ.к.ларни ўз ичига олади; эгаликларни текшириш далолатномалари асосида тузилади.

3-қисм, юкловлар ва огоҳлантиришлар, учинчи шахсларнинг бино ва иншоотларга бўлган барча хуқуқлари тўғрисидаги ахборотни - гаровлар,

юкловлар, хатга олиш, ижара, сервитутларни; бино ва иншоотлар тасарруф этиш хукуқига таъсир кўрсатувчи огоҳлантиришлар, кафилликлар ёки чекловларни ўз ичига олади.

- a) мулкнинг мавжудлигини ҳамда унинг техник ҳолатини аниқлаш;
- b) мавжуд, аниқланган мулкнинг қийматини ҳалқ хўжалиги умумий балансига киритиш;
- c) ҳар йилги (амортизация) фойдаланиш қийматини аниқлаб олиш;
- d) ҳалқ хўжалигининг инвентаризация маълумотларига бўлган талабларини қондириш;

Уй хўжалигини шунингдек, унинг таркибига киравчи қурилишларни рўйхатга олиш ишлари мажмуига қўйидагилар киради:

ҳақиқий ҳолатдаги расмга олиш (яъни аниқ олинган ўлчовлар, чизмалар, фойдаланиш микдорини аниқлаш ва ушбу обьектларга тааллуқли бошқа хужжатлар) ва ҳисоб-китоб, ёзма ҳамда чизма (график) ишлар орқали амалга ошириш сингари вазифаларни амалга ошириш.

## МАЪРУЗА №5

### **МАРУЗА: БИНО ИНШОАТЛАР ДАВЛАТ ШАХАР КАДАСТРИНИ ЮРИТИШ**

**1. Маълумки, якка тартибда қурилган бинолар ва иншоотлар давлат кадастри**

**2. Якка тартибда қурилган бино ва иншоотларни давлат рўйхатига олиш**

Маълумки, якка тартибда қурилган бинолар ва иншоотлар давлат кадастри туман, шахар кадастр дафтаридан, кадастр планидан, кадастр хужжатларидан ва геофондлардан, шунингдек, белгиланган тартибда шакллантириладиган компьютер маълумотларидан иборат бўлади.

Белгиланган тартибга биноан, якка тартибда қурилган бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш уч босқичда амалга оширилади:

1 босқич – якка тартибда қурилган бинолар иншоотларнинг туман, шахар даражасидаги хуқукий, хўжалик ва меъморий-курилиш мақоми тўғрисидаги маълумотларини тўплаш ва кадастр дафтарида рўйхатдан ўтказиш.

2 босқич – обьектларни чизмада жойлаштириб кадастр планини тузиш.

3 босқич – олдинги босқичларда олинган маълумотларни хисобга олган холда маълумотларнинг компьютер базасини яратиш.

Якка тартибда қурилган бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш маълумотлари бинолар ва иншоотлар давлат кадастрининг асосини ташкил этади. Рўйхатдан ўтказиш белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида бино ёки иншоот қуриб битказилгандан сўнг ёхуд қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда ва шароитларда битишувлар содир этилгандан сўнг (олди-сотди, хадя, гаров, ижара ва хоказо) амалга оширилади.

Якка тартибда қурилган бино ва иншоотларни давлат рўйхатига олиш тизими уч та асосий бўлимдан иборат бўлиб, уларга қуидагилар киради:

1 – бўлим. Бино ва иншоотлар тавсифи - бу маълумотлар яратилган якка тартибда қурилган бино ва иншоотларни жойда ўрганиш ва кадастр тасвирлов ишларини олиб бориш натижасида тайёрланиб таҳлил қилинади. Тўпланган маълумотларнинг асосийлари сараланиб жамланади. Тўпланган 12 аниқ маълумотлар асосида жойнинг ўзида “бино ва иншоотларни тадқиқ қилиш далолатномаси” тузилади.

2 – бўлим. Эгалик (хусусий) – бу мулк эгалиги хақидаги маълумотлар, реквизитлар, реквизит хужжатлари (эгалик хуқуқини қўлга киритган хужжатлар тури ва рақами), рўйхатга олиш санаси ва бошқалардан иборат.

3 – бўлим. Мулкка эгалик хуқуқини оғирлаштирувчи вазиятлар ва огохлантириш маълумотлари – бунда якка тартибда қурилган бино ва иншоотларга хуқуқлари мавжуд бўлган учинчи шахслар хақида ахборот берилади (ижара, хибсга олиш, сервитут, гаров ёки бошқа оғирлаштирувчи вазиятлар хақида ахборот, огохлантириш, чеклаш ва бошқалар).

Юқоридаги тузилмавий таркибга мувофиқ рўйхатга олиш жараёнида юқорида қайд қилиб ўтилганидек, хар бир обьект учун алоҳида кадастр иши очилади ва унда юқоридаги учта босқич бўйича қуидаги мазмунда маълумотлар жамланади:

- кўчмас мулклар (бино ва иншоот)ларнинг техник, иқтисодий ва хуқуқий тавсифлари.

- кўчмас мулк эгаликлари хақида зарурий маълумотлар.

- кўчмас мулкка огохлантиришлар ва оғирлаштирувчи холатлар хақидаги қонуний хужжатларга асосланган аниқ маълумотлар.

Якка тартибда қурилган бинолар иншоотларнинг давлат рўйхатини олиб борища қуидаги принципларга асосланиш зарур бўлади:

➤ **Шубҳасизлик принципи**, яъни мулк хуқуқларини давлат рўйхатига олиш тизимининг асосий мақсади – бу мулк эгаси хуқуқларига шубха, ишончсизлик уйғотмайдиган хуқуқлар асосида рўйхатга олишdir. Хеч бир шубха туғдирмайдиган хуқуқлар бекор қилинмайди, ўзгартирилмайди.

➤ **Воқиф бўлишни ўзгартириш принципи**, яъни агар хуқуқ давлат томонидан рўйхатга олинмаган бўлса, демак бундай хуқуқ мавжуд эмас. Хар қандай кўчмас мулкнинг эгаси фақат ўзига тегишли 13 бўлган кўчмас мулкка хуқуқларини давлат рўйхатидан ўтганлиги хақидаги ахборотлардан воқиф этиши керак.

➤ **Ўрнини қоплаш (компенсациялаш) принципи**, яъни рўйхатга олувчининг айби билан орган томонидан шахс кўчмас мулкка бўлган хуқуқларидан маҳрум қилинса, зарар келтирган шахс томонидан компенсация тўланади. Бу хақида ўзбекистон республикаси жиноят кодекси”нинг “зарар етказилганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари” моддасининг биринчи қисмида, жумладан, қуидагича қоида келтирилган: “ғайриқонуний харакат (харакатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ва

мол-мулкига етказилган заар, шунингдек, юридик шахсга етказилган заар зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ хажмда қопланиши лозим”.

Вилоят, туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатаётган рўйхатга олиш органлари хизмати ва туман ер ресурслари бўлимлари фуқаролардан рўйхатга олиш тизимиға тушаётган талабномаларни хисобини юритади. Рўйхатга олиш тартиби қўйидагича кўринишда амалга оширилади.

### **Кадастр тизимини ва уни юритиш тартибини такомиллаштириш**

Маълумки, кўчмас мулк обьектларини аниқлаш, улар таркибини иккита қисмга: табиий (табиат) обьектлари – ер участкаси, ўрмон ва кўп йиллик дараҳтзорлар, алоҳида ажралган сув обьектлари ҳамда ер ости участкалари (улар “табиати бўйича кўчмас мулклар” деб аталадилар) га ҳамда сунъий обьектлар (қурилишлар-бино ва иншоотлар) га ажратиш кўзда тутилади.

Бинолар инсон ҳаёт-фаолияти учун зарур бўлган хоналарнинг мавжудлиги билан тавсифланадилар. Мақсадли моҳиятига қараб улар қўйидагиларга бўлинадилар:

- уй-жойлар: камкаватли уйлар (3 қаватгача) кўп қаватли уйлар (4 дан 9 қаватгача) юқори қаватли уйлар (10 дан 20 қаватгача), минорали уйлар (20 қаватдан баланд). Кондоминиумлар, секциялар( подъездлар), подъездаги қаватлар, хонадонлар, хоналар, чорбоғ уйлар ҳам уй-жой кўчмас мулк обьектлари бўлиши мумкин;

- жамоат бинолари-болалар боғча-яслилари, мактаблар, ўқув муассасалари, дўконлар, касалхоналар ва поликлиникалар, санаториялар, спорт иншоотлари, ўт ўчириш деполари, ҳаммомлар, кир ювиш бинолари, кинотеатрлар, меҳмонхоналар, театрлар, умумий овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш корхоналари, маъмурий муассасалар ва лойиҳалаш ташкилотларининг бинолари ва бошқалар;

- тижорат-ресторанлар офислари, дўконлар, меҳмонхоналар, ижора учун гаражлар, омборхоналар, мулкий мажмуа сифатидаги бинолар ва иншоотлар;

- ишлаб чиқариш воситалари жойлашган ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган саноат(ишлаб чиқариш) бинолари;

- ёрдамчи –трансформатор жойлашган, насослар жойлашган бинолар, айвонлар ва х.з.;

- қишлоқ хўжалик-чорвачилик, паррандачилик фермаларнинг бинолари, иссиқхоналар, парниклар, минерал ўғитлар омборхоналари, силосхоналар, катрошка ва сабзавотлар сақлаш бинолари ва иншоотлар ва х.з.;

- омборлар-нефт ва нефт маҳсулотларини сақлаш учун резервлар, дон омборлари ва элеваторлар, турли моҳиятдаги еrostи омборлари;

## **МАЪРУЗА №6**

### **МАРУЗА: ШАҲАР КАДАСТРИДА ЕР, БИНО ВА ИНШООТЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШ, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **1. Республика бино ва иншоотлар давлат кадастрини яратиш ҳамда юритиш**

## **2. Техник инвентаризациялашнинг мақсади ва вазифалари**

### **3. Техник инвентаризациялашнинг предмети**

### **4. Техник инвентаризациялашни ижро этувчилар**

Республика бино ва иншоотлар давлат кадастрини яратиш ҳамда юритишида бино ва иншоотлар техник инвентаризацияси ўзининг қуидаги асосий вазифаларига эга:

Бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкаларининг чегараларини, майдонларини ҳамда хуқуқий ҳолатини белгилаш (тиклаш);

Битта ер участкасидаги бино ва иншоотлар таркибини аниқлаш ҳамда уларни ҳисобга олиш;

Тураг жой ва нотурар жойларнинг таркибини, уларнинг сифатини, техник ҳолатини (эскириш даражасини) белгилаш, жорий ўзгаришлари ҳамда қийматини қайд этиш;

Ер участкалари, бино ва иншоотларни техник инвентаризациялаш ишларини ташкил қилиш ҳамда инвентаризация материалларига республика фуқаролари томонидан иморат солиш ва кўчмас мулкка эгалик қилиш масалаларини тартибга солиш имконини берувчи жорий ўзгаришларни ўз вақтида киритиши.

Бино ва иншоотларни техник инвентаризациялаш суғурта ва ўрнини қоплаш тўловларини белгилашда, мулк солиқларини ҳамда ер рентасини ҳисоблашда, олиш-сотиш, айрибошлиш, ҳадя қилиш, мерос қилиб олиш ва бошқа амаллар бўйича нотариал битимларни амалга оширишда асос қилиб қабул қилинади.

Ер участкалари, бино ва иншоотларни инвентаризация қилишида бажариладиган ишларнинг таркиби ҳамда мазмуни уларнинг бажарилиши мақсадлари билан белгиланади.

Шунингдек, қўйилган ҳар қандай мақсадлар учун инвентаризация қилиш чоғида бажарилиши мажбурий бўлган муайян иш турлари ҳам мавжуд, булар – эгалик қилувчини ҳужжат асосида белгилаш, геометрик параметрларни текшириш, мазкур бино ҳамда иншоотларни ободонлаштиришга мўлжалланган ер участкаларининг чегараларини белгилаш, биноларнинг ҳақиқатдаги техник ҳолатини (шу жумладан зилзилабардошлигини) белгилаш ва ҳ.к.лардан иборат.

### **Техник инвентаризациялашнинг мақсади ва вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасида бино ва иншоотлар давлат кадастрининг асосий вазифаси бино ҳамда иншоотларнинг жойлашган ери, миқдорий ва сифат жиҳатдан таркиби, техник ҳолати, ободонлик даражаси ҳамда қиймати ва ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариши тўғрисида ахборот олишдан иборатdir.

Бино ва иншоотлар давлат кадастрининг асоси – бино ва иншоотларни техник инвентаризациялаш ҳамда хуқуқ эгаларининг бино ва иншоотларни асраш борасидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ҳужжатларни техник инвентаризациялаш ҳамда рўйхатдан ўтказиш орқали амалга ошириладиган техник ҳисобга олишdir.

Техник инвентаризациялашнинг асосий мақсади қуидагилардан иборат:

Шахсий ёки узоқ муддатли ижарадаги кўчмас мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини ва таркибини аниқлаш;

Кўчмас мулкка бўлган мулк ёки узоқ муддатли ижарага олиш хуқуқини тасдиқловчи хуқуқ белгиловчи хужжатларнинг мавжудлигини текшириш;

Кўчмас мулкнинг техник ҳолатини белгилаш ва қийматини баҳолаш;

Кўчмас мулкка тегишли суғурта хужжатларининг мавжудлигини текшириш.

Кўчмас мулкни (ер участкаларини, бино ва иншоотларни) инвентаризациялаш ишлари қуйидаги умумий ҳолларда амалга оширилади:

Аҳоли пунктларини иморатлари бор бўлган янги ерларни ажратиб берган ҳолда режалаштириш билан боғлик ишларда;

Курилиш обьектларини фойдаланишга топширишда – фойдаланиш учун қабул қилинадиган бино ва иншоотлар барча элементларининг ҳақиқий ҳолати ҳамда барча лойиҳа параметрларидан четга чиқишлар тўғрисида тўлақонли маълумотлар олиш мақсадида;

Кўчмас мулкни бошқариш мақсадида маълумотлар банкини яратишда – худудлар чегараларида барча кўчмас мулк обьектларини: асосий (режавий) ва жорий (сўнгги маълумотларни доим тегишли даражада тутиш мақсадида) инвентаризациялаш ишлари амалга оширилади;

Кўчмас мулкни олишга тайёргарликда – айrim конструкция ва элементларнинг жисмоний эскириши тўғрисида кўчмас мулк обьектининг ҳақиқий техник ҳолати ҳамда қийматини белгилаш имкониятини берувчи обьектив маълумотлар олиш мақсадида;

Табиий офатлар, техноген ҳалокатлар ва фалокатлар оқибатларини белгилаш билан боғлик текширишларда – тиклаш ишлари лойиҳаларини тузиш учун зиёнлар ҳажмини белгилаш мақсадида айrim бино ҳамда иншоотларнинг ва уларнинг конструктив элементларининг сақланганлиги ёки заарланиш даражаси (зиён) ҳақида муайян маълумотларни олиш учун;

Эски бино ва иншоотларни уларнинг ҳақиқий жисмоний экиришини (ишочлилигини) ва юк қўттарувчи конструкцияларнинг техник ҳолатини белгилаш учун режавий текширишларда, уларни реконструкция қилиш, бузуб ташлаш ёки қайта ихтисослаштириш масалаларини ҳал этишда;

Барча бино ва иншоотларни уларнинг қурилиш лойиҳалашининг ўзгартирилган (янгитдан киритилган) нормалари талабларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан режавий текширишларда.

Шунингдек, ер участкаларини, бино ва иншоотларни инвентаризациялаш ишлари статистик ҳисобот мақсадларида ҳам ўтказилади.

### **Техник инвентаризациялашнинг предмети**

Қуйидагилар техник инвентаризацияланиши (паспортлаштирилиши) лозим:

Шахсий ва узоқ муддатли ижарадаги ер участкалари;

Шахсий ва узоқ муддатли ижарадаги бино ва иншоотлар.

Шаҳар ва қишлоқ жойлар чегарасига кирувчи барча турар жой ҳамда турар жой бўлмаган бино ва иншоотлар инвентаризация қилиниши керак.

## **Техник инвентаризациялашни ўтказиш муддатлари**

Ер участкаларини ва айрим биноларни, иншоотларни инвентаризациялаш ишлари камида беш йилда бир маротаба 1 январь ҳолати бўйича ўтказилади.

Режавий (асосий) техник инвентаризациялаш натижалари бўйича худудий кадастр хизматларига кўчмас мулк объектларида рўй берган барча хуқуқий ва техник ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилади.

Кўчмас мулк объектлари эгалари (фойдаланувчилари) рўй берган режадан ташқари ўзгаришлар тўғрисида маҳаллий кадастр хизматларини дастлабки маълумотларга тузатишлар киритиш учун 1 ой ичидаги хабардор қиласидар.

Янгитдан қурилган (реконструкция қилинган) бино, иншоотларни инвентаризациялаш улар барпо этилган кундан бошлаб 1 ойдан кечиктирмай амалга оширилади.

## **Техник инвентаризациялашни ижро этувчилар**

Ер участкаларини, бино ҳамда иншоотларни техник инвентаризациялаш билан боғлиқ барча ишлар худудий хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматларининг масъул ижро чилари томонидан амалга оширилади.

Техник инвентаризациялаш натижалари кадастр йиғма жилдларида киритилади.

Паспортлаштириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматлари, зарур ҳолларда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси билан бирга ҳал қилиш тавсия этилади.

## **Техник инвентаризациялашнинг турлари**

Кўчмас мулкни техник инвентаризациялаш асосий (режавий) ва жорий инвентаризациялашни ўз ичига олади.

Асосий (режавий) инвентаризациялаш – асосий текшириш ишларини амалга оширишдир. Асосий инвентаризациялаш дастлабки, ялпи, бир вақтда ҳисобга олиш ва баҳолашдан иборат (техник, хуқуқий, иқтисодий жиҳатдан).

Жорий инвентаризациялаш – инвентаризациялаш-баҳолашга оид кейинги ўзгаришларни рўйхатга олишдир.

## **Техник инвентаризациялаш бирлиги**

Техник инвентаризациялаш бирлиги қуйидагилардан иборат: ер участкаси, алоҳида турган асосий бино.

Ҳар бир обьект учун техник хужжатлар тузилади, улар кадастр йиғма жилдига гуруҳ қилиб киритилади.

Курилиши тугалланган ҳамда фойдаланиш учун қабул қилинган бино ва иншоотларга бўлган хуқуқлар кадастр хизматларининг рўйхатдан ўтказиш идораларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

## **Техник инвентаризациялашни ўтказишда ишларни ташкил қилиш ва бажариш тартиби**

Шаҳарлар ва бошқа манзилгоҳларда техник инвентаризациялаш ишларини бажаришда ишларнинг қуйидаги кетма-кетлигига амал қилиш лозим:

Ер участкаларининг, биноларнинг рўйхатини тузиш ва рақамларини белгилаш;

Инвентаризациялаш обьектларига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган, текширишдан олдинги материалларни ўрганиб чиқиш;

Ер участкалари, бино ва иншоотларнинг кадастр йиғма жилдларини ўрганиб чиқиш;

Текширишни тўла ҳажмда ва белгиланган муддатларда ўтказиш учун зарур бўлган персонал сонини белгилаш;

Айрим ҳолларда ишларнинг бажарилиши учун смета тузиш;

Текшириладиган худудни тегишли районларга, районларни эса участкаларга бўлиб чиқиш;

Ишлаб чиқариш персоналини танлаб олиш ва тайёрлаш (йўриқномалар билан таништириш ҳамда синов ишларини бажариш);

Текшириш ва камерал ишлар: натурада ўлчаш, биноларнинг конструктив элементларини таърифлаш ҳамда жисмоний эскириш даражасини аниқлаш, ер участкалари ва биноларнинг абрислари ҳамда планларини, шунингдек уларга экспликацияларни тузиш, биноларни баҳолаш ишларини амалга ошириш;

Ижро этувчи томонидан бажарилган ишларни текшириш ва қабул қилиб олиш, техник инвентаризациялаш материалларини кадастр хизмати архивига киритиши.

Техник хужжатларни тузиш иши ҳам қоғоз, ҳам электрон воситаларда бажарилиши керак. Маълумотларнинг ўзаро мос келмаслиги аниқланган тақдирда, қоғоз воситалардаги маълумотлар устунликка эга бўлади.

## МАЪРУЗА №7

### **МАРУЗА: ШАҲАР КАДАСТР ИШЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЕР ХИСОБИННИНГ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ**

- 1. Давлат кадастрлари маълумотлари**
- 2. Давлат кадастрлари маълумотларини электрон шаклда тақдим этиш**
- 3. Маълумотларни тақдим этиш тартиби**

Давлат кадастрлари маълумотлари (кадастр ахбороти) ДКЯТга алфавит-рақамли (матнлар, жадваллар, ведомостлар, йилномалар ва ҳ.к.) ва график (карталар, планлар, кесмалар, схемалар ва ҳ.к.) шаклларда анъанавий (қоғоз) ва (ёки) электрон шаклларда тақдим этилади.

Давлат кадастрлари маълумотлари белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг ДКЯТга 1 январь ҳолати бўйича, тегишли кадастрларни юритиш тартиби тўғрисидаги низомлар билан белгиланган муддатларда, лекин ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилади.

Давлат кадастрларининг тезкор тавсифдаги маълумотлари белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг ДКЯТга заруратга қараб тақдим этилади.

Давлат сири бўлган кадастр ахборотини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат кадастрлари маълумотларини электрон (рақамли) шаклда тақдим этиш ArcGIS оиласига мансуб дастурий маҳсулотда рақамли топографик асосда унга атрибутив маълумотлар базасини боғлаган ҳолда ГАТ-лойиха ёки 1:200 000 базавий масштабдаги тематик қатлам кўринишида амалга оширилиши лозим. Рақамли топографик асос ва маълумотлар базасининг техник параметрлари (класификаторлар, шартли белгилар ва бошқалар) “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси билан давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича алоҳида келишувдан ўтказилади.

### **Ахборат-тахлил маркази маълумотлар базасидан фойдаланиш тартиби**

**Хужжатлаштирилган ахборот** — идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари бўлган материал манбаида қайд этилган ахборот.

**Махфий ахборот** — қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш чекланган ҳужжатлаштирилган ахборот.

**Базавий ахборот** — омма учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, матбуот, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар.

**Ахборот ресурслари** — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборотлар, маълумотлар банклари, маълумотлар базаси.

**Ахборот тизими** — ахборотларни йиғиш, сақлаш, излаш, ишлаш ва улардан фойдаланиш имконини берувчи ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ташкилий тартибга солинган йиғиндиси.

**Ахборот маҳсулотлари (маҳсулот)** — фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ тайёрланган ва фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ёки қўлланиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот.

**Ахборот хизматлари** — фойдаланувчиларни ахборот маҳсулотлари билан таъминловчи субъектлар (мулқдорлар ва мулк эгалари)нинг ҳаракатлари.

**Ахборот ресурслари ёки ахборот тизимлари эгаси** — ахборот ресурслари ёки ахборот тизимларига эгалик қилишни, улардан фойдаланишни ва уларни тасарруф этишни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахслар.

**Ахборот хавфсизлиги** — ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлиги ҳолати.

Давлат ер кадастри, бино ва иншоотлар давлат кадастри, шунингдек кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги автоматлаштирилган компьютер маълумотлар базаси:

Республика миқиёсида – Геодезия ва картография миллий марказидаги Республика марказий ахборат-тахлил марказида;

Худудларда худудий ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматларидаи “Ахборат-тахлил марказлари”да шакллантирилади.

Республика марказий ахборат-тахлил маркази ҳар ойда марказий маълумотлар базасини янгилайди ва кўчмас мулк обьектлари тўғрисидаги базавий маълумотларни электрон шаклда интернет тармоғида тақдим этади.

Марказий маълумотлар базасидаги маълумотларга эгалик қилиш ҳуқуқи ва уларнинг эгалари ўртасидаги муносабатлар Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади.

Марказий маълумотлар базасидаги маълумотлар фойдаланувчиларга давлат тилида тақдим этилади. Марказий маълумотлар базасидаги маълумотлар фойдаланувчиларга бошқа тилларда тақдим этиш томонларнинг келишуви асосида амалга оширилади.

Марказий маълумотлар базасидаги маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш ва узатиш, тармоғида тарқатиш шартнома асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади (давлат сири ҳисобланган ёки маҳфий маълумотлар бундан мустасно).

Давлат органларига, мулк эгаларига мурожаат этувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор кўчмас мулк тўғрисидаги маълумотлар уларнинг сўровига биноан текинга берилади.

Республика марказий ахборат-тахлил марказидаги маълумотлар базасидаги маълумотларнинг тўғрилиги учун маълумотларни марказий маълумотлар базасига киритувчи худудий ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматлари “Ахборат-тахлил марказлари” жавобгардир.

Маҳфий маълумотларни, оммавий (базавий) маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш мазкур Тартиб ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Давлат сирига киритилган ёки маҳфий маълумотлар тойифасига киритилган маълумотлар фақат тегишли давлат органларининг рухсати билан фойдаланувчиларга тақдим этилиши мумкин.

Юридик ёки жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари уларнинг рухсати билан фойдаланувчиларга тақдим этилиши мумкин.


### **Маълумотларни тақдим этиш тартиби**

**Базавий маълумотлар** худудий кўчмас мулк кадастри ва ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи хмзматлар томонидан Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар Давлат регистри, Бино ва иншоотларнинг кадастр дафтаридаидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида йиғилган маълумотлардан кўчирма шаклида ўрнатилган тартибда тасдиқланган “Маълумотнома” сифатида берилади.

Давлат ер кадастри юритишнинг асосий бугинларида бири-бу ер майдонлари, уларнинг сифати, жойлашуви, ҳолати, қиймати ва бошталар бўйича тупланган маълумотларни кайта ишлашдир. Маълумотларнинг кайта ишлашнинг ахборот технологиялари яхши тизимлашган вазифаларини хал қилишга мўлжалланган. Бу технология бошқариб, меҳнатининг айrim майда, доимо тақрорланувчи операцияларини автоматлаштириш максадларида

кулланилади. Шу боис ахборот технологиялари тизимларини бу даражада куллаш ходимлар меҳнати самарадорлигини анча оширади.

Ахборот технологияларининг бир тури булиши интеллектуал тармокларининг амалиётда кулланиши қўйидаги, (1-схемада) акс эттирилган.



**1-схема. Ер кадастри маълумотларини қайта ишланиш ахборот технологияларининг асосий компонентлари**

### Олингандан натижаларни қайта таҳтираш

Давлат ер кадастрини юритишнинг асосий бўғинларидан бири - бу ер майдонлари, уларнинг сифати, жойлашуви, ҳолати, қиймати ва бошқалар бўйича тўпланган маълумотларни қайта ишлашдир. Маълумотларни қайта шлашнинг ахборот технологиялари яхши тизимлашган вазифаларни ҳал қилишга мўлжалланган. Бу технология бошқарув, меҳнатнинг айrim майда, доимо такрорланувчи операцияларини автоматлаштириш мақсадларида қўлланилади. Шу боис ахборот технологиялари тизимларини бу даражада қўллаш ходимлар меҳнати самарадорлигини анча оширади.

Маълумотларни қайта ишлашнинг ахборот технологияси асосан уларни қайта ишлаш учун стандарт процедура ва алгоритмлари маълум кириш маълумотларига эга бўлган масалаларни ҳал қилишга мўлжаллангандир. Бу технология доимий равишда, тез – тез такрорланадиган катта микдордаги маълумотлар ва меҳнатни автоматлаштириш мақсадида унча юқори малакага эга бўлмаган ходимларнинг иш фаолияти даражасида қўлланилади. Масалан, туманда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ва давлат регистрини юритиш, ерларни ҳисобини юритиш, туман ер балансини тузиш, тумандаги ер ва кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотларни бир тизимда сақлаш ва бошқ. Шу сабабли ҳам ахборот технологиялари ва тизимларини қўллаш ходимлар меҳнат унумдорлигини оширади, кўп микдордаги бир хил ишларни бажаришдан озод қиласи, ҳаттоқи хизматчилар сонини қисқартиришга олиб келади.

Маълум бир туманда ер кадастрига оид қўйидаги масалалар ҳал қилинади:

- кўп миқдордаги ҳисоб – китоб маълумотлари тўпланади ва қайта ишланади;

- ер ресурсларининг ҳолати ва тақсимланиши тўғрисида, улардан фойдалана- нишнинг даврий назорати тўғрисида даврий ва йиллик ҳисоботларни яратиш;

- манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан жорий равища келиб тушадиган турли – туман сўровномаларга жавоблар олиш ҳамда қозоғ кўринишида уларни расмийлаштириш ёки ҳисоботлар тузиш.

Ушбу ахборот технологиясини бошқаларидан фарқловчи, маълумотларни қайта ишлаш билан боғлиқ қатор хусусиятлари мавжуд.

Жумладан:

- туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати учун маълумотларни қайта ишлаш бўйича вазифани бажариш. Ҳар бир туман хизмати ерлардан фойдаланиш, уларни ташкил этиш, кўчмас мулклар ва ер участкаларининг ҳисобини доимий юритиб бориш, қийматини аниқлаш бўйича қатта миқдорлардаги маълумотларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу маълумотларни қайта ишлаш ва шунга мос ахборот технологиясини ишлаб чиқиш учун туманда албатта ахборот тизими бўлиши зарур;

- алгоритмни ишлаб чиқиш учун фақатгина яхши таркиблаштирилган масалаларни ечиш;

- мумкин қадар камроқ ходимлар иштирокида автоматик режимда ишнинг асосий ҳажмини бажариш;

Ер кадастри маълумотларини қайта ишлаш ахборот технологиясининг асосий компонентлари қўйидаги, (*5.1-схемада*). акс эттирилган. Маълумотларни тўплаш. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматида бажариладиган барча ишлар бўйича маълумотлар тўпланади. Бу маълумотлар ер участкаларининг миқдори, сифати, ер майдонларига бўлган хуқуқ турлари, уларни ердан фойдаланувчилар бўйича тақсимланиши ва бошқалар.

Маълумотларни қайта ишлаш. Туман хизмати учун ахборотлар мажмуини ташкил этиш мақсадида маълумотларни қайта ишлаш учун қўйидаги намунавий операциялар бажарилади:

- маълумотларни гурухлаш;
- ёзувларни тартибга келтириш учун маълумотларни сортларга ажратиш;
- ҳисоб - китобларни бажариш. Бунинг натижасида янги маълумотлар олинади;
- маълумотларни йириклиштириш ёки агрегатлаштириш.

Маълумотларни сақлаш. Кейинги даврларда фойдаланиш мақсадида аксарият маълумотларни сақлаш. Уларни маълум тизимда сақлаш учун маълумотлар базаси яратилади.


Ҳисоботларни яратиш. Маълумотларни қайта ишлаш бўйича ахборотлар технологиясидан фойдаланган ҳолда талабгорлар ва бошқа манфаатдор идоралар учун зарур хужжатлар яратилади. Бу хужжатларкўпинча йиллик ёки даврий ҳисоботлар кўринишида бўлиши мумкин. Жадаллик билан ривожланаётган илмий техникавий жараён XX асрнинг 90 йиллари коммуникацияларнинг янги воситаларини – ракамли ахборотлар, жумладан,

кадастр ахборотларининг оқимини катта тезликларда ҳаракатлантирувчи глобал компьютер тармоқларини пайдо бўлишига олиб келди.

Энг юқори тармоқланган ҳамда кучли планетар компьютер тармоғи – Интернет қисқа муддат ичида ахборотларни қоғозсиз узатишнинг самарали воситасига айланди. Уни ишлаб чиқилишининг бошланиши XX асрнинг 50 йилларига тўғри келади. Бу пайтда АҚШда бўлиши мумкин бўладиган ядрорий хужумдан хабар берадиган – Интернетга ўхшаш маҳсус тармоқ яратилди. Тез кунлар ичида бу тармоқ илмий жамиятлар ва тижорат фирмаларининг хизматига қўйилди. 90 йилларнинг бошларига келиб эса Интернет ўзига 5 мингга яқин тармоқни ҳамда 40 мамлакатдаги 700 мингдан ортиқ компютерларни бирлаштирган холда —ахборотли супермагистралга айланди.

### **Ер, бино ва иншоотларни ҳисоб қилиш натижаларидан турли мақсадлар учун фойдаланиш**

Ер, бино ва иншоотларни ҳисоб қилиш натижаларидан кадастр маълумотларини электрон (рақамли) шаклда тақдим этиш ArcGIS оиласига мансуб дастурий маҳсулотда рақамли топографик асосда унга атрибутив маълумотлар базасини боғлаган ҳолда ГАТ-лойиха ёки 1:200 000 базавий масштабдаги тематик қатлам кўринишида амалга оширилиши лозим. Рақамли топографик асос ва маълумотлар базасининг техник параметрлари (классификаторлар, шартли белгилар ва бошқалар) “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси билан давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича алоҳида келишувдан ўтказилади.



**2-схема. Маълумотларини базасини қайта ишлаш схемаси**

Шунга мувофиқ олинган натижаларни бошқа мақсадлар амалга ошириш

билин боғлиқ бўлган амалларни кенг куламда амалга ошириладиган ишлар кетма кетлиги билан амалга ошириш талаб етилади .Кадастр объектига бўлган мулк ҳуқуқини ва бошқа ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар, объектнинг кадастр йиғмажилди, кадастр харитаси (плани), кадастр китоби, кадастр объектларининг ҳолати ҳақидаги ҳисобот кадастр ҳужжатларининг асосий турларидир.

**Кадастр йиғмажилди** кадастр объектига бўлган ҳуқуқни шакллантириш, ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўладиган кадастр объектини кадастр суратига олиш, техник инвентаризация қилиш ва паспортлаштиришнинг, маҳсус текшириш ва изланишларнинг, сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолашнинг ҳужжатлари, материаллари ва маълумотларидан иборат бўлади.

**Кадастр харитаси (плани)** кадастр объектлари жойлашган ерни, уларнинг чегаралари, муҳофаза тегралари, баҳолаш, миқдор ва сифат тавсифларини акс эттирувчи график чизма ҳужжати бўлиб, у қоғозда, магнит ва бошқа воситаларда тузилади.

**Кадастр китоби** кадастр объектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг асосий ҳужжати ҳисобланиб, у кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор ҳамда сифат жиҳатдан тавсифлари ва баҳоси ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлади.

**Кадастр объектларининг ҳолати тўғрисидаги ҳисобот** давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича белгиланган тартибда тузилади ҳамда кадастр объектларининг алоҳида ҳудудлар ва бутун Ўзбекистон Республикаси бўйича миқдор ва сифат ҳолати, баҳоси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

## МАРУЗА №8

### МАРУЗА: ЕР, БИНО ВА ИНШООТЛАР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРИХИ

- 1. Давлат ернинг ягона тўлақонли эгаси сифатида ер фондини бошқариш**
- 2. Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш бу объектлар тўғрисидаги кадастр маълумотларини шакллантириш**
- 3. Бинолар инсон ҳайёт-фаолияти учун зарур бўлган хоналарнинг мавжудлиги билан тавсифланадилар**

Давлат ернинг ягона тўлақонли эгаси сифатида ер фондини бошқаришни амалга оширади. Бу эса ўз навбатида ер кадастрига давлат аҳамиятини беради. Унинг маълумотлари, биринчи навбатда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхат қилиш, ер ресурсларини давлат томонидан бошқаришни янада такомиллаштириш мақсадларида фойдаланибина қолмасдан, балки ерларга давлат эгалиги ҳуқуқини муҳофаза қилиш мақсадларида, шунингдек, бошқа мулкдорлар ва фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳам муҳофаза қилишда

фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан ҳам ер кадастри маълумотлари фақатгина иқтисодий аҳамиятга молик бўлибгина қолмасдан, ҳукуқий аҳамиятга ҳам эгадир.

Ер кадастри маълумотлари давлат ёки бошқа жамоат мақсадлари учун ер ажратишни асослашда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Халқ хўжалиги манфаатлари нуқтаи назардан юқорида қайд қилинган мақсадлар учун биринчи навбатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида яроқсиз бўлган ёки кам яроқли бўлган, шунингдек, ҳеч бир субъектга ажратиб берилмаган ерларни ажратиш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли бундай масалаларни ҳал қилишда ер фондининг ҳақиқий ҳолати, тақсимоти ва амалдаги фойдаланиши тўғрисида, шунингдек қишлоқ хўжалик ерларининг маҳсулдорлиги тўғрисидаги маълумотларга зарурият туғилади. Бу маълумотлар ер ажратишнинг мақбул ечимларини асослаш учун ҳам зарурдир.

Ишлаб чиқаришнинг йил сайин ривожлана бориши билан унга кўпроқ табиий ресурслар миқдори жалб этиб борилади. Бунда ўз навбатида иқтисодий, ижтимоий, технологик ва биологик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги кучаяди. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг мақбул ҳолда амалга оширилиши ҳам жамият ҳамда табиат қонунлари тўғрисида чуқур ва ҳар томонлама билимларга асосланди. У фақатгина моддий бойликлар яратигина қолмасдан шу билан бир вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдаги мавжуд экологик барқарорликни ушлаб туриши зарур. Шу нуқтаи назардан ҳам табиий ресусларни, жумладан ер ресурсларини муҳофаза қилиш иқтисодиёт аҳамиятига молик бўлган муаммо ҳисобланади. Шунинг учун унга давлат томонидан катта аҳамият берилади. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ҳам атроф-муҳитни, жумладан ер ресурсларини муҳофаза қилиш, ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш кўзда тутилган. Бундай тадбирларга ҳудудни оқилона ташкил этиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босищдан, захланишдан, қайта шўрланишдан, қакраб қолишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш, бузилган ерларни тиклаш ва уларни қайта экинзорларга айлантириш кабилар киради. Бундай долзарб муаммоларни ҳал қилиш мамлакат ер ресурсларининг сифат ҳолати тўғрисида тўлиқ, ишончли ва сифатли маълумотларга асосланиши зарур.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада жадаллаштириш ва ривожлантириш бўйича хукуматимиз олиб бораётган аграр сиёсатни амалга ошириш бўйича ҳам ер кадастри бўйича катта вазифалар юклатилган. Жумладан, "Ер кодекси, Солик кодекси, «Ширкат (кооператив) хўжалиги тўғрисида», "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунларни амалётга тадбиқ қилиш, қишлоқ хўжалигида аграр ислоҳатларни амалга ошириш биринчи галда ер кадастри маълумотларига асосланади.

Бино ва иншоотлар давлат кадастри худудий принцип бўйича ташкил этилади ва бу объектларнинг хуқуқий, хўжалик ва архитектура-қурилиш мақоми тўғрисидаги маълумотлар тизимини мужассамлаштиради.

Бино ва иншоотлар давлат кадастри бино ва иншоотлардан самарали фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни, мулк эгаларининг ва бу объектлардан бошқа фойдаланувчиларнинг хуқуқларини, шунингдек бино ва иншоотларга эгалик хуқуки ва бошқа ашёвий хуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилишини (кейинги ўринларда бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш деб аталади) таъминлаш учун юритилади.

Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш бўйича муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва мазкур Низом билан тартибга солинади.

Давлат шаҳарсозлик кадастрини, давлат ер кадастрини, фойдали қазилма конлари давлат кадастрини, кўп йиллик ўсимликлар давлат кадастрини юритиш бўйича муносабатлар бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

Бино ва иншоотлар давлат кадастри маълумотлари барча давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий юридик кучга эгадир. Кадастр хужжатлари бино ва иншоотлар билан фуқаролик-хуқуқий битишувларни амалга оширишда, уларни солиққа тортишда, лойиҳалаштиришда ва бошқа юридик ҳаракатларда хуқуқий, иқтисодий ва техник маълумотлар сифатида қабул қилиниши керак.

Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш бу объектлар тўғрисидаги кадастр маълумотларини шакллантиришдаги ишончли хужжатлар ва бошқа маълумотлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Бино ва иншоотлар тўғрисидаги кадастр маълумотлари мулк эгалари, уларга ашёвий хуқуқларга эга бўлган шахслар, учинчи шахслар, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ва бошқа давлат органлари томонидан судда талашилиши мумкин.

Бино ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказувчи шахслар давлат рўйхатидан ўтказишида қонун бузилишларини очган тақдирда, бу ҳақда тегишли давлат органларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ёки прокуратурага хабар беришга мажбурдирлар.

Маълумки, кўчмас мулк объектларини аниqlаш, улар таркибини иккита қисмга: табиий (табиат) объектлари – ер участкаси, ўрмон ва кўп йиллик дараҳтзорлар, алоҳида ажralган сув объектлари ҳамда ер ости участкалари (улар “табиати бўйича кўчмас мулклар” деб аталадилар) га ҳамда сунъий объектлар (қурилишлар-бино ва иншоотлар) га ажратиш қўзdatутилади.

Бинолар инсон ҳаёт-фаолияти учун зарур бўлган хоналарнинг мавжудлиги билан тавсифланадилар. Мақсадли моҳиятига қараб улар қуийдагиларга бўлинадилар:

- уй-жойлар: камқаватли уйлар (3 қаватгача) кўп каватли уйлар (4 дан 9 қаватгача) юқори қаватли уйлар (10 дан 20 қаватгача), минорали уйлар (20 қаватдан баланд). Кондоминиумлар, секциялар( подъездлар), подъездаги

қаватлар, хонадонлар, хоналар, чорбоғ уйлар ҳам уй-жой кўчмас мулк объектлари бўлиши мумкин;

- жамоат бинолари-болалар боғча-яслилари, мактаблар, ўқув муассасалари, дўконлар, касалхоналар ва поликлиникалар, санаториялар, спорт иншоотлари, ўт ўчириш деполари, ҳаммоллар, кир ювиш бинолари, кинотеатрлар, меҳмонхоналар, театрлар, умумий овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш корхоналари, маъмурий муассасалар ва лойиҳалаш ташкилотларининг бинолари ва бошқалар;

- тижорат-ресторанлар офислари, дўконлар, меҳмонхоналар, ижора учун гаражлар, омборхоналар, мулкий мажмуа сифатидаги бино ва иншоотлар

Кадастр режаси хариталар ва режаларнинг 1:100 дан 1:10000 гача бўлган масштаб қаторидан иборат бўладики, бу рўйхатдан ўтказиладиган объектларнинг жойлашуви ва асосий параметрларининг кўргазмали чизма белгиланишини таъминлайди. Бино ва иншоотлар маълумотлари асосида туман, шаҳар геофондлари юритилади. Туман, шаҳар геофондлари — бино ва иншоотларнинг топография-геодезия, картография, муҳандислик-геология, гидрогеология, экология, санитария-гигиена, социология, лойиҳалаш-режалаштириш, тарихий-маданий, стихияли оғатлар ва техноген фалокатлари, техник инвентаризацияланганлиги ва паспортлаштирилганлиги, микросейсмик районлаштирилганлиги ва сейсмик турғунлигига оид замонавий ва тарихий геоахборот маълумотлари омборидир.

Туман, шаҳар бинолари ва иншоотлари тўғрисидаги кадастр маълумотларининг компьютер базаси туман, шаҳар бинолари ва иншоотларининг кадастр, реестр дафтарига киритилган маълумотлари асосида тузилади. Бино ва иншоотлар тўғрисидаги компьютер маълумотлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахри бўйича йилнинг ҳар чорагида умумлаштирилади ва бир тизимга солинади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрининг бино ва иншоотлар тўғрисидаги компьютер кадастр маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси бўйича бино ва иншоотлар тўғрисидаги кадастр маълумотларининг бир тизимга солинган компьютер базаси шакллантирилади.

Маълумотларнинг компьютер базаси бино ва иншоотларни классификациялашнинг қуидаги белгилар бўйича объектларнинг гуруҳлари бўлиниши асос қилиб олинадиган ягона тизими бўйича шакллантирилади: бино ва иншоотларнинг мақсад йўналиши, мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларда, шунингдек қурилиш-техник тавсифлари бўйича худудийлиги, юридик ва жисмоний шахсларга тегишлилиги.

Бино ва иншоотларнинг 31 декабрдаги ҳолати бўйича кадастр маълумотлари Ўзгеодезкадастр бош бошқармаси томонидан ҳар йили туманлар, шаҳарлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахри ва Ўзбекистон Республикаси бўйича нашр этилади. Туман, шаҳар ва шаҳарчаларнинг ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш картографик материалларда (карталар, планлар ёки схемаларда) амалга оширилади.

Туман, шаҳар ва шаҳарчаларнинг худудларини кадастр бўйича бўлиш учун ҳар қандай қўлай масштабда мавжуд туман қишлоқ ҳўжалиги карталари, топографик карталар асосида туман, шаҳар ва шаҳарчаларнинг маҳсус электрон карталари ва планлари тайёрланади.

Шаҳар ва шаҳарчаларнинг топографик карталари бўлмаган тақдирда, уларнинг маҳсус схемалари тайёрланади. Ушбу схемаларда зоналарнинг, массивларнинг ва мавзеларнинг чегаралари ўтадиган топографик элементлар (йўллар, каналлар, ариқлар, коолекторлар, зовурлар ва х.к.) аниқ туширилган бўлиши зарур. Худудларни кадастр бўйича бўлиш карталари, планлари, схемаларининг масштаби ҳар қандай мавжуд ёки янги ташкил бўладиган ер участкасининг қайси мавзе худудига киришини аниқ белгилаш имконини яратиши керак.

Худудларни кадастр бўйича бўлиш карталарида, планларида, схемаларида зоналарнинг, массивларнинг ва мавзеларнинг чегаралари ва кодлари алоҳида рангларда кўрсатилади.

Худудларни кадастр бўйича бўлиш карталари, планлари, схемалари уларни тузувчи мутахассис ҳамда туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари бошлиғи томонидан имзоланади, туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари) билан келишилади.

## МАЪРУЗА №9

### **МАРУЗА: ШАҲАР ВА АҲОЛИ ПУНТЛАРИДА ЕРГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

**Режа:**

- 1. Маҳсус ваколатли органнинг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари**
- 2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари**
- 3. Ер муаммолари ва уларни ечиш йўллари**

Маҳсус ваколатли органнинг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (Ергеодезкадастр) давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги маҳсус ваколатли орган хисобланади.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ваколатларига қўйдагилар киради: вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофихлаштиради;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларни тегишли давлат кадастрларини юритиш учун зарур бўлган картография материаллари билан белгиланган тартибда таъминлайди;

давлат кадастрлари юритилишига доир норматив хужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси давлат кадастрини юритиш соҳасида вазифалари:

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

Давлат кадастрлари ягона тизимиға киритиладиган тармоқ кадастр ахборотларини йиғиши, таҳлил қилиш, туркумлаш, сақлаш ва янгилашни амалга оширади;

давлат ер кадастрини юритади;

бино ва иншоотларнинг давлат кадастрини юритади;

давлат картография-геодезия кадастрини юритади;

илмий-тадқиқот ва тажриба-технология ишларини бажаради, норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

вилоятлар, туманлар ва аҳоли пунктларининг маъмурий чегараларини белгилаш (аниқлаш) ишларини ташкил қиласида ва амалга оширади;

фойдаланувчиларни кадастр ахборотлари билан таъминлади;

кўчмас мулкка ҳуқуқларни ва кўчмас мулкка доир битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиши амалга оширади;

кўчмас мулкка ҳуқуқлар, уларнинг бир ҳуқуқ эгасидан иккинчисига ўтиши тўғрисидаги, кўчмас мулкка ҳуқуқларни чегаралаш ва кўчмас мулкка доир бошқа битишувлар тўғрисидаги маълумотлар банкини ташкил қиласида.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари:

кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиши ташкил этадилар;

давлат ер кадастрини, бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш ишларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирадилар;

тегишли худудлар давлат кадастрининг юритилишини ташкил этадилар;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Мазкур қонуннинг 9-моддасига асосан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига қўйидагилар киради:

– тегишли худудда минерал хомашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилиш, ер қаърини мухофаза қилиш давлат дастурлари ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишида иштирок этиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

– кенг тарқалган фойдали қазилмалар кавлаб олинаётганда ер қаъридан фойдаланиш шартларини келишиб олиш;

**Ер муаммолари ва уларни ечиш йўллари**

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, ер участкаларини бериш (реализация қилиш) ва уларни қайтариб олишда, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишида, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳамда ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга оширишида мажбурий тартибда тадбиқ этилади.

Давлат ер кадастри республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат кадастри ва ер тузиш хизматлари органлари томонидан юритилади.

Давлат ер кадастрини юритиш топография-геодезия, картография, тупроқ, агрокимё, геobotаниқа ва бошқа йўналишларда текшириш ва қидиуввлар олиб бориш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ердан фойдаланувчилар ва ижаравчиларнинг ҳамда мулқдорларнинг ер участкалрига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш билан таъминланади.

Ер кадастри материаллари ердан фойдаланганлик учун ҳақ ундиришда бирламчи асос бўлиб хизмат қилиши зарур. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади. Ер учун ҳақ ҳар йил тўланадиган ер солиги шаклида олинади, унинг миқдори ер участкаларининг сифатига, жойлашган ўрнига ва сув билан таъмнланиш даражасига қараб белгиланади. Ер участкалари ижарага берилган тақдирда ер учун тўлов ижара ҳақи шаклида олинади, унинг миқдори томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, лекин у ер солиги ставкасининг бир бараваридан кам ва уч бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак. Ердан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларида фойдаланилган тақдирда ижара ҳақи ер солиги ставкасининг бир баравари миқдорида бўлади.

Ер кадастри маълумотлари ерлар ҳолатини ва улардан фойдаланишни яхшилаш бўйича тадбирларни режалаштириш учун ҳам ниҳоятда зарур. Давлат томонидан ердан фойдаланувчи, ижаравчи ва ер участкаси мулқдорларига ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона ва самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш, ўзининг хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, қайта шўрланиш, ботқоқланиш ва ифлосланишдан асраш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқиш каби мажбуриятлар юклаган. Буларни амалга ошириш учун албатта ер майдонларининг сифат жиҳатидан олиб бориладиган ҳисоб-китоб маълумотлари зарур бўлади.

Маълумки, мелиорация, жумладан қишлоқ хўжалиги ерларини ирригациялаш ва сувдан фойдаланиш тизимиға асосланган сунъий суғориш

республикамиз қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишининг бирламчи асоси ва ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг унумдорлигини ошириш шартидир. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган ва суғориш манбалари билан боғланган, доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган майдонлар суғориладиган ерлар жумласига киради. Кадастр баҳосига кўра ўртacha туман бонитет баллидан 20 фойиздан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради. Бундай суғориладиган ерлар маҳсус муҳофаза қилиниши лозим ва суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл кўйилмаслиги бўйича тадбирлар белгилайди. Юқоридагилардан яққол кўриниб турибдики, бундай ҳолларда хам ер кадастри материаллари, жумладан ер ҳисоби ва ерларни баҳолаш маълумотлари катта аҳамият касб қиласи.

Ер кадастри маълумотларини ҳозирги шароитда айниқса ер тузиш ишларини, жумладан хўжаликлараро ва ички хўжалик ер тузиш лойиҳаларини иқтисодий жиҳатдан асослашда ўта зарурдир. Қайд қилиш зарурки, кейинги йилларда республикамиздаги ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари мулқдорларининг турли шакллари вужудга келмоқда. Бу эса юқорида қайд қилинган субъектларга ер ажратиш уларнинг майдонларини ташкил этиш, янга шаклдаги алмашлаб экишларни жорий қилишни тақазо қиласи. Бу ҳол эса ўз навбатида ер кадастри материалларига асосланади.

– ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

## МАЪРУЗА №10

### МАРУЗА: ШАҲАР АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА УЙ-ЖОЙ ФОНДИ ТУРЛАРИ

**Режа:**

**1. Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фуқаролар, юридик шахслар, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари**

**2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига қўйидагилар киради**

**3. Фуқаролар ва юридик шахслар қўйидаги йўллар билан турар жойни хусусий мулк қилиб олиш хукуқига эга**

Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фуқаролар, юридик шахслар, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қўйидаги масалалар бўйича муносабатларини тартибга солади:

турар жойларга мулк хукуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш хукуқининг юзага келиши, амалга оширилиши, ўзгариши ҳамда бекор бўлиши;

уй-жой фондини ҳисобга олиш;  
уй-жой фондини сақлаш, қараш ва таъмирлашни таъминлаш;  
фуқароларнинг уй-жой ҳуқуқлариға риоя этилиши ва уй-жой фондидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш.

Уйларни қуриш, турар жойларни қайта қуриш ва ўзгартириш, муҳандислик қурилмаларидан фойдаланиш, коммунал хизматлар билан таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар қонунда ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари иштироқидаги уй-жой муносабатларига нисбатан қўлланилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига қўйидагилар киради:

уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш;

уй-жой фондини ва коммунал объектларни бошқаришни ташкил этиш;

ўз тасарруфидаги худудда коммунал хизматларга оид тариф сиёсатини белгиланган тартибда шакллантириш;

уй-жой фондини ҳисобга олиш;

давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва фуқароларга ижара шартномаси шартлари асосида бериш;

давлат уй-жой фондидаги турар жойларни улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш учун юридик шахсларга аренда шартномаси шартлари асосида бериш;

уй-жой фондидан фойдаланилиши ва унинг асралиши, аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар сифати устидан назоратни таъминлаш;

аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифалари орасидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган фуқароларни ҳисобга олиш ҳамда уларни аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан уй-жой билан таъминлаш;

фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифалари учун уй-жой қуриш;

уй-жой қурувчиларга уй-жой қуриш учун, шунингдек хусусий уй-жой мулқдорларининг ширкатларига доимий фойдаланишга белгиланган тартибда ер участкалари бериш;

уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи коммунал хизмат қўрсатиш, ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси объектларининг лозим даражада сақланиши ҳамда ривожлантирилишини таъминлаш;

давлат уй-жой фондининг турар жойларини бронлаштириш ва алмаштириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Уй-жой фонди – инсон яшashi учун яроқли бўлган турар жойдан, шу жумладан уйлар, квартиralар, хизмат турар жойлари, маҳсус уйлардан (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар,

ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлардан) иборат бўлган фонд.

Уйларда жойлашган савдо, майший ва носаноат йўналишидаги ўзга эҳтиёжларга мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар уй-жой фондига кирмайди.

Фуқаролар ва юридик шахслар қўйидаги йўллар билан турар жойни хусусий мулк қилиб олиш ҳуқуқига эга:

якка тартибда уй-жой қуриш;

якка тартибда қурувчиларнинг ширкатлари томонидан уй-жой қуриш;

уй-жой облигацияларини олиш;

уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативларида иштирок этиш;

олди-сотди, ҳадя ва айирбошлиш;

умрбод таъминлаш шарти билан уйни (квартирани) бошқа шахсга бериш;

мерос олиш;

қонунда белгиланган тартибда хусусийлаштириш.

Фуқаролар ва юридик шахслар турар жойларни қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга биноан ҳам хусусий мулк қилиб олишлари мумкин.

Хусусий мулкида уйи, квартираси бўлган фуқаролар улардан ўзлари ва оила аъзолари яшashi учун фойдаланадилар. Улар уйига, квартирасига бошқа фуқароларни кўчириб киритишга, шунингдек турар жойларни ушбу Кодексда ҳамда ўзга қонун хужжатларида белгиланган шартларда ва тартибда ижарага бериш шартномаси асосида бошқа фуқароларга яшаш учун беришга ҳақлидирлар. Мулкида уйи, квартираси бўлган фуқаролар улардан бошқа фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаган ҳолда бошқа мақсадларда фойдаланишга ҳақлидирлар.

Мулкида уйи, квартираси бўлган юридик шахслар уларни ижарага, арендага беришга ҳамда улардан уй-жой тўғрисидаги қонун хужжатларига зид келмайдиган бошқа мақсадларда фойдаланишга ҳақлидирлар.

Ички ишлар органлари тегишли худудда фуқаролар ва юридик шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойлардан фойдаланилиши, шу жумладан паспорт режимига риоя этилиши, яшаётган шахсларнинг ҳисобга олиниши ва тегишли шартномаларнинг мавжудлиги юзасидан назоратни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари билан биргаликда амалга оширади.

Уй, квартира мулкдори хусусий уй-жой фондини бошқаришда иштирок этиш, уйнинг техник ҳолати масалаларида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат этиш, уй, квартирага хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмиrlаш усулини танлаш ҳуқуқига эгадир.

Уй, квартира мулкдори уй, квартиранинг асралишини, тегишли техник ва санитария ҳолатини таъминлаши, уларни ўз ҳисобидан жорий ва капитал таъмиrlаш ишларини амалга ошириши шарт.

Кўп квартирали уйдаги квартира мулкдори ўзига қарашли жойга кўп квартирали уйга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ёки авария-таъмирлаш хизматлари вакиллари умумий мол-мулкнинг ҳолатини назорат қилиш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш мақсадида мулкдорни олдиндан хабардор қилгач, унинг борлигидаги киришларини таъминлаши шарт.

Кўп квартирали уйдаги квартира мулкдори авария ҳолати юзага келган тақдирда, аварияни бартараф этиш учун тегишли авария-таъмирлаш хизматлари вакиллари ўзига қарашли жойга киришларини дархол таъминлаши шарт. Квартира мулкдори йўқлигига аварияни бартараф этиш учун бу жойга кириш ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида тегишли авария-таъмирлаш хизмати томонидан амалга оширилади.

Кўп квартирали уйдаги квартира мулкдори маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тегишли рухсатнома олмасдан ўзига қарашли жойни ўзбошимчалик билан қайта қурган ёки ўзгартирган тақдирда, қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади ҳамда бу жойни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириши шарт.

### **Фонд турларининг тамойиллари тўғрисида (принциплари)**

Тураг жойларни алмаштириш истагида бўлган фуқаролар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига белгиланган шаклда аризани топширадилар.

Мулкдор, ижарага олувчи, уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзосининг аризасига қўйидагилар илова қилинади:

тураг жойга бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат ёки тураг жой ордери;

тураг жойда яшаётган шахслар кўрсатилган ҳолда яшаш жойидан маълумотнома;

солиқлар, тураг жойдан фойдаланиш харажатлари ва коммунал хизматлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома;

идоравий уй-жой фондининг уйдаги тураг жойни алмаштиришда-шу фонд эгасининг тураг жойни алмаштиришга розилигини тасдиқловчи ҳужжат ёхуд тегишли ҳолларда-суд қарорининг нусхаси;

тураг жойнинг бир қисми алмаштирилаётганда шу алмаштирилаётган тураг жойда яшаш учун қолаётган у ёки бу шахс билан никоҳда бўлганлиги ёки қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

оиланинг барча вояга етган, шу жумладан вақтинча бўлмаган аъзоларининг, давлат уй-жой фонди уйларида эса, шунингдек ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқароларнинг ёзма розилиги;

ҳомийлик ёки васийликка олинган шахснинг фойдаланишидаги тураг жой алмаштирилаётганида ҳомийлик ва васийлик органининг розилиги;

тураг жойини кооператив аъзоси билан алмаштираётган шахс кооперативга қабул қилинганлиги тўғрисидаги уй-жой қуриш ёки уй-жой, кооперативи бошқарувининг қароридан кўчирма ёхуд тегишли ҳолларда - суд қарорининг нусхаси;

битта кооператив аъзолари ўртасида тураг жойлар алмаштирилаётганда уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи бошқарувининг алмаштиришга

розилиги тўғрисидаги қароридан кўчирма ёхуд тегишли ҳолларда-суд қарорининг нусхаси.

Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ариза қабул қилинган деб ҳисобланади.

Энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш;

ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало суғориладиган ерларнинг алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб борилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-куvvatлаш;

ерга ва бутун атроф табиий муҳитга заарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шаклларининг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчиларининг тенг хуқуқлиигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш;

ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш;

ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ бўлишини ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш.

## МАЪРУЗА №11

**МАРУЗА: ШАҲАР КАДАСТРИ БИНО ИНШОАТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**РЕЖА:**

**1. Ер, бино ва иншоатларга бўлган хуқуқларни рўйхатга олиш принциплари**

**2. Рўйхатга олиш ишини ташкил этиш**

**3. Рўйхатга олиш натижаларини расмийлаштириш**

Ер бино ва иншоатлар давлат кадастри ҳудудий принцип бўйича ташкил этилади ва бу обьектларнинг хуқуқий, хўжалик ва архитектура-қурилиш мақоми тўғрисидаги маълумотлар тизимини мужассамлаштиради.

Бино ва иншоатлар давлат кадастри бино ва иншоатлардан самарали фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни, мулк эгаларининг ва бу

объектлардан бошқа фойдаланувчиларнинг хуқуқларини, шунингдек бино ва иншоотларга эгалик хуқуқи ва бошқа ашёвий хуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилишини (кейинги ўринларда бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш деб аталади) таъминлаш учун юритилади.

Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш бўйича муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва мазкур Низом билан тартибга солинади.

Давлат шаҳарсозлик кадастрини, давлат ер кадастрини, фойдали қазилма конлари давлат кадастрини, кўп йиллик ўсимликлар давлат кадастрини юритиш бўйича муносабатлар бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бино ва иншоотлар давлат кадастри маълумотлари барча давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий юридик кучга эгадир. Кадастр ҳужжатлари бино ва иншоотлар билан фуқаролик-хуқуқий битишувларни амалга оширишда, уларни солиқка тортишда, лойиҳалаштиришда ва бошқа юридик ҳаракатларда хуқуқий, иқтисодий ва техник маълумотлар сифатида қабул қилиниши керак.

Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш бу объектлар тўғрисидаги кадастр маълумотларини шакллантиришдаги ишончли ҳужжатлар ва бошқа маълумотлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Бино ва иншоотлар тўғрисидаги кадастр маълумотлари мулк эгалари, уларга ашёвий хуқуқларга эга бўлган шахслар, учинчи шахслар, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ва бошқа давлат органлари томонидан судда талашилиши мумкин.

Бино ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказувчи шахслар давлат рўйхатидан ўтказишида қонун бузилишларини очган тақдирда, бу ҳақда тегишли давлат органларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ёки прокуратурага хабар беришга мажбурдирлар.

Мулк эгаси бўлган бино ва иншоотларга ашёвий хукуқларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар уларга тегишли бино ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга эга бўлишлари шарт.

Бино ва иншоотни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти мулк эгасига ёхуд бино ёки иншоотга ашёвий хукуқларга эга бўлган шахсга юкланди. Улар бино ёки иншоотни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича барча ёки айrim мажбуриятларини учинчи шахсларга юклашлари мумкин. Бу хукуқларни ва мажбуриятларни рўёбга чиқариш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатиб ўтилган шахслар ёки улар томонидан вакил қилинган шахс мулкка эгалик хукуқи ёки бошқа ашёвий хукуқлар пайдо бўлган, ўзгарган, тўхтатилган ёхуд бино ёки иншоотнинг хукуқий ҳолати ўзгарган пайтдан бошлаб бир ой муддатда шаҳар, туман худудидаги давлат рўйхатидан ўтказувчи органларга уларни бино ва иншоотлар кадастстр, реестр дафтарида рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Бино ва иншоотлар мерос қилиб олинган тақдирда бино ва иншоотларга эгалик хукуқи ёки бошса ашёвий хукуқлар меросхўрга ёки давлатга қонунчиликда белгиланган тартибда ўтгандан кейин давлат рўйхатидан ўтказилади.

Бино ва иншоотлар давлат кадастрини ташкил этиш ва юритиш туман, шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига юкланди (ЎзР ВМ 19.10.2004 й. 483-сон Қарори таҳриридаги банд).

Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритувчи органлар кадастстр ҳужжатларини ва кадастстр маълумотларини рухсатсиз олиш ва ошкор этишдан ҳимоя қилинишини таъминлашлари шарт.

Бино ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказишни, кадастстр маълумотларини, айrim обьектлар бўйича маълумотлар тайёрлашни рўйхатдан ўтказувчи органларнинг фақат ваколат берилган ходимлари амалга оширишлари мумкин. Бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш

бўйича ишлар бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундириладиган маблағлар ва бошқа манбалар ҳисобидан маблағ билан таъминланади.

Бино ва иншоотлар эгалик хуқуқи ёхуд бошқа ашёвий хукуқлар пайдо бўлганлигини, бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун юридик шахслардан энг кам иш ҳақининг ярми, жисмоний шахслардан ўндан бир қисми микдорида тўлов ундирилади. Эгалик хуқуқи ёхуд бошқа ашёвий хукуқлар субъектини ўзгартирган ҳолда обьектнинг хуқуқий ҳолати ўзгарганда кўрсатиб ўтилган суммаларнинг ярми ундирилади.

Давлат мулки бўлган обьектлар бўйича давлат кадастрини юритиш ишлари давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланади. Бино ва иншоотларга эгалик хуқуқини ёхуд бошқа ашёвий хукуқлар тўхтатилганлигини ёхуд уларнинг чекланганлигини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун тўлов ундирилмайди.

Рўйхатдан ўтказиш тизимининг тузилмасига мувофиқ ҳар бир обьект учун кадастр ҳужжатлари йиғма жилди тузилади, уч қисмдан иборат:

1-қисм, бино ва иншоотларни таърифлаш, обьектни теран ва бир мазмунли идентификация қилиб беради ва бино ва иншоотларни текшириш далолатномалари ҳамда кадастр суратига олишнинг бошка материаллари асосида тузилади.

2-қисм, мулк қисми, мулқдор(лар) тўғрисидаги ахборотни, унинг реквизитларини; хуқуққа эга бўлиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатларнинг реквизитларини (ёки ҳужжатлар ариза рақами бўйича сақланаётган бўлса, ариза рақамини); битимни рўйхатдан ўтказиш, шартномани тузиш санаси ва ҳ.к.ларни ўз ичига олади; эгаликларни текшириш далолатномалари асосида тузилади.

3-қисм, юкловлар ва огоҳлантиришлар, учинчи шахсларнинг бино ва иншоотларга бўлган барча хукуқлари тўғрисидаги ахборотни - гаровлар, юкловлар, хатга олиш, ижара, сервитутларни; бино ва иншоотлар тасарруф

етиш хуқуқига таъсир кўрсатувчи огоҳлантиришлар, кафилликлар ёки чекловларни ўз ичига олади.

- е) мулкнинг мавжудлигини ҳамда унинг техник ҳолатини аниқлаш;
- ф) мавжуд, аниқланган мулкнинг қийматини ҳалқ хўжалиги умумий балансига киритиш;
- г) ҳар йилги (амортизация) фойдаланиш қийматини аниқлаб олиш;
- х) ҳалқ хўжалигининг инвентаризация маълумотларига бўлган талабларини қондириш;

Уй хўжалигини шунингдек, унинг таркибига кирувчи қурилишларни рўйхатга олиш ишлари мажмуига қўйидагилар киради:

-ҳақиқий ҳолатдаги расмга олиш (яъни аниқ олинган ўлчовлар, чизмалар, фойдаланиш микдорини аниқлаш ва ушбу объектларга тааллуқли бошқа ҳужжатлар) ва ҳисоб-китоб, ёзма ҳамда чизма (график) ишлар орқали амалга ошириш сингари вазифаларни амалга ошириш.

Ер майдонларидағи ва бошқа қурилишларни рўйхатдан ўтказиш давомида, бутун шаҳарни рўйхатдан ўтказиш ишларига бир мунча эътибор қаратилиши лозимдир. Бунинг учун эса, умумий иш хажми, зарурый ишчилар (ходимлар) ва мавжуд маблағлар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш лозим.

Ер участкаларини кварталларга бўлинган ҳолда рўйхатга олиш, имконияти бўлса, кварталлардаги ва жойлардаги майдончалар ичидаги ҳолатларни, шунингдек, алоҳида участкалар ўртасидаги чегараларни 1:500 масштабда тасвирловчи расмга олиш қисмларидан иборат ишлар амалга оширилса тугри бўлади. Айрим участкаларни расмга олишда, уни майдончали қисмидан бошланиши, ҳамда улар асосий нуқта бўлишга эришиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қурилиш бўйича мутахассис қурилиш ашъёлари тайёрланадиган қурилиш жихозларини, конструкцияларни, умуман қурилишни, яхши билиши зарур. Турли ҳолат ва шароитларда асосий материалларнинг

белгиларини, уларнинг фойдаланиш ҳолатларини тугри аниқлаш мумкин булмайди.

Бинонинг конструкциясини текширувдан ўтказиш, уларнинг техник ҳолати ва фойдаланиш микдорини аниқлаш инвентаризация ишларини амалга оширишда энг қийин ва муҳим вазифа ҳисобланади. Фойдаланиш микдорини аниқлаш ижроидан маълум микдордаги билимга эга бўлишни ҳамда кенг кўламдаги фикрловчи бўлишни талаб қиласди. Ҳар бир конструкциядан фойдаланиш микдорини белгилашда асосий воситани аниқлаш, иккинчи даражали, унчалик керакли бўлмаган ҳолатларни олиб ташлаш керак.

Курилишни инвентаризация қилиш даврида унга тегишли барча қисм ва қурилишлар, пойдевор, деворлар, тўсиқлар, улар ертулага тегишли бўлмаса, қаватлар оралиғи, том ора ва устки ёпма, ер (пол), эшиклар, деразалар, томлар, ташқи ва ички ишлов берилган жойлар, оқова сув ва канализация ускуналари, газдан фойдаланиш, иситиш системалари, электрдан фойдаланиш мосламалари, нарвонлар ва бошкалари куриқдан ўтказилиши лозим.

Фойдаланиш микдори факатгина конструкцияларни аниқлаш, қилинган меҳнатнинг сифатини аниқлашда талабчанлик қилиш, қурилишдаги айрим элементларнинг ўзаро алоқадорлиги, уларга атмосферадан келган таъсирлар, фойдаланиш шароитлари ва бошқа ҳолатларга асосланиб аниқланади. Қурилишни техник рўйхатдан ўтказиш ўзига хос бўлган масалалар: яъни унинг таркибини аниқлаш, қурилишнинг аҳволи ҳамда нархини белгилаш, бинолар ва уларнинг жойлашиши сингари ҳолатларни аниқлаш орқали амалга оширилади.

Рўйхатга олиш натижаларини расмийлаштириш ҳар қандай сўровнома ва ахборотни рўйхатдан ўтказиш ёки излаш учун рўйхатдан ўтказувчи орган стандарт формаларга эга бўлмоғи лозим, улар орқа томонидаги тўлдириш бўйича йўриқномага қараб тўлдириш учун теран ва содда бўлиши лозим, шу

асосида берилган натижаларни расмийлаштириш амалларини ўтказищдан иборат бўлиб борада.

Хар бир форманинг муҳим элементлари қўйидагилардир: ер участкасининг кадастр рақами, бино, иншоотнинг реестр рақами, тарафлар (хукуқдорлар), хукуқнинг асосий тавсифи ва кутиладиган ишлар (натижалар).

Ариза формаси шундай тузилган бўлиши лозимки, форманинг хар бир қисмида рўйхатдан ўтказувчи орган хонасининг тайин бир жойида сақланадиган ахборот жойлашсин.

Стандарт форманинг намунавий тўплами:

сотув;

ижара ва иккиламчи ижара;

ижаранинг тугаши;

гаров;

гаровнинг бекор қилиниши;

хукуқдаги улушни сотиш;

мерос қилиб ўтказиш;

сервитут, чекловчи мажбурият киритиш;

сервитутдан, чекловчи мажбуриятдан озод этиш;

ишониб топширилган бошқарув;

алмашув;

ҳадя қилиш;

рента;

мулкни умрбод асраш шарти билан бошқага ўтказиш;

хатга олиш;

ман этиш;

бош рўйхатдан ўтказувчига аппеляция қилиш;

ахборот излаш бўйича сўров;

кўчмас мулк объектининг ўзгариши (мутацияси);

бошланғич рўйхатдан ўтказиш учун ариза;

янги объектни рўйхатдан ўтказиш учун ариза.

Ариза рўйхати юқорида келтирилган зарур ҳужжатлар тўплами билан бирга берилади. У эҳтимолий муаммоларни аниқлаш мавзууда текшириб чиқилади. Аризани тўлдиришда хатоликлар бор бўлган ёки илова қилинадиган ҳужжатлар тўплами нотўлиқ бўлган ҳолда ариза қайтарилади.

## МАЪРУЗА №12

### МАРУЗА: РЎЙХАТГА ОЛИШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

**Режа:**

- 1. Шаҳар, қишлоқ ахоли яшаш пунктларида ер, бино ва иншоотлар хисобини юритиш принциплари**
- 2. Ер, бино ва иншоотлар хисобининг турлари ва ўтказиш хусусиятлари**

Ер участкаси берилишидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар сўралаётган ер участкаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимига ариза берадилар.

Икки ва ундан ортиқ туманлар ёки вилоятлар ҳудудида жойлаштириладиган ер участкаларида объектлар қуришда юридик ва жисмоний шахслар ариза билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ёки вилоят ҳокимига мурожаат қиласидилар.

Ер участкаси бериш тўғрисидаги аризада ер участкаси унинг учун зарур бўлган мақсадлар, унинг жойлашган жойи ва ўлчами, сўралаётган майдон, қурилиш ишларини бошлиш ва тугаллашнинг тахминий муддатлари, почта манзили, юридик шахснинг реквизитлари ёки жисмоний шахснинг паспортига оид маълумотлар кўрсатилиши керак.

Туман (шаҳар) ҳокимлиги икки кун мобайнида юридик ёки жисмоний шахсларнинг аризасини объектни қуриш учун ер участкасини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш учун давлат корхонасига юборади.

Ер участкаси икки ёки ундан ортиқ туманлар ёки вилоятлар худудида жойлашган ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят ҳокими икки кун муддатда аризани ер участкасини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш учун тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимларига ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг худудий бошқармасига юборади.

Давлат корхонаси ўн икки иш куни мобайнида ер участкасини танлаш бўйича материалларни тайёрлайди ва ваколатли органлар (ташкилотлар) билан келишади.

Ер участкасини танлаш бўйича материалларнинг тайёрланганлиги ва келишилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда тўлов ундирилади.

Ер участкасини танлаш ишларини бажариш давомида:

унинг умумий майдони аниқланади;

ер участкалари эгалари, фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар таркиби, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва бошқа ер турлари (мавжуд бўлган тақдирда) аниқланади;

ер тузиш ҳужжатлари, ер кадастри маълумотлари ўрганилади;

объектлар қуриш учун ер участкасини биринчи навбатда қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга мўлжалланган ёки қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқсиз бўлган ерлардан, ёхуд ёмон сифатли қишлоқ хўжалиги ерларидан танлаш имконияти ўрганилади;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан ер участкалари танланган ҳолларда алоҳида қимматли унумдор сугориладиган ерларни, худуднинг мавжуд архитектура-режалаштириш ва хўжалик ички ташкил этилишини максимал сақлаб қолиш зарурлиги, экологик вазиятни яхшилаш ва сақлаб қолиш, эрозия жараёнларини, ерларнинг ботқоқликка айланишини тўхтатиш ҳисобга олинади;

ер участкаларини бино ва иншоотларни, айниқса уй-жойларни асоссиз бузиб ташлашни, сув хўжалиги объектларидан ва муҳандислик

инфратузилмасидан фойдаланишга ноқулайликлар яратишни истисно этадиган тарзда танлаш имконияти қидирилади;

танланган ер участкасида бино ва иншоотлар, уй-жойлар, шу жумладан ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойлар, ер ости муҳандислик тармоқлари мавжудлиги аниқланади;

атмосфера ҳавоси ифлосланиши манбалари ҳисобланган объектлар атрофида санитария-химоя зонасини таъминлаш имконияти ҳисобга олинади, унинг кенглиги жойлаштирилаётган ишлаб чиқаришнинг даражаси билан белгиланади.

Ер участкаси бериш тўғрисидаги аризада юридик ва жисмоний шахслар томонидан ер участкаси аниқ жойлашган жой кўрсатилмаган тақдирда, шунингдек муайян зарурият пайдо бўлганда бир неча вариантларда ер участкалари танланиши мумкин.

Давлат корхонаси томонидан қуийдаги таркибда объект қурилиши учун ер участкасини танлаш материаллари тайёрланади:

ер участкасини жойлаштириш плани (танланаётган ер участкаси тасвирланган ҳолда қишлоқ хўжалиги харитасидан нусха);

камида икки томондан атрофдаги объектлар билан боғлиқликда ер участкасининг фотосурати (15x20 см) (узун иншоотлар бундан мустасно).

Ер участкасини жойлаштириш плани:

туман (шаҳар) ҳокими;

туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими;

туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси);

ер участкаси ажратилиши тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизасини ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 31 декабрдаги 491-сон қарорида назарда тутилган атроф муҳитга таъсир тўғрисидаги ариза лойиҳасини ишлаб чиқиш ва объектлар бўйича давлат экологик экспертизасининг хulosасини олиш шарти билан олдиндан Ўзбекистон

Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг худудий органи;

туман (шаҳар) санитария-эпидемиология хизмати;

давлат ёнгин назорати худудий органи;

маданий мерос ёдгорликларини муҳофаза қилиш зонасида объект қурилиши учун ер участкасини танлашда – маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш худудий инспекцияси;

ер участкаларини табиий худудлар, магистрал қувурлар, темир йўл ва автомобиль йўллари, электр узатиш ва алоқа линияларининг, сув муҳофазаси ва санитария-химоя зоналаридан, шунингдек аэродромлар ҳамда чиқиндиларни ва бошқа заҳарли моддаларни кўмиш жойлари яқинида танлашда – тегишли режимли худудлар ва иштоотлардан фойдаланувчи ва уларни ишлатувчи ташкилотлар;

улардан ер участкалари олиб қўйиладиган юридик ва жисмоний шахслар (юридик шахсларнинг юқори бошқарув органлари мавжуд бўлган тақдирда ер участкасини жойлаштириш плани юқори турувчи органлар билан келишилади);

қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ажратилган ҳолларда – қишлоқ ва сув хўжалиги органлари;

автомобиль турар жойлари ва йўл ҳаракати хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи бошқа обьектлар учун ер участкаси ажратилган ҳолларда – йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати худудий органи билан келишилади.

Ер участкасини жойлаштириш планини туман (шаҳар) органларининг ваколатли вакиллари ва бошқа шахслар билан келишиш уч кун мобайнида амалга оширилади.

Тегишли органлар томонидан жойлаштиришнинг келишилган плани кўрсатилган муддатда тақдим этилмаган тақдирда, ер участкасини жойлаштириш плани келишилган деб хисобланади (мураккабликнинг IV ва V тоифаларига эга бўлган обьектлар бундан мустасно).

Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш маълумотлари бино ва иншоотлар давлат кадастрининг асосини ташкил этади.

Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида бино ёки иншоот қуриб битказилгандан сўнг ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда битишувлар содир этилгандан сўнг амалга оширилади.

Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш туман, шаҳар кадастр дафтарида, турар-жой бинолари ва иншоотлари туман реестр дафтарида амалга оширилади.

Бино ва иншоотлар техник инвентаризациядан ўтказиш бюrolари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда улар тегишли кўчмас мулк кадастри хизматига бино ва иншоотлар давлат реестрини юритиш учун зарур бўлган ҳажмдаги давлат рўйхатидан ўтказиш маълумотларини берадилар.

Давлат рўйхатидан ўтказишда кадастр ёки реестр дафтарига бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини ёхуд бошқа ашёвий ҳуқуқлар (уларнинг пайдо бўлиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва тўхтатилиши) ҳақидаги, шунингдек объектни тавсифловчи бошқа маълумотлар тўғрисидаги маълумотлар ёзиб қўйилади.

Махфийлик режимига эга бўлган бино ва иншоотлар махсус кадастр дафтарида рўйхатга олинади. Уни юритиш хусусиятлари ва бу объектларни рўйхатдан ўтказиш бўйича маълумотлардан фойдаланиш шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Давлат рўйхатидан ўтказишда иловага мувофиқ кадастр дафтарига бино ва иншоотларнинг ҳуқуқий, хўжалик ва архитектура-қурилиш мақоми тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Бино ва иншоотлар жойлашган жой, уларнинг эгалик ҳуқуки ёхуд бошқа ашёвий ҳуқуқлар билан юридик ва жисмоний шахсларга тегишлилиги, бу ҳуқуқларнинг пайдо бўлиш асослари ва муддатлари, уларнинг тўхтатилиш муддатлари, эгалик ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни чеклаш

шартлари, бу объектларга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар бино ва иншоотларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳақидаги маълумотлар хисобланади.

Бино ва иншоотларнинг қиймати, улардан фойдаланиш хусусиятлари, бу объектларнинг майший, ишлаб чиқариш мақсадларидалиги, улардан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши, улар жойлашган солиқ зонаси тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар бино ва иншоотлар хўжалик мақомининг асосини ташкил этади.

Бино ва иншоотларнинг ер тузиш схемаларига, шаҳарлар бош режаларига, аҳоли яшаш пунктларини жойлаштириш лойиҳаларига, шунингдек архитектура ва шаҳарсозлик талабларига мувофиқлиги, бинолар параметрлари (қаватлари, умумий, яшаш, ишлаб чиқариш майдонлари), эгаллаб турган ер участкаси, қурилган вақти, муҳандислик-техник коммуникациялар мавжудлиги, сейсмик чидамлилиги тўғрисидаги ва бошқа техник маълумотлар бино ва иншоотларнинг архитектура-қурилиш мақоми ҳақидаги маълумотлар хисобланади.

Кадастр маълумотлари асл ҳужжатлар ёки давлат органлари қарорларининг, шартномаларнинг (олди-сотди, ҳадя қилиш, алмаштириш, ижарага олиш, рента ва бошқалар), бино ва иншоотлар лойиҳа-смета ҳужжатларининг, илгари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг тегишли равишда расмийлаштирилган нусхалари асосида тузилади.

Давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар рўйхатдан ўтказиладиган ҳужжатлар ва маълумотларнинг асллигини ва ишончлилигини текшириш, зарур ҳолларда эса қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни, бино ва иншоотлар тўғрисидаги асл ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш, шунингдек бино ва иншоотларни жойида текшириш ва баҳолаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳар бир бино ва иншоот кадастр, реестр дафтарига муайян кадастр рақами остида ёзиб қўйилади.

Объектнинг кадастр рақами унинг кўчмас мулк объектлари ва ҳудудларни кодлаштиришнинг умумреспублика тизимидағи кодидан келиб чиқиб белгиланади. Объект коди маълумотларнинг компьютер базасини унификациялаш ҳамда яратиш учун мўлжалланган.

Бино ва иншоотга шахсий мулк хуқуқи ёки бошқа ашёвий хуқуқлар ўзгарганда ёхуд тутатилганда ва пайдо бўлганда объектнинг рўйхатдан ўтказиш коди (рақами) ўзгармайди, объектнинг мулкдорлар ёки фойдаланувчилар ўртасида бўлиниши, шунингдек у жойлашган ер участкаси чегаралари ўзгариши ҳоллари бундан мустасно.

Кадастр, реестр дафтаридағи ёзувларни тузатиш ёки тўлдиришга йўл қўйилмайди. Агар кадастр, реестр дафтарига киритилган маълумотларни, мазкур Низом 20-бандининг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ўзгартириш ёки тўлдириш зарурати туғилса олдинги ёзувлар бекор қилинади ва объект тўғрисидаги маълумотлар ўша код (кадастр рақами) остида тўлдириб қўйилади.

Бино ёки иншоотни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширган орган мулкдор ёки у ваколат берган шахсга бино, иншоотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани беради ёхуд рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатга ёзиб қўяди.

Мулкдор ёки ушбу объектга ашёвий хуқуқقا эга бўлган шахс, шунингдек объектнинг хуқуқий ҳолати ўзгарган тақдирда кадастр ёки реестр китобида бино ёки иншоотни қайта рўйхатдан ўтказиш ҳолларида бино ёки иншоотни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади, бунда эски гувоҳнома мажбурий тартибда олиб қўйилади ва бекор қилинади.

Бино ёки иншоотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқотилган ёки бузилган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширган орган томонидан мулкдорга ёки у ваколат берган бошқа шахсга бино ёки иншоотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг дубликати берилади. Дубликатни беришда давлат рўйхатидан

ўтказганлик учун ундириладиган сумманинг иккидан бири миқдорида тўлов ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бозор муносабатларини ривожлантириб бориш ер муносабатларини тубдан қайта қуриш билан бир қаторда ушбу ер майдонлари билан мустахкам боғлиқ бўлган кўчмас мулклар, яъни якка тартибда қурилган бино ва иншоотлар ҳамда улар билан бўладиган турли битишувларни тартибга солишини талаб қиласди. Бу эса, ўз навбатида, Давлат кадастрларининг ягона тизими таркибида якка тартибда қурилган бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритилишини тақозо қиласди.

Якка тартибда қурилган бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тизими – бу кадастрга оид ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, хисобга олиш, бир тизимга келтириш, сақлаш, янгилаш турли фойдаланувчиларга беришдан иборат. Шундай экан, якка тартибда қурилган бино ва иншоотлар давлат кадастри ҳам бошқа обьектлар кадастрлари сингари маълум хукуқий манбааларга эгадир. Якка тартибда қурилган бино ва иншоотлар давлат кадастрини юритишнинг асосий хукуқий манбаларидан бири – бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 1996 йил 17 июлдаги 255-сонли “Ўзбекистон Республикасида давлат кадастрларининг ягона тизимини ташкил этиш ва уни юритиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш хақида”ти қарори хисобланади.

# **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

## **1. Шахар ахоли яшаш пунктидаги ер, бино ва иншоотларга бўлган хукуқларни давлат рўйхатига олиш**

Бино элементлари ва муҳандислик системаларидан эксплуатацияси амалиётида техник эксплуатацияси ни ташкил этишнинг икки усули мавжуд.

Биринчиси доимий кузатишлар асосида бино элементларининг техник ҳолати ва таъмирлашни аниқлаш. Бу ҳолда эксплуатацияси тадбирлари ва уларни бажариш муддатлари конструкция ва муҳандислик системаларини кузатишлардан сўнгина белгиланади.

Иккинчиси эса, таъмирлаш ва тузатиш ишларининг бино элементлари бузилишини огоҳлантирувчи, олдиндан режалаштирилган муддатларда бажарилишига асосланган. Техник эксплуатациясининг бундай усули таъмирлашнинг режавий-огоҳлантирувчи системаси деб аталади.

Конструкция ва ускуналарнинг мукаммал ҳамда одатий таъмирланиши, муҳандислик системаларининг тузатилиши уларнинг хизмат қилиш муддатлари билан боғлиқ. Турар-жой биносини алоҳида олинган конструкциялар, муҳандислик конструкциялари ва ускуналар системасидан ташкил топган деб қараш мумкин. Ўз навбатида бу элементларнинг ҳар бири ўзининг хизмат қилиш муддатига  $T_x$  га эга бўлади.

Бир хил элементларнинг хизмат қилиш муддатлари турлича. Бу бир неча сабабларга боғлиқ: конструкция ва элементлар материалларини тайёрлаш технологиясининг бузилиши, қурилиш материалларини таҳлаш ва сақлаш ҳамда монтаж қилиш жойларига ташиб келиш қоидаларига риоя қиласлик ва ҳоказоларни тайёрлаш, сақлаш, ташиш, деталларни монтаж қилиш техник шартларида амалдаги стандартлардан оғиши чэгаралари (руксат этилган ўлчам микдори) мавжуд. Амалда бу оғиши чэгаралари ҳамма вакт ҳам сақланавермайди. Сақланганда ҳам бир хил элементларнинг хизмат қилиш муддатлари юқорида келтирилган сабабларга қўра турлича бўлади. Бундан ташқари, оғиши чегаралари мос келган омиллар бўйича катта ёки кичик томонга бўлиши мумкин.

Келтирилган сабаблар конкрет элементнинг аниқ хизмат қилиш муддатини олдиндан аниқлашга имкон бермайди. Шунинг учун амалда конструкциялар ва муҳандислик системаларининг ўртача хизмат қилиш муддатидан фойдаланилади. Буларни аниқлаш учун математик статистика услубларидан фойдаланилади. Бу услубнинг маъноси қўйидагича: натур текширишлар натижасига қўра катта микдордаги (50 тадан кам бўлмаган) тайёрланган, монтаж қилинган ва тахминан бир хил шароитда фойдаланиладиган элементларнинг хизмат қилиш муддати аниқланади. Олинган натижалар қўйидаги мисолда келтирилган тартибда расмийлаштирилади.

Мисол. Сув тақсимоти кранини хизмат қилиш муддатини аниқлаш талаб этилсин. 72 та сув тақсимлаш крани кузатилган. Умумий сони (м) ҳарфи билан белгиланади. Ҳар бир кран учун алмаштиргунга қадар бўлган хизмат қилиш муддати х. аниқланади. Ҳосил бўлган омиллар гурухларга бўлинади ва натижалар 1.5.1- жадвал қўринишида расмийлаштирилади.

**Хизмат қилиш муддатлари бўйича носоз кранларнинг гурухларга  
бўлиниши 2.1-жадвал**

X ж	122	123	125	130	134	138	139	1 40
M и	2	6	12	16	15	13	7	1

Математик статистикада юқорида келтирилган жадвал  $x_c$  миқдорни тарқатиш қатори деб қабул қилинади. Бу ўз навбатида  $x_c$  миқдор бўйича элементнинг ўртача хизмат қилиш муддатини аниқлашга имкон беради.

Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказишда (туар жой бўлмаган бино ва иншоотлар учун кўчмас мулк давлат кадастри хизмати, туар жой бино ва иншоотлари учун техник инвентаризация бюроси) қуидагиларни аниқлайди:

а) бино ва иншоотларга бўлган хуқуқи қонун хужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган мулқдорларни ёки бошқа ашёвий хуқуқларнинг эгаларини;

б) бино ва иншоотларга бўлган хуқуқини тасдиқловчи хужжатларга эга бўлмаган мулқдорларни ёки бошқа ашёвий хуқуқларнинг эгаларини – уларнинг хуқуқий мансублигини кейинчалик аниқлаш учун;

в) хўжасиз (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 191-моддаси), мерос хуқуқи бўйича давлатга ўтадиган (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1157-моддаси) ёки мусодара қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 204-моддаси) бино ва иншоотлар, бу бино ва иншоотларни қонунда белгиланган тартибда давлат фондига топшириш учун улар тўғрисида маҳаллий ҳокимият органига хабар қилган ҳолда;

г) ўзбошимчалик билан солинган бино ва иншоотлар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддасида назарда тутилган чораларни кўриш учун хуқуқи бузилган маҳаллий ҳокимият органига ёки шахсга бу ҳакда хабар қилган ҳолда.

Давлат рўйхатидан ўтказишдан аввал қуидагиларни амалга ошириш шарт:

а) юридик ва жисмоний шахслардан уларнинг биноларга, иншоотларга бўлган мулкий хуқуқини ёки бошқа ашёвий хуқуқини тасдиқловчи зарур хужжатларни талаб қилиб олиш;

б) мулқдорларнинг бино ва иншоотларга бўлган хуқуқларини тасдиқловчи хужжатларнинг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаларини талаб қилиб олиш ва кадастри ёки инвентаризация йиғмажилдига хронологик тартибда қўшиб қўйиш;

в) бинога, иншоотга бўлган мулкий хуқуқнинг ёки бошқа ашёвий хуқуқнинг вужудга келишини ва унинг юридик ва жисмоний шахсларга ўтишининг қонунийлигини текшириш, шу хуқуқларни тасдиқловчи хужжатлар тўғри расмийлаштирилганига ишонч ҳосил қилиш, умумий

улушли мулкий ҳуқуқ иштирокчиларининг сонини ва уларнинг улушлари ўлчамларини аниқлаш.

## **2. Рўйхатга олиш ҳужжатларини тузиш**

Бино ва иншоотларга бўлган мулкий ҳуқуқ ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзга шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор қилинишини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар қуидагилардир:

а) ер участкаларини доимий эгалик, умрбод мерос қилиб олиш эгалиги, доимий фойдаланиш ва капитал қурилиш ҳамда кейинчалик фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги далолатномалар, шу жумладан жамоа корхонаси олий бошқарув органларининг, ёки давлат қишлоқ хўжалик, ўрмон хўжалик корхонаси маъмуриятининг (уларнинг низомларида назарда тутилган ҳолларда - кенгашининг) қарорлари;

б) ваколатли органларнинг бино ва иншоотларни ўзга шахсларга ўтказиш тўғрисидаги далолатномалари, қарорлари, фармойишлари, хulosалари;

в) ваколатли органларнинг хўжасиз, тартибсиз сақланаётган, мусодара қилинган ва мерос қилиб олиш ҳуқуқи билан давлатга ўтган бино ва иншоотларни маҳаллий ҳокимият органлари фондига бериш тўғригидаги қарорлари;

г) қуидаги шартномалар, шу жумладан нотариал тасдиқланганлари бўйича олди-сотди, алмашиш, ҳадя қилиш, мулк айирбошлиш, рента, кўчмас мулкни умрбод асрash шарти билан бошқага ўтказиш шартномалари;

1948 йилнинг 26 августига қадар тузилган иморат солиш ҳуқуқи тўғрисидаги ва 1948 йилнинг 26 августидан кейин тузилган турар жой биноларини шахсий мулк ҳуқуқида қуриш учун ер участкаларини бериш тўғрисидаги шартномалар;

якка тартибда иморат солувчиларнинг турар-жой қурилиш жамоаларига турар жой биноларини қуриш учун ер участкаларини бериш тўғрисидаги шартномалар;

д) маҳаллий ҳокимият органларининг бино ва иншоотларга бўлган мулкий ҳуқуқини тан олиш (мавжуд ҳужжатлар асосида) тўғрисидаги қарорлари;

е) эр-хотиннинг умумий мулки бўлган бино, иншоотнинг тегишли қисмига мерослик қилиш ҳуқуқи ва мулкий ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома;

ж) бино ва иншоот аукционда ёки конкурс бўйича харид қилиб олингани тўғрисида гувоҳнома ёки бошқа ҳужжат;

з) давлат тасаруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган давлат мулкига бўлган мулкий ҳуқуқ учун давлат ордери;

и) бино ва иншоотга бўлган мулкий ҳуқуқни ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи қонуний кучга кирган суд қарорлари ва ажримлари ёки хўжалик судининг қарорлари;

к) шартномаларнинг ёки нотариал идораларнинг реестрларидан олди-сотди, алмашиш, ҳадя қилиш, рента, кўчмас мулкни умрбод асрash шарти

билин бошқага ўтказиши битимлари тузилгани тўғрисидаги, шунингдек мерослик қилиш ҳуқуки тўғрисида гувоҳнома берилиши ҳақидаги кўчирмаларнинг ва бошқа нотариал ҳужжатларнинг бино ва иншоотларга бўлган мулкий ҳуқуқнинг ўзга шахсларга ўтишини белгиловчи дубликатлари, нусхалари;

л) суд-тергов ва бошқа органларнинг бинони, иншоотни хатга олиш тўғрисидаги хабарномалари;

м) нотариал органларнинг бино ва иншоотни бошқага ўтказишини ман этиш тўғрисидаги хабарномалари.

28-банд. Бино, иншоотга бўлган мулкий ҳуқуқни ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни белгиловчи ҳақиқий ҳужжатлар ёки тегишли тарзда тасдиқланган нусхалар йўқ бўлган ҳолларда, бу ҳуқуқни билвосита тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб қуидагилар хизмат қилиши мумкин:

а) бинолар, иншоотлар қуриш учун банк ссудалари бўйича мажбуриятлар, модимики, бу ссудалар ер участкаси ажратиш далолатномаси ва қурилишга доир шартнома бор бўлганда берилади;

б) агар матнида бинога, иншоотга бўлган мулкий ҳуқуқни ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни белгиловчи тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳужжат далил қилиб келтирилган бўлса, инвентаризациян-техник ҳужжатлар;

в) ер солиғи, мулк солиғи (бинолар, иншоотлар бўйича) тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, сугурта полислари ёки квитанциялар;

г) давлат комиссиясининг қурилиши тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисидаги далолатномалари;

д) иморат солиши ҳуқуки тўғрисидаги 1948 йилининг 26 августига қадар тузилган, нотариал тартибда расмийлаштирилмаган шартномалар, шунингдек маҳаллий ҳокимият органларининг фуқароларга якка тартибдаги қурилиш учун ер участкалари ажратиш тўғрисидаги ўша давр учун тегишли бўлган қарорлари.

Эслатма. Бино, иншоотнинг қийматини ёхуд уни тиклаш ёки кайта қуришга кетган харажатлар қийматини шу бино, иншоот унинг тасарруфида ва фойдаланувида бўлган корхона (муассаса, ташкилот) балансига киритиш, унга бўлган мулкий ҳуқуқнинг далили бўлиб хизмат қила олмайди.

Қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳар (посёлка) чегарасига киритилган ёки улар шаҳар (поселка) сифатида қайта тузилган ҳолда, хонадонлар рўйхатлари, улардан кўчирмалар, маҳаллий ҳокимият органларининг маълумотномалари, шунингдек мазкур Йўриқноманинг 28-бандида кўрсатилган, иморатларга бўлган мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар мазкур Йўриқнома тартибида амалга ошириладиган рўйхатдан ўтказиши учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Бино ва иншоотларга бўлган мулкий ҳуқук ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзга шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор қилинишини тасдиқловчи ҳужжатлар" Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига жавоб бермоғи лозим.

Изоҳ берилмаган ва тасдиқланмаган тузатишларга (тозалашлар, қўшимча ёзувлар, чизиб ўчирилган сўзлар ва х.к.) эга бўлган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

### **3. Рўйхатга олиш ишини ташкил этиш**

Рўйхатдан ўтказиш тизимининг тузилмасига мувофиқ ҳар бир объект учун кадастр ҳужжатлари йиғма жилди тузилади, уч қисмдан иборат:

1-қисм, бино ва иншоотларни таърифлаш, объектни теран ва бир мазмунли идентификация қилиб беради ва бино ва иншоотларни текшириш далолатномалари ҳамда кадастр суратига олишнинг бошка материаллари асосида тузилади.

2-қисм, мулк қисми, мулкдор(лар) тўғрисидаги ахборотни, унинг реквизитларини; ҳуқуққа эга бўлиш учун асос бўлиб хизмат қиласидаган ҳужжатларнинг реквизитларини (ёки ҳужжатлар ариза рақами бўйича сақланаётган бўлса, ариза рақамини); битимни рўйхатдан ўтказиш, шартномани тузиш санаси ва х.к.ларни ўз ичига олади; эгаликларни текшириш далолатномалари асосида тузилади.

3-қисм, юкловлар ва огоҳлантиришлар, учинчи шахсларнинг бино ва иншоотларга бўлган барча ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотни - гаровлар, юкловлар, хатга олиш, ижара, сервитутларни; бино ва иншоотлар тасарруф этиш ҳуқуқига таъсир кўрсатувчи огоҳлантиришлар, кафилликлар ёки чекловларни ўз ичига олади.

мулкнинг мавжудлигини ҳамда унинг техник ҳолатини аниқлаш;

мавжуд, аниқланган мулкнинг қийматини халқ хўжалиги умумий балансига киритиш;

ҳар йилги (амортизация) фойдаланиш қийматини аниқлаб олиш;

халқ хўжалигининг инвентаризация маълумотларига бўлган талабларини қондириш;

Уй хўжалигини шунингдек, унинг таркибига киравчи қурилишларни рўйхатга олиш ишлари мажмуига қўйидагилар киради:

-ҳақиқий ҳолатдаги расмга олиш (яъни аниқ олинган ўлчовлар, чизмалар, фойдаланиш микдорини аниқлаш ва ушбу объектларга тааллуқли бошқа ҳужжатлар) ва ҳисоб-китоб, ёзма ҳамда чизма (график) ишлар орқали амалга ошириш сингари вазифаларни амалга ошириш.

Ер майдонларидағи ва бошқа қурилишларни рўйхатдан ўтказиш давомида, бутун шаҳарни рўйхатдан ўтказиш ишларига бир мунча эътибор қаратилиши лозимdir. Бунинг учун эса, умумий иш хажми, зарурий ишчилар (ходимлар) ва мавжуд маблағлар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш лозим.

Ер участкаларини кварталларга бўлинган ҳолда рўйхатга олиш, имконияти бўлса, кварталлардаги ва жойлардаги майдончалар ичидағи ҳолатларни, шунингдек, алоҳида участкалар ўртасидаги чегараларни 1:500 масштабда тасвирловчи расмга олиш қисмларидан иборат ишлар амалга оширилса тугри бўлади. Айрим участкаларни расмга олишда, уни

майдончали қисмидан бошланиши, ҳамда улар асосий нуқта бўлишга эришиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Курилиш бўйича мутахассис қурилиш ашъёлари тайёрланадиган қурилиш жихозларини, конструкцияларни, умуман қурилишни, яхши билиши зарур. Турли ҳолат ва шароитларда асосий материалларнинг белгиларини, уларнинг фойдаланиш ҳолатларини тугри аниқлаш мумкин булмайди.

Бинонинг конструкциясини текширувдан ўтказиш, уларнинг техник ҳолати ва фойдаланиш микдорини аниқлаш инвентаризация ишларини амалга оширишда энг қийин ва муҳим вазифа ҳисобланади. Фойдаланиш микдорини аниқлаш ижроидан маълум микдордаги билимга эга бўлишни ҳамда кенг кўламдаги фикрловчи бўлишни талаб қиласди. Ҳар бир конструкциядан фойдаланиш микдорини белгилашда асосий воситани аниқлаш, иккинчи даражали, унчалик керакли бўлмаган ҳолатларни олиб ташлаш керак.

Курилишни инвентаризация қилиш даврида унга тегишли барча қисм ва қурилишлар, пойdevor, деворлар, тўсиқлар, улар ертулага тегишли бўлмаса, қаватлар оралиғи, том ора ва устки ёпма, ер (пол), эшиклар, деразалар, томлар, ташқи ва ички ишлов берилган жойлар, оқова сув ва канализация ускуналари, газдан фойдаланиш, иситиш системалари, электрдан фойдаланиш мосламалари, нарвонлар ва бошкалари қурикдан ўтказилиши лозим.

Фойдаланиш микдори факатгина конструкцияларни аниқлаш, қилинган меҳнатнинг сифатини аниқлашда талабчанлик қилиш, қурилишдаги айрим элементларнинг ўзаро алоқадорлиги, уларга атмосферадан келган таъсирлар, фойдаланиш шароитлари ва бошқа ҳолатларга асосланиб аниқланади. Қурилишни техник рўйхатдан ўтказиш ўзига хос бўлган масалалар: яъни унинг таркибини аниқлаш, қурилишнинг аҳволи ҳамда нархини белгилаш, бинолар ва уларнинг жойлашиши сингари ҳолатларни аниқлаш орқали амалга оширилади.

#### **4. Рўйхатга олиш хужжатларини тўплаш ва уларни юритиши услубияти билан танишиш**

Ер участкаси берилишидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар сўралаётган ер участкаси жойлашган жойдаги туман (шахар) ҳокимига ариза берадилар.

Икки ва ундан ортиқ туманлар ёки вилоятлар худудида жойлаштириладиган ер участкаларида объектлар қуришда юридик ва жисмоний шахслар ариза билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ёки вилоят ҳокимига мурожаат қиласди.

Ер участкаси бериш тўғрисидаги аризада ер участкаси унинг учун зарур бўлган мақсадлар, унинг жойлашган жойи ва ўлчами, сўралаётган майдон, қурилиш ишларини бошлаш ва тугаллашнинг тахминий муддатлари, почта манзили, юридик шахснинг реквизитлари ёки жисмоний шахснинг паспортига оид маълумотлар кўрсатилиши керак.

Туман (шаҳар) ҳокимлиги икки кун мобайнида юридик ёки жисмоний шахсларнинг аризасини объектни қуриш учун ер участкасини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш учун давлат корхонасига юборади.

Ер участкаси икки ёки ундан ортиқ туманлар ёки вилоятлар худудида жойлашган ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят ҳокими икки кун муддатда аризани ер участкасини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш учун тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимларига ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг худудий бошқармасига юборади.

Давлат корхонаси ўн икки иш куни мобайнида ер участкасини танлаш бўйича материалларни тайёрлайди ва ваколатли органлар (ташкилотлар) билан келишади.

Ер участкасини танлаш бўйича материалларнинг тайёрланганлиги ва келишилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган микдорда тўлов ундирилади.

Ер участкасини танлаш ишларини бажариш давомида:

унинг умумий майдони аниқланади;

ер участкалари эгалари, фойдаланувчилар, ижаравчилар ва мулқдорлар таркиби, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва бошқа ер турлари (мавжуд бўлган тақдирда) аниқланади;

ер тузиш ҳужжатлари, ер кадастри маълумотлари ўрганилади;

объектлар қуриш учун ер участкасини биринчи навбатда қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга мўлжалланган ёки қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқсиз бўлган ерлардан, ёхуд ёмон сифатли қишлоқ хўжалиги ерларидан танлаш имконияти ўрганилади;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан ер участкалари танланган ҳолларда алоҳида қимматли унумдор сугориладиган ерларни, худуднинг мавжуд архитектура-режалаштириш ва хўжалик ички ташкил этилишини максимал сақлаб қолиш зарурлиги, экологик вазиятни яхшилаш ва сақлаб қолиш, эрозия жараёнларини, ерларнинг ботқоқликка айланишини тўхтатиш ҳисобга олинади;

ер участкаларини бино ва иншоотларни, айниқса уй-жойларни асоссиз бузиб ташлашни, сув хўжалиги объектларидан ва муҳандислик инфратузилмасидан фойдаланишга ноқулайликлар яратишни истисно этадиган тарзда танлаш имконияти қидирилади;

танланган ер участкасида бино ва иншоотлар, уй-жойлар, шу жумладан ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойлар, ер ости муҳандислик тармоқлари мавжудлиги аниқланади;

атмосфера ҳавоси ифлосланиши манбалари ҳисобланган объектлар атрофида санитария-ҳимоя зonasини таъминлаш имконияти ҳисобга олинади, унинг кенглиги жойлаштирилаётган ишлаб чиқаришнинг даражаси билан белгиланади.

Ер участкаси бериш тўғрисидаги аризада юридик ва жисмоний шахслар томонидан ер участкаси аниқ жойлашган жой кўрсатилмаган тақдирда,

шунингдек муайян зарурият пайдо бўлганда бир неча вариантларда ер участкалари танланиши мумкин.

Давлат корхонаси томонидан қуидаги таркибда объект қурилиши учун ер участкасини танлаш материаллари тайёрланади:

ер участкасини жойлаштириш плани (танланаётган ер участкаси тасвиранган ҳолда қишлоқ хўжалиги харитасидан нусха);

камида икки томондан атрофдаги объектлар билан боғлиқликда ер участкасининг фотосурати (15x20 см) (узун иншоотлар бундан мустасно).

Ер участкасини жойлаштириш плани:

туман (шахар) хокими;

туман (шахар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими;

туман (шахар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси);

ер участкаси ажратилиши тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизасини ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш хақида» 2001 йил 31 декабрдаги 491-сон қарорида назарда тутилган атроф муҳитга таъсир тўғрисидаги ариза лойиҳасини ишлаб чиқиш ва объектлар бўйича давлат экологик экспертизасининг хulosасини олиш шарти билан олдиндан Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг худудий органи;

туман (шахар) санитария-эпидемиология хизмати;

давлат ёнгин назорати худудий органи;

маданий мерос ёдгорликларини муҳофаза қилиш зонасида объект қурилиши учун ер участкасини танлашда – маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш худудий инспекцияси;

ер участкаларини табиий худудлар, магистрал қувурлар, темир йўл ва автомобиль йўллари, электр узатиш ва алоқа линияларининг, сув муҳофазаси ва санитария-химоя зоналаридан, шунингдек аэродромлар ҳамда чиқиндиларни ва бошқа заҳарли моддаларни кўмиш жойлари яқинида танлашда – тегишли режимли худудлар ва иншоотлардан фойдаланувчи ва уларни ишлатувчи ташкилотлар;

улардан ер участкалари олиб қўйиладиган юридик ва жисмоний шахслар (юридик шахсларнинг юқори бошқарув органлари мавжуд бўлган тақдирда ер участкасини жойлаштириш плани юқори турувчи органлар билан келишилади);

қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ажратилган ҳолларда – қишлоқ ва сув хўжалиги органлари;

автомобиль турар жойлари ва йўл ҳаракати хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи бошқа объектлар учун ер участкаси ажратилган ҳолларда – йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати худудий органи билан келишилади.

## **5. Шахар аҳоли яшаш пунктидаги ер, бино ва иншоотларни хисобини юритиши.**

Давлат кадастрлари мълумотлари (кадастр ахбороти) ДКЯТга алфавит-рақамли (матнлар, жадваллар, ведомостлар, йилномалар ва х.к.) ва график

(карталар, планлар, кесмалар, схемалар ва х.к.) шаклларда анъанавий (қоғоз) ва (ёки) электрон шаклларда тақдим этилади.

Давлат кадастрлари маълумотлари белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг ДКЯТга 1 январь ҳолати бўйича, тегишли кадастрларни юритиш тартиби тўғрисидаги низомлар билан белгиланган муддатларда, лекин ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилади.

Давлат кадастрларининг тезкор тавсифдаги маълумотлари белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг ДКЯТга заруратга қараб тақдим этилади.

Давлат сири бўлган кадастр ахборотини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат кадастрлари маълумотларини электрон (рақамли) шаклда тақдим этиш ArcGIS оиласига мансуб дастурий маҳсулотда рақамли топографик асосда унга атрибутив маълумотлар базасини боғлаган ҳолда ГАТ-лойиҳа ёки 1:200 000 базавий масштабдаги тематик қатлам кўринишида амалга оширилиши лозим. Рақамли топографик асос ва маълумотлар базасининг техник параметрлари (классификаторлар, шартли белгилар ва бошқалар) “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси билан давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича алоҳида келишувдан ўтказилади.

**Ахборат-тахлил маркази маълумотлар базасидан фойдаланиш тартиби**

**Хужжатлаштирилган ахборот** — идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари бўлган материал манбаида қайд этилган ахборот.

**Махфий ахборот** — қонун хужжатларига мувофиқ фойдаланиш чекланган хужжатлаштирилган ахборот.

**Базавий ахборот** — омма учун мўлжалланган хужжатлаштирилган ахборот, матбуот, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар.

**Ахборот ресурслари** — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборотлар, маълумотлар банклари, маълумотлар базаси.

**Ахборот тизими** — ахборотларни йиғиш, сақлаш, излаш, ишлаш ва улардан фойдаланиш имконини берувчи ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ташкилий тартибга солинган йиғиндиси.

**Ахборот маҳсулотлари (маҳсулот)** — фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ тайёрланган ва фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ёки қўлланиладиган хужжатлаштирилган ахборот.

**Ахборот хизматлари** — фойдаланувчиларни ахборот маҳсулотлари билан таъминловчи субъектлар (мулкдорлар ва мулк эгалари)нинг ҳаракатлари.

**Ахборот ресурслари ёки ахборот тизимлари эгаси** — ахборот ресурслари ёки ахборот тизимларига эгалик қилишни, улардан фойдаланишни ва уларни тасарруф этишни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахслар.

**Ахборот хавфсизлиги** — ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлиги ҳолати.

Давлат ер кадастри, бино ва иншоотлар давлат кадастри, шунингдек кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги автоматлаштирган компьютер маълумотлар базаси:

Республика миқиёсида – Геодезия ва картография миллий марказидаги Республика марказий ахборат-тахлил марказида;

Худудларда ҳудудий ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматларидағи “Ахборат-тахлил марказлари”да шакллантирилади.

Республика марказий ахборат-тахлил маркази ҳар ойда марказий маълумотлар базасини янгилайди ва кўчмас мулк обьектлари тўғрисидаги базавий маълумотларни электрон шаклда интернет тармоғида тақдим этади.

Марказий маълумотлар базасидаги маълумотларга эгалик қилиш ҳуқуки ва уларнинг эгалари ўртасидаги муносабатлар Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади.


Марказий маълумотлар базасидаги маълумотлар фойдаланувчиларга давлат тилида тақдим этилади. Марказий маълумотлар базасидаги маълумотлар фойдаланувчиларга бошқа тилларда тақдим этиш томонларнинг келишуви асосида амалга оширилади.

## 6. Ахоли пункти ерларининг экспликациясини тузиш

Ер, бино ва иншоотларни ҳисоб қилиш натижаларидан кадастри маълумотларини электрон (ракамли) шаклда тақдим этиш ArcGIS оиласига мансуб дастурий маҳсулотда рақамли топографик асосда унга атрибутив маълумотлар базасини боғлаган ҳолда ГАТ-лойиха ёки 1:200 000 базавий масштабдаги тематик қатлам кўринишида амалга оширилиши лозим. Рақамли топографик асос ва маълумотлар базасининг техник параметрлари (классификаторлар, шартли белгилар ва бошқалар) “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси билан давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича алоҳида келишувдан ўтказилади.

5.2-схема. Маълумотларини базасини кайта ишлаш схемаси

Шунга мувофиқ олинган натижаларни бошқа мақсадлар амалга ошириш



билин боғлиқ бўлган амалларни кенг куламда амалга ошириладиган ишлар кетма кетлиги билан амалга ошириш талаб етилади .Кадастр объектига бўлган мулк ҳуқуқини ва бошқа ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар, объектнинг кадастр йиғмажилди, кадастр харитаси (плани), кадастр китоби, кадастр объектларининг ҳолати ҳақидаги ҳисобот кадастр ҳужжатларининг асосий турларидир.

**Кадастр йиғмажилди** кадастр объектига бўлган ҳуқуқни шакллантириш, ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўладиган кадастр объектини кадастр суратига олиш, техник инвентаризация қилиш ва паспортлаштиришнинг, маҳсус текшириш ва изланишларнинг, сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолашнинг ҳужжатлари, материаллари ва маълумотларидан иборат бўлади.

**Кадастр харитаси (плани)** кадастр объектлари жойлашган ерни, уларнинг чегаралари, муҳофаза тегралари, баҳолаш, миқдор ва сифат тавсифларини акс эттирувчи график чизма ҳужжати бўлиб, у қоғозда, магнит ва бошқа воситаларда тузилади.

**Кадастр китоби** кадастр объектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг асосий ҳужжати ҳисобланиб, у кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор ҳамда сифат жиҳатдан тавсифлари ва баҳоси ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлади.

**Кадастр объектларининг ҳолати тўғрисидаги ҳисобот** давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича белгиланган тартибда тузилади ҳамда кадастр объектларининг алоҳида ҳудудлар ва бутун Ўзбекистон Республикаси бўйича миқдор ва сифат ҳолати, баҳоси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

## **7. Мавжуд бино ва иншоотларнинг ҳисобини олиб бориш**

Ўзбекистон Республикасида ер - давлат мулки, умуммиллий бойлиқдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур. Ер давлат томонидан муҳофаза қилинади. Давлат ернинг асосий эгаси сифатида ер фондига эгалик қилиш ва ундан тўғри фойдаланишни ҳам ташкил этади. Шундай ташкилий тадбирлардан бири давлат ер кадастридир . Демак, мамлакатнинг ягона ер фонди-ер кадастрининг обьекти ҳисобланади. Ер фонди ундан фойдаланишнинг асосий мақсадига қараб қўйидаги тоифаларга бўлинади:

1) қишлоқ ҳўжалиги ерлари - қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки шу мақсадларга мўлжалланган ерлар;

2) аҳоли пунктларининг ерлари (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари), шаҳар ва поселка ва қишлоқ аҳоли пунктлари чегаралари доираларидағи ерлар;

3) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;

4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;

5) тарихий-маданий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар;

- 6) ўрмон фонди ерлари;
- 7) сув фонди ерлари;
- 8) заҳира ерлар.

Олиб борилаётган ер ҳисоби шуни қўрсатадики, Ўзбекистонда 2011 йил 1 январга сұғориладиган ер майдони 4277,6 минг гектар бўлиб, умумий майдоннинг 9,6 фоизини ташкил этади. Ушбу майдонлардан олинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95,0 фоизини ташкил этади. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқариш манбаъларини жадал ривожлантиришда сұғориладиган ерлардан тўғри ва оқилона фойдаланишни йўлга кўйиш катта аҳамият касб этади. Ягона ер фонди нафақат фойдаланиш мақсадлари бўйича, балки ҳар бир ердан фойдаланувчилар бўйича ҳам ажратилади.

Республикамизда ҳозирги кунда асосий ердан фойдаланувчилар – жамоа, кооператив (ширкат) хўжаликлари, фермер ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, саноат, транспорт ва бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари, қўшма корхоналар ҳамда алоҳида фуқаролар ҳисобланади. Шундай экан, ер кадастри ёрдамида ер фондининг ердан фойдаланувчиларнинг гурухлари бўйича ҳам уларни тақсимланиши тўғрисида маълумотлар бериши керак. Ердан фойдаланувчилар гурухлари бўйича тавсифлар олиш учун ер кадастри ҳар бир ердан фойдаланувчи учун алоҳида юритилиши лозим. Шу сабабли асосий ер кадастри бирлиги – бу ердан фойдаланувчи субъектдир. Ердан фойдаланиш – бу ягона давлат ер фондининг таркибий қисмини ташкил этган, маълум бир ердан фойдаланувчига қатъий белгиланган мақсадларда давлат томонидан берилган ҳудуддир. Ердан фойдаланувчи субъект маълум майдонга, жойдаги ўрнига, шаклига ва доимий чегарасига эга.

Ердан фойдаланувчи субъектга ер бериш ер ажратиш асосида амалга оширилади. Ер участкаларини фойдаланиш учунажратиш ер қонунлари ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасининг қарори, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятларининг қарорларига асосан амалга оширилади. Ердан фойдаланувчилар ер участкасидан меёрий ҳужжатларда белгиланган асосий мақсадлар бўйича фойдаланишлари зарур. Берилиш муддатларига қараб ердан фойдаланиш икки турга бўлинади: доимий ва вақтинчалик. Олдиндан муддати кўрсатилмасдан берилган ерлар муддатсиз ёки доимий фойдаланишдаги ерлар деб эътироф этилади.

Ердан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли уч йилгача ва узоқ муддатли – уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари талаб қилган ҳолларда бу муддатлар тегишлича қисқа муддатли ёки узоқ муддатли даврга узайтирилиши мумкин. Яйлов чорвачилиги учун ер участкалари қишлоқ хўжалиги корхоналарига 25 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Берилган шароитига қараб ерлар бирламчи ва иккиламчи ердан фойдаланишга ажратилади. Бирламчи фойдаланиш тўғридан-тўғри давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилади. Буларга жамоа хўжаликлари, кооперативлар (ширкатлар), бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, саноат

корхоналари, транспорт муассасалари, ўрмон хўжаликлари ва бошқалар киради.

Бирламчи ердан фойдаланишда қонунда кўзда тутилган тартибда томорқа участкаларига иккиламчи тартибда ер берилиши мумкин. Бунда ширкат (жамоа) хўжалигининг ерларидан иккиламчи фойдаланиш учун ер майдонлари, хўжалик аъзоларининг умумий мажлис қарорига асосан, бошқа ердан фойдаланувчиларга ерлар – маҳаллий ҳокимият қарори бўйича берилади.

Муддатсиз ердан фойдаланиш учун ердан фойдаланиш хуқуқларини берувчи давлат далолатномаси билан тасдиқланади. Давлат далолатномасига биноан қишлоқ хўжалик корхоналарига бириклирлган ерлар жамоа ерларига ва томорқа ерларига бўлинади. Томорқа ерлари жойларда жамоа ерларидан ажратилади. Қишлоқ хўжалик корхоналари аъзолари, қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи ишчилар, хизматчилар ва бошқа фуқаролар томорқа ерлари майдони ер кадастри китобида ҳамда қишлоқ фуқаролар Кенгашининг хўжалик дафтарларида қайд қилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ер майдонларидан вақтинчалик фойдаланиш давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан расмийлаштирилади.

#### **8. Ер, бино ва иншоотлар хисобини юритишда замонавий ўлчов асбобларидан фойдаланиш.**

Санитария-гигиена талаблари. Ҳар бир ишлаб чиқариш бино ва иншоотларда ва ҳовли атрофида яхши санитария-гигиена шароити яратилган булиши керак. Бунда асосий мақсад, кишилар ва хайвонлар саломатлигини сахуши, иқтисодий самарадорликни ошириш ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқариш ҳовлилари ва улар ичидағи бино ва иншоотлар оралиғидаги белгиланган санитария масофасини сақлаш талаб этилади. Ишчилар ишлайдиган, ҳайвонлар турадиган, хоналарни қуёш нури ва ёруғлик тушиб турадиган этиб жойлаштирилади. Шамоли қаттиқ эсадиган, қор кўчкини бор, кум босадиган вилоят ва туманларда бино ва иншоотларни ҳимоя қилиш, бино ва иншоотларга заарли ҳидлар, газ, тугун, чанг, товуш, ифлосланган сувлар ва ёцилгилар таъсир этмаслиги учун шамол йўналиши ва сув оқимининг юқори томонига жойлаштирилади.

Ишлаб чиқариш мажмуалари участкалардаги бино ва иншоотлар қўйидаги умумий талабларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади: иқтисодий санитария-гигиена, қурилиш, ёнғиндан сақлаш ва табиий шароит домда меъморий талабларҳисобга олинади.

Иктиносидий талаблар. Ишлаб чиқариш мажмуаларининг лойиҳасини тузишда у ердаги бинолар ва иишоотларни жойлаштиришда ишшарнинг бажарилиш тартибини юкларнинг ташвиши энг цисца масофада ташилиши ҳисобга олинади. Янги технологияларни жорий цилиш, хўжалик ер майдони ва бошқа ҳовлилар билан кулай боғланиши ҳисобга олинади.

**Ишлаб чиқариш мажмуаларидан аҳолининг уйларигача бўлган  
санитария-химоя масофалари**

8.5-жадвал

Мажмуалар	Санитария-химоя масофалари, м	
	аҳолининг уйлари ва жамоа биноларигача	транзит йуллар гача
1.Қора мол фермаси, 400 бош сигиргача	100	50
401-800 сигиргача	200	100
2.Йилқичилик	100	200
3.Паррандачиллик	200	200
4.Парранда фабрикаси	500	300
5.Ветеринар пункти	200	100
<b>Ёпиқ пайкаллар мажмууси</b>		
6.Техника билан иситишда	50	
7.Биологик иситишда	100	
8.Ахлатда иситиш	300	
<b>Маҳсулотларни қайта ишлаш мажмуалари</b>		
9.Сут	50	
10.Моллар ва паррандалар мажмуалари, дон, сабзавот ва мева омборлари	100	
<b>Машина-трактор парки</b>		
11.Устахоналар	100	
12.Машина-трактор гаражлари	100	
<b>Озиқ-овқат сақлайдиган ҳовли</b>		
13.Дон, сабзавот, мева, картошка омборлари	50	
14.Хўжалик ҳовлиси	50	
<b>Курилиш ҳовлиси</b>		
15.Ёғоч материаллари, цемент, гишт, оҳак	50	
<b>Бошқа ҳовлилар</b>		
16.Минерал ўғитлар, гербицит ва бошқалар	300	
17.Ёнилғи ва мойлаташ мажмуаси	100	

Ахоли яшайдиган жойдаги хурилишларни амалга опшириш учун бу майдонни техник-иктисодий, санитария-гигиена талаблари асосида ва табиий шароитни ҳисобга олган холда кидириув ишлари олиб борилади.

Ахоли яшайдиган майдонни танлашга шу жойнинг об-хавоси, рельефи, тупроги, ер ости суви, сув манбалари ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Ҳар холда ахоли яшайдиган майдонни танлашда, табиий шароити яхши, рельефи иморатларни куриш учун кулай, посёлканинг кўриниши чиройли, сув манбаларига яқин, ахоли яхши яшаши ва ишлаши учун қулай жой

яратилиши лозим. Қишлоқ хўжалигдаги ширкат ва давлат хўжаликлар посёлкаларининг ўрнини аниқлашда ёки мавжуд қишлоқларни қайта куришда иморатлар, иншоотлар қуриладиган майдоннинг рельефи текис бўлиши керак.

## **9. Ер, бино ва иншоотлар хисобининг натижаларини расмийлаштириш.**

Агар қонунда ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уй-жой тўғрисидаги қонун хужжатларининг қоидалари чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари иштироқидаги уй-жой муносабатларига нисбатан қўлланилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига қўйидагилар киради:

уй-жой тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижросини таъминлаш;

уй-жой фондини ва коммунал объектларни бошқаришни ташкил этиш;

ўз тасарруфидаги худудда коммунал хизматларга оид тариф сиёсатини белгиланган тартибда шакллантириш;

уй-жой фондини ҳисобга олиш;

давлат уй-жой фондида тураг жойларни тақсимлаш ва фуқароларга ижара шартномаси шартлари асосида бериш;

давлат уй-жой фондида тураг жойларни улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш учун юридик шахсларга аренда шартномаси шартлари асосида бериш;

уй-жой фондида тураг жойларни улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш учун юридик шахсларга аренда шартномаси шартлари асосида бериш;

аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифалари орасидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш ҳамда уларни аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондида тураг жойларни таъминлаш;

фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифалари орасидан уй-жой қуриш;

уй-жой қурувчиларга уй-жой қуриш учун, шунингдек хусусий уй-жой мулқдорларининг ширкатларига доимий фойдаланишга белгиланган тартибда ер участкалари бериш;

уй-жой фондида хизмат кўрсатувчи коммунал хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси объектларининг лозим даражада сақланиши ҳамда ривожлантирилишини таъминлаш;

давлат уй-жой фондининг тураг жойларини бронлаштириш ва алмаштириш;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Уй-жой фонди – инсон яшashi учун яроқли бўлган тураг жойдан, шу жумладан уйлар, квартиralар, хизмат тураг жойлари, маҳсус уйлардан (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар,

ёлғиз қариялар учун интернат-үйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадлы уйлардан) иборат бўлган фонд.

Уйларда жойлашган савдо, майший ва носаноат йўналишидаги ўзга эҳтиёжларга мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар уй-жой фондига кирмайди.

Фуқаролар ва юридик шахслар қўйидаги йўллар билан турар жойни хусусий мулк қилиб олиш хуқуқига эга:

якка тартибда уй-жой қуриш;

якка тартибда қурувчиларнинг ширкатлари томонидан уй-жой қуриш;

уй-жой облигацияларини олиш;

уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативларида иштирок этиш;

олди-сотди, ҳадя ва айирбошлиш;

умрбод таъминлаш шарти билан уйни (квартирани) бошқа шахсга бериш;

мерос олиш;

қонунда белгиланган тартибда хусусийлаштириш.

Фуқаролар ва юридик шахслар турар жойларни қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга биноан ҳам хусусий мулк қилиб олишлари мумкин.

Хусусий мулкида уйи, квартираси бўлган фуқаролар улардан ўзлари ва оила аъзолари яшashi учун фойдаланадилар. Улар уйига, квартирасига бошқа фуқароларни кўчириб киритишга, шунингдек турар жойларни ушбу Кодексда ҳамда ўзга қонун хужжатларида белгиланган шартларда ва тартибда ижарага бериш шартномаси асосида бошқа фуқароларга яшаш учун беришга ҳақлидирлар. Мулкида уйи, квартираси бўлган фуқаролар улардан бошқа фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаган ҳолда бошқа мақсадларда фойдаланишга ҳақлидирлар.

## **10. Ер, бино ва иншоотларнинг инвентаризациясини ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш.**

Республика бино ва иншоотлар давлат кадастрини яратиш ҳамда юритишида бино ва иншоотлар техник инвентаризацияси ўзининг қўйидаги асосий вазифаларига эга:

бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкаларининг чегараларини, майдонларини ҳамда хуқуқий ҳолатини белгилаш (тиклаш);

битта ер участкасидаги бино ва иншоотлар таркибини аниқлаш ҳамда уларни ҳисобга олиш;

турар жой ва нотурар жойларнинг таркибини, уларнинг сифатини, техник ҳолатини (эскириш даражасини) белгилаш, жорий ўзгаришлари ҳамда қийматини қайд этиш;

ер участкалари, бино ва иншоотларни техник инвентаризациялаш ишларини ташкил қилиш ҳамда инвентаризация материалларига республика фуқаролари томонидан иморат солиш ва кўчмас мулкка эгалик қилиш масалаларини тартибга солиш имконини берувчи жорий ўзгаришларни ўз

вақтида киритиш.

Бино ва иншоотларни техник инвентаризациялаш суғурта ва ўрнини қоплаш тўловларини белгилашда, мулк солиқларини ҳамда ер рентасини ҳисоблашда, олиш-сотиш, айрибошлиш, ҳадя қилиш, мерос қилиб олиш ва бошқа амаллар бўйича нотариал битимларни амалга оширишда асос қилиб қабул қилинади.

Ер участкалари, бино ва иншоотларни инвентаризация қилишда бажариладиган ишларнинг таркиби ҳамда мазмуни уларнинг бажарилиши мақсадлари билан белгиланади.

Шунингдек, қўйилган ҳар қандай мақсадлар учун инвентаризация қилиш чоғида бажарилиши мажбурий бўлган муайян иш турлари ҳам мавжуд, булар – эгалик қилувчини хужжат асосида белгилаш, геометрик параметрларни текшириш, мазкур бино ҳамда иншоотларни ободонлаштиришга мўлжалланган ер участкаларининг чегараларини белгилаш, биноларнинг ҳақиқатдаги техник ҳолатини (шу жумладан зилзилабардошлигини) белгилаш ва ҳ.к.лардан иборат.

#### **Техник инвентаризациялашнинг мақсади ва вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасида бино ва иншоотлар давлат кадастрининг асосий вазифаси бино ҳамда иншоотларнинг жойлашган ери, миқдорий ва сифат жиҳатдан таркиби, техник ҳолати, ободонлик даражаси ҳамда қиймати ва ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариши тўғрисида ахборот олишдан иборатdir.

Бино ва иншоотлар давлат кадастрининг асоси – бино ва иншоотларни техник инвентаризациялаш ҳамда хуқуқ эгаларининг бино ва иншоотларни асрash борасидаги мажбуриятлари тўғрисидаги хужжатларни техник инвентаризациялаш ҳамда рўйхатдан ўтказиш орқали амалга ошириладиган техник ҳисобга олишdir.

Техник инвентаризациялашнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

шахсий ёки узоқ муддатли ижарадаги кўчмас мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини ва таркибини аниқлаш;

кўчмас мулкка бўлган мулк ёки узоқ муддатли ижарага олиш хуқукини тасдиқловчи хуқуқ белгиловчи хужжатларнинг мавжудлигини текшириш;

кўчмас мулкнинг техник ҳолатини белгилаш ва қийматини баҳолаш;

кўчмас мулкка тегишли суғурта хужжатларининг мавжудлигини текшириш.

Кўчмас мулкни (ер участкаларини, бино ва иншоотларни) инвентаризациялаш ишлари қуйидаги умумий ҳолларда амалга оширилади:

ахоли пунктларини иморатлари бор бўлган янги ерларни ажратиб берган ҳолда режалаштириш билан боғлиқ ишларда;

қурилиш обьектларини фойдаланишга топширишда – фойдаланиш учун қабул қилинадиган бино ва иншоотлар барча элементларининг ҳақиқий ҳолати ҳамда барча лойиха параметрларидан четга чиқишилар тўғрисида тўлақонли маълумотлар олиш мақсадида;

кўчмас мулкни бошқариш мақсадида маълумотлар банкини яратишда – худудлар чегараларида барча кўчмас мулк обьектларини: асосий (режавий) ва жорий (сўнгти маълумотларни доим тегишли даражада тутиш мақсадида)

инвентаризациялаш ишлари амалга оширилади;

кўчмас мулкни олишга тайёргарликда – айрим конструкция ва элементларнинг жисмоний эскириши тўғрисида кўчмас мулк объектигининг ҳақиқий техник ҳолати ҳамда қийматини белгилаш имкониятини берувчи объектив маълумотлар олиш мақсадида;

табиий оғатлар, техноген ҳалокатлар ва фалокатлар оқибатларини белгилаш билан боғлиқ текширишларда – тиклаш ишлари лойиҳаларини тузиш учун зиёнлар ҳажмини белгилаш мақсадида айрим бино ҳамда иншоотларнинг ва уларнинг конструктив элементларининг сақланганлиги ёки заарланиш даражаси (зиён) ҳақида муайян маълумотларни олиш учун;

эски бино ва иншоотларни уларнинг ҳақиқий жисмоний экиришини (ишочлилигини) ва юк қўтарувчи конструкцияларнинг техник ҳолатини белгилаш учун режавий текширишларда, уларни реконструкция қилиш, бузуб ташлаш ёки қайта ихтисослаштириш масалаларини ҳал этишда;

барча бино ва иншоотларни уларнинг қурилиш лойиҳалашининг ўзгартирилган (янгитдан киритилган) нормалари талабларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан режавий текширишларда.

Шунингдек, ер участкаларини, бино ва иншоотларни инвентаризациялаш ишлари статистик ҳисобот мақсадларида ҳам ўтказилади.

### **Техник инвентаризациялашнинг предмети**

Куйидагилар техник инвентаризацияланиши (паспортлаштирилиши) лозим:

шахсий ва узоқ муддатли ижарадаги ер участкалари;

шахсий ва узоқ муддатли ижарадаги бино ва иншоотлар.

Шаҳар ва қишлоқ жойлар чегарасига кирувчи барча турар жой ҳамда турар жой бўлмаган бино ва иншоотлар инвентаризация қилиниши керак.

### **Техник инвентаризациялашни ўтказиш муддатлари**

Ер участкаларини ва айрим биноларни, иншоотларни инвентаризациялаш ишлари камида беш йилда бир маротаба 1 январь ҳолати бўйича ўтказилади.

Режавий (асосий) техник инвентаризациялаш натижалари бўйича худудий кадастр хизматларига кўчмас мулк объектларида рўй берган барча хуқуқий ва техник ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилади.

Кўчмас мулк объектлари эгалари (фойдаланувчилари) рўй берган режадан ташқари ўзгаришлар тўғрисида маҳаллий кадастр хизматларини дастлабки маълумотларга тузатишлар киритиш учун 1 ой ичida хабардор қиласидилар.

Янгитдан қурилган (реконструкция қилинган) бино, иншоотларни инвентаризациялаш улар барпо этилган кундан бошлаб 1 ойдан кечиктирмай амалга оширилади.

### **Техник инвентаризациялашни ижро этувчилар**

Ер участкаларини, бино ҳамда иншоотларни техник инвентаризациялаш билан боғлиқ барча ишлар худудий хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматларининг масъул ижрочилари томонидан амалга

оширилади.

Техник инвентаризациялаш натижалари кадастр йиғма жилдларига киритилади.

Паспортлаштириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни вилоят ер түзиш ва қўчмас мулк кадастри хизматлари, зарур ҳолларда “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси билан бирга ҳал қилиш тавсия этилади.

### **Техник инвентаризациялашнинг турлари**

Кўчмас мулкни техник инвентаризациялаш асосий (режавий) ва жорий инвентаризациялашни ўз ичига олади.

Асосий (режавий) инвентаризациялаш – асосий текшириш ишларини амалга оширишдир. Асосий инвентаризациялаш дастлабки, ялпи, бир вақтда ҳисобга олиш ва баҳолашдан иборат (техник, ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан).

Жорий инвентаризациялаш – инвентаризациялаш-баҳолашга оид кейинги ўзгаришларни рўйхатга олишдир.

### **Техник инвентаризациялаш бирлиги**

Техник инвентаризациялаш бирлиги қуйидагилардан иборат: ер участкаси, алоҳида турган асосий бино.

Ҳар бир объект учун техник ҳужжатлар тузилади, улар кадастр йиғма жилдига гуруҳ қилиб киритилади.

Курилиши тугалланган ҳамда фойдаланиш учун қабул қилинган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар кадастр хизматларининг рўйхатдан ўтказиш идораларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

### **Техник инвентаризациялашни ўтказиша ишларни ташкил қилиш ва бажариш тартиби**

Шаҳарлар ва бошқа манзилгоҳларда техник инвентаризациялаш ишларини бажаришда ишларнинг қуйидаги кетма-кетлигига амал қилиш лозим:

ер участкаларининг, биноларнинг рўйхатини тузиш ва рақамларини белгилаш;

инвентаризациялаш объектларига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган, текширишдан олдинги материалларни ўрганиб чиқиш;

ер участкалари, бино ва иншоотларнинг кадастр йиғма жилдларини ўрганиб чиқиш;

текширишни тўла ҳажмда ва белгиланган муддатларда ўтказиш учун зарур бўлган персонал сонини белгилаш;

айрим ҳолларда ишларнинг бажарилиши учун смета тузиш;

текшириладиган ҳудудни тегишли районларга, районларни эса участкаларга бўлиб чиқиш;

ишлаб чиқариш персоналини танлаб олиш ва тайёрлаш (йўриқномалар билан таништириш ҳамда синов ишларини бажариш);

текшириш ва камерал ишлар: натурада ўлчаш, биноларнинг конструктив элементларини таърифлаш ҳамда жисмоний эскириш даражасини аниқлаш, ер участкалари ва биноларнинг абрислари ҳамда планларини, шунингдек уларга экспликацияларни тузиш, биноларни баҳолаш ишларини амалга ошириш;

ижро этувчи томонидан бажарилган ишларни текшириш ва қабул қилиб олиш, техник инвентаризациялаш материалларини кадастр хизмати архивига киритиш.


Техник хужжатларни тузиш иши ҳам қоғоз, ҳам электрон воситаларда бажарилиши керак. Маълумотларнинг ўзаро мос келмаслиги аниқланган тақдирда, қоғоз воситалардаги маълумотлар устунликка эга бўлади.

## **11. Шахар ер хисоби натижаларини тахлил қилишда замонавий геоахборот технологиялари тизимларидан фойдаланиш**

Ер, бино ва иншоотларни хисоб қилиш натижаларидан кадастр маълумотларини электрон (рақамли) шаклда тақдим этиш ArcGIS оиласига мансуб дастурий маҳсулотда рақамли топографик асосда унга атрибутив маълумотлар базасини боғлаган ҳолда ГАТ-лойиха ёки 1:200 000 базавий масштабдаги тематик қатлам кўринишида амалга оширилиши лозим. Рақамли топографик асос ва маълумотлар базасининг техник параметрлари (классификаторлар, шартли белгилар ва бошқалар) “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси билан давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича алоҳида келишувдан ўтказилади.

5.2-схема. Маълумотларини базасини кайта ишлаш схемаси

Шунга мувофиқ олинган натижаларни бошқа мақсадлар амалга ошириш



билин боғлиқ бўлган амалларни кенг куламда амалга ошириладиган ишлар кетма кетлиги блан амалга ошириш талаб этилади .Кадастр обьектига бўлган мулк ҳуқуқини ва бошқа ҳуқуқларни тасдиқловчи хужжатлар, обьектнинг кадастр йифмагилди, кадастр харитаси (плани), кадастр китоби, кадастр обьектларининг ҳолати ҳақидаги ҳисобот кадастр хужжатларининг асосий турларидир.

**Кадастр ийғмажилди** кадастр обьектига бўлган ҳуқуқни шакллантириш, ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўладиган кадастр обьектини кадастр суратига олиш, техник инвентаризация қилиш ва паспортлаштиришнинг, маҳсус текшириш ва изланишларнинг, сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолашнинг хужжатлари, материаллари ва маълумотларидан иборат бўлади.

**Кадастр ҳаритаси (план)** кадастр объектлари жойлашган ерни, уларнинг чегаралари, муҳофаза тегралари, баҳолаш, миқдор ва сифат тавсифларини акс эттирувчи график чизма хужжати бўлиб, у қоғозда, магнит ва бошқа воситаларда тузилади.

**Кадастр китоби** кадастр объектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг асосий хужжати ҳисобланиб, у кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор ҳамда сифат жиҳатдан тавсифлари ва баҳоси ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлади.

**Кадастр объектларининг ҳолати тўғрисидаги ҳисобот** давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича белгиланган тартибда тузилади ҳамда кадастр объектларининг алоҳида худудлар ва бутун Ўзбекистон Республикаси бўйича миқдор ва сифат ҳолати, баҳоси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

## 12. Ер, бино ва иншоотларни инвентаризациялаш, унинг турлари ва ўтказишнинг ўзига хос ҳусусиятлари

Жойда топографик съёмкани бажариш учун нуқталар ўрни уларнинг аҳамияти ваулардан фойдаланиш муддатига қараб доимий ёки вақтинчалик ёғоч ёки металл қозиклар билан маҳкамланади. Жойда чизиқ ўтказиш учун теодалит, пўлат лента, вехадан қуидагича фойдаланилади: текис жойда чизиқ ўтказиш учун нуқталарга тик қилиб вехалар ўрнатилади. Теодалит бошланғич нуқтага ўрнатилади ва кўриш трубасининг визир ўқи йўналишидаги тўғри чизиқ бўйича бирин-кетин вехалар ўрнатилади. Бунда вехалар ўрнига пўлат лента ишлатилса ҳам бўлади.

Тепаликдан чизиқ ўтказишда унинг ёнбағрида танланган нуқталардаги вехалар кўриниб турадиган қўшимча нуқталар ҳам танланади. Бунинг учун уч киши керак бўлади: улардан бири қўшимча нуқтада турди, иккинчиси унинг кўрсатмасига мувофиқ қўшимча чизиқдаги нуқтага, учинчиси эса чизиқ давомидаги нуқтага веха ўрнатади. Жарнинг қарама-қарши қирғоқларидаги вехалар оралиғида тўғри чизиқ ўтказишда ҳам иш шу тахлитда амалга оширилади. Жойда масофа 3 хил усулда - бевосита, воситали ва дальномер ёрдамида ўлчаниши мумкин. Бевосита ўлчаш усулида масофа ўлчаш асбоби билан тўғридан-тўғри ўлчаниб, унинг узунлиги аниқланади. Масофани бу усулда ўлчаш учун пўлат тасма, рулетка ва инвар симдан фойдаланилади (инвар симлар 64 фоиз темир ва 36 фоиз никель қотишимасидан ясалади). Пўлатдан ясалган ўлчов асбоблари ёрдамида масофа 1:1000 - 1:25000 аниқликда, инвар симдан ясалган асбоблар ёрдамида 1:25000 - 1:100000 аниқликда ўлчанади. Масофани ўлчаш асбоби ёрдамида тўғридан-тўғри ўлчамасдан, балки бирор бошқа ўлчаш натижаларидан фойдаланган ҳолда математик ифодалар ёрдамида унинг узунлигини ҳисоблаб аниқлашга воситали ўлчаш дейилади. Учбурчакнинг учта бурчаги ва битта томонини ўлчаш натижаларидан фойдаланиб, қолган икки томонини синуслар теоремаси асосида аниқлашни бунга мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

географик ахборот тизими (геоахборот тизими) — географик объектлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш,

моделлаштириш ва акс эттириш, шунингдек рақамли картографик, ўхшаш ва матнли ахборотдан фойдаланган ҳолда умумдавлат (тармоқлараро) ёки тармоқ аҳамиятига молик ахборот ва ҳисоб-китоб вазифаларини ҳал этиш учун мўлжалланган автоматлаштирилган тизим;

геофазовий объект — Ерда муайян жойлашган жойи билан тавсифланадиган ва фазовий-вақт координаталарнинг белгиланган тизимида аниқланган реал дунё объекти;

худудларнинг давлат кадастри геопортали — худудлар давлат кадастрининг ахборот ресурслари тўғрисидаги метамаълумотлар сақланадиган ва улардан ҳамда

Интернет тармоғидаги худудлар давлат кадастрининг ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминлайдиган геофазовий маълумотларнинг интернет-воситалари ва сервислари мажмуи;

геофазовий маълумотлар — жойдаги объектларнинг жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, электрон график ва/ёки матнли шаклда ҳамда координаталар тизимларида тақдим этилган ахборот;

худудларнинг давлат кадастри — муайян худуднинг табиий-ресурс ва хўжалик салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва экологик ҳолати тўғрисидаги худудий- ташкилий геофазовий маълумотларни ўз ичига олган геоахборот тизими. Худудларнинг давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг (ДКЯТ) таркибий қисми ҳисобланади;

геодезик координаталар, баландликлар, гравиметрик ўлчовлар давлат тизимлари — натижалари умумдавлат (тармоқлараро) аҳамиятига молик геодезия ва картография ишларини бажаришда қўллаш учун Ўзбекистон Республикаси худудида белгиланган геодезик координаталар, баландликлар, гравиметрик ўлчовлар тизимлари;

Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ) — давлат кадастрларининг барча турларини бирлаштирувчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва унинг айrim худудларининг табиий-иқтисодий салоҳияти ягона умумдавлат ҳисоб-китоби юритилишини, баҳоланишини таъминлаш учун мўлжалланган кўп мақсадли ахборот тизими;

худудлар давлат кадастри тизимининг ахборот ресурслари — худуд ягона рақамли картографик асосининг геофазовий маълумотлар базаси, манзиллар, кўчалар, маҳаллалар ва бошқа номланган объектлар реестрлари, ер кадастри ва бошқа давлат кадастрларига оид геофазовий маълумотларнинг профиль тўплами, шаҳарсозлик ва ер тузиш нормалари ва регламентлари, қонун хужжатларига мувофиқ ҳудудлар давлат кадастри тизимида рўйхатга ва ҳисобга олиниши лозим бўлган бошқа хужжатлар;

маҳаллий координаталар тизими — давлат ҳудудининг чекланган қисмига нисбатан белгиланадиган координаталарнинг шартли тизими, унинг координаталар саноқ боши ва координаталар ўқлари йўналиши давлат геодезик координаталар тизимининг координаталар саноқ боши ва координаталар ўқлари йўналишига нисбатан сурилган бўлади;

метамаълумотлар — маълумотларнинг бир қисми охирги марта янгиланганда фойдаланувчиларга хабар қилинадиган маълумотлар

базасининг ахборот билан тўлганлигини таърифловчи ахборот; метамаълумотлар таркибига: материаллар ва маълумотларнинг сифати ва келиб чиқиши; фазовий-вақт тавсифлари; маълумотларни олиш усуслари ва уларни янгилашнинг даврийлиги; сертификация, интеллектуал мулк ва тарқатишга бўлган чекловлар тўғрисидаги ахборот киритилади;

ахборот тизимлари сервислари — дастурий-техник воситалар, улар ёрдамидахудудлар давлат кадастри маълумотлари фойдаланиш учун тақдим этилади ва уларни қайта ишлаш операциялари амалга оширилади.

# **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

1. Давлат ер кадастри тўғрисидаги норматив ҳукуқий хужжатлар мазмуни ва моҳияти
2. Ноқишлоқ хўжалик корхоналари ерларини рўйхатга олиш ва хужжатарини расмийлаштириш
3. Сугориладиган худудларда туман ер балансини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри худудий хизмати бошлигининг ҳукуқ ва мажбуриятлари
5. Вилоят ва республикада юритиладиган ер кадастрининг мазмуни ва вазифалари. Вилоятда ер кадастрига оид ишларни ташкил этиш
6. Республикада ер кадастри ишларини ташкил этиш. Республика ягона ер фондидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш
7. Вилоятда ер балансини тузиш ва тасдиқлаш. Вилоятда еарни баҳолаш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш
8. Республикада ер балансини тузиш ва тасдиқлаш. Республика бўйича ер ресурсларининг холати тўғрисидаги Миллий хисоботни тузиш
9. Чет мамлакатларда юритилаётган ер кадастри тажрибалари.
10. Давлат ер кадастрини юритишда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ўзга хос хусусиятлари
11. Давлат ер кадастрини юритишда аҳоли пунктлари ерларнинг ўзга хос хусусиятлари
12. Давлат ер кадастрини юритишда саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг ўзга хос хусусиятлари

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

# ГЛОССАРИЙ

**Аҳоли жойлашуви** — маълум бир худудда шаҳарлар жойларининг жойлашуви.

**Бош режа** — объект режасининг асосий чизмаси бўлиб, лойиҳачининг фикрларини ифодалайди ва ишчи лойиҳа учун асос хисобланилади.

**Кўкаламзорлаштириш** — ландшафтни қайта тиклаш, қишлоқ жойларида, саноат муассасалари атрофида ўрмон ҳимоя чизиқларини яратиш, кўча ва магистраллар бўйлаб, турар-жой ва кичик туман чегараларида, боғ ва паркларда экинлар экиш бўйича муҳандислик ва агротехник тадбирлар йиғиндиси.

**Саноат ҳудуди** — саноат корхоналари, уларнинг транспорт ва омбор хўжаликлари, ёрдамчи иншоотлар ва муассасалар билан банд бўлган ҳудуд.

**Тумани режалаштириш** — иқтисодий ёки маъмурий тумани комплекс ҳудудий-хўжалик тузилишини лойиҳалаш ва унинг халқ хўжалиги тармоқларини, шаҳарлар ва қишлоқларни оптимал жойлашувини ҳамда аҳоли меҳнати ва «Жаин олиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришни таъминловчи тархий таркибин шакллантириш.

**Табиий ландшафт** — асосий ландшафт компонентлари - ер юзи, ҳаво, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзаро уйғун ва ўзаро боғлиқ бўлган бирликни ташкил этган ҳудудий мажмуа, фазовий муҳитдир. Табиий ландшафт ривожланишида инсон қўли тегмаган.

**Кўкаламзорлаштириш** — ландшафтни қайта тиклаш, қишлоқ жойларида, саноат муассасалари атрофида ўрмон ҳимоя чизиқларини яратиш, кўча ва магистраллар бўйлаб, турар-жой ва кичик туман чегараларида, боғ ва паркларда экинлар экиш бўйича муҳандислик ва агротехник тадбирлар йиғиндиси.

**Гидрогеологик шарт-шароитлар** — ер ости сувларининг сув элтувчи горизонтлари, уларнинг тарқалиши, чуқурлиги, сувга тўйинганлиги, кимёвий таркиб ва агрессивлиги каби тавсифлари мажмуйи.

**Аҳоли яшаш жойларининг гуруҳли тизими (АГТ)** — аҳоли яшаш жойлари гуруҳини ташкил этади. Бир-бирлари билан ривожланган коммуникация тури ва турғун функционал алоқалар билан боғланган.

**Аҳоли яшаш жойларининг регионал тизими (АРТ)** — аҳоли яшаш жойлари бир-бирларидан узоқ жойлашган, улар ўртасидаги коммуникациялар ривожланмаган функционал алоқалар кучсиз ва турғун эмас.

**Аҳоли яшайдиган қисм** — турар-жой туманлари ва кичик туманлари **ҳитмилн** маданий-маиший хизмат кўрсатиши

**Тумани режалаштириш** — иқтисодий ёки маъмурий тумани комплекс ҳудудий-хўжалик тузилишини лойиҳалаш ва унинг халқ хўжалиги тармоқларини, шаҳарлар ва қишлоқларни оптимал жойлашувини ҳамда аҳоли меҳнати ва «Жаин олиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бориши таъминловчи тархий таркибин шакллантириш.

**Табиий ландшафт** — асосий ландшафт компонентлари - ер юзи, ҳаво, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзаро уйғун ва ўзаро боғлиқ бўлган бирликни ташкил этган ҳудудий мажмуа, фазовий муҳитдир. Табиий ландшафт ривожланишида инсон қўли тегмаган.

**Кўкаlamзорлаштириш** — ландшафтни қайта тиклаш, қишлоқ жойларида, саноат муассасалари атрофида ўрмон ҳимоя чизикларини яратиш, кўча ва магистраллар бўйлаб, турар-жой ва кичик туман чегараларида, боф ва паркларда экинлар экиш бўйича муҳандислик ва агротехник тадбирлар йиғиндиси.

**Шаҳар бош тарҳи** — шаҳарнинг келажак меъморий-композицион, функционал-маконий, транспорт муҳандислик ривожланишини белгилаб берувчи лойиҳавий ҳужжат.

**Маятникли миграция** — аҳолининг уйидан иш жойига, маданий-маиший хизмат муассасаларига, дам олиш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш учун бориб келиши.

**Шаҳар бош тарҳи** — шаҳарнинг келажак меъморий-композицион, функционал-маконий, транспорт муҳандислик ривожланишини белгилаб берувчи лойиҳавий ҳужжат.

**Демографияда аҳоли** ер шаридаги ёки маълум бир ҳудудда —қитъа, давлат, ва х.к.да яшовчи одамлар [инсоният] жамланмасидир.

**Аҳоли жойлашуви** — маълум бир ҳудудда шаҳарлар жойларининг жойлашуви.

**Шаҳар бош тарҳи** — шаҳарнинг келажак меъморий-композицион, функционал-маконий, транспорт муҳандислик ривожланишини белгилаб берувчи лойиҳавий ҳужжат.

**Кичик шаҳарлар-** асосан пиёда ҳаракати орқали боғланган шаҳарлар.

**Кўп функцияли шаҳарлар** — маъмурий-хўжалик, маданий ва иқтисодий функцияларни ўзида мувофиқлаштирувчи ҳамда ривожланган саноат ва транспортга эга шаҳарлар.

**Шаҳарнинг функционал тузилмаси (ёки шаҳарнинг функционал жиҳатдан тузилиши)** — бу саноат, турар-жой, коммунал, транспорт ва бошқа функционал ҳудудларнинг жойлашишини ва уларнинг ўзаро алоқасини акс эттирувчи тузилимадир.

**Типология** — бу умумлаштиришнинг юқори даражаси бўлиб, шаҳарларни ҳар томонлама тўла тавсифлаш ва шу асосда уларнинг ривожланиш стратегиясини белгилашдир.

**Кичик шаҳарлар** — асосан пиёда ҳаракати орқали боғланган шаҳарлар.

**Кўп функцияли шаҳарлар** — маъмурий-хўжалик, маданий ва иқтисодий функцияларни ўзида мувофиқлаштирувчи ҳамда ривожланган саноат ва транспортга эга шаҳар.

**Радиация** — нур таратиш (лотинча рудиаре - нурлар таратиш).

**Инсолация** — бу инсон организмига иссиқлик, ёруғлик ва биофизик таъсир кўрсатувчи ер юзининг тўғридан-тўғри нурланишидир.

**Инсолация** — бу инсон организмига иссиқлик, ёруғлик ва биофизик таъсир кўрсатувчи ер юзининг тўғридан-тўғри нурланишидир.

**Микроиқлим** — бир жойда чегараланган доирада юз берувчи иқлиний ҳодиса (шахар, шаҳарнинг бир қисми); катта бўлмаган худуд ёки худуднинг бир қисми иқлиний шароитлари мажмуаси.

**Микрорелеф** — парк, боғ ландшафтида мезорелеф деталлари ҳисобланиб, қатlam бўлмаган 1 — 1.5 м майдонни сақловчи рельефнинг майда элементларидир. Масалан, тиргак девор билан безатилган баланд-пастлик, қиятепалик шаклидаги гул клумбаси рельефи, сойлик рельефт ва ҳ.к.

**Радиал схема** — қадимий шаҳарларнинг марказий қисмлари типик тармоғи.

**Кўндаланг кесим** — бу кўчани кўндаланг кесишдан ҳосил бўлади.

**Тезкор кўчалар** — транспорт оқимларининг энг интенсив йўналиши бўйлаб, марказий худудга уринма қилиб қурилади.

**Туарар-жой кўчалари** — кичик туман ҳамда туарар-жой кварталларини магистрал кўчалар билан транспорт ва пиёдалар алоқалари бўйича боғлайди.

**Йўлаклар** - кичик туманнинг ички қисмида алоҳида биноларга бориш учун ишлатилади.

**Пиёда йўллар** — шаҳар кўчаларида, асосан, пиёдалар юрадиган йўллар бўлиб, савдо, томоша ва овқатланиш муассасаларига олиб боради.

**Шаҳарнинг функционал тузилмаси (ёки шаҳарнинг функционал жиҳатдан тузилиши)** — бу саноат, туарар-жой, коммунал, транспорт ва бошқа функционал худудларнинг жойлашишини ва уларнинг ўзаро алоқасини акс эттирувчи лузилинадир.

**Саноат ҳудуди** — саноат корхоналари, уларнинг транспорт ва омбор хўжаликлари, ёрдамчи иншоотлар ва муассасалар билан банд бўлган худуд.

**Шаҳар тизими** — бу ягона шаҳар, яъни шаҳар ёки шаҳарлар гурухи сифатида функцияллашган худудий-ҳажмий тизим (шаҳар, агломерация, жойлаштиришнинг гуруҳли тизими).

**Махалла** — кичик шаҳарсозлик бўлинмалари.

**Бош режа** — обьект рсжасининг асосий чизмаси бўлиб, лойиҳачининг фикрларини ифодалайди ва ишчи лойиха учун асос ҳисобланилади.

**Шаҳар бош тарҳи** — шаҳарнинг келажак меъморий-композицион, функционал-маконий, транспорт мухандислик ривожланишини белгилаб берувчи лойиҳавий ҳужжат.

**Коммуникацион йўлаклар** — (полимагистраллар) ҳар хил турдаги у ёки бу йўналишдаги магистралларнинг (темир йўллар, автомобил йўллари, қувур ўтказгичлар

ҳамда энергия узатиш ва алоқа каналлари линиялари) мос тушиши. Бундай коридорлар полосасининг эни бир неча юз метрдан бир неча километргача бўлиши мумкин.

**Кўкаламзорлаштириш меъёри** — шаҳарнинг битта ахолисига тўғри келадиган кўкаламзорлаштирилган майдонни ифодаловчи кўрсаткич (м.кв. да).

**Шаҳар ландшафти** — шаҳар худудидаги табиий (релеф, ўсимликлар, сув ҳавзаси) ва антропоген (муҳандислик иншоотлари, бинолар, йўллар) омилларнинг ҳосиласи.

**Шаҳарни кўкаламзорлаштириш схемаси** — бу шаҳар бош режаси асосида ландшафт архитектураси обьектлари жойлашишининг принципиал характери уларнинг бажарадиган вазифасига боғлиқ равишда акс эттирувчи чизмадир.

**Қизил чизик** — кўча, парк, майдон, магистрал билан қурилмаларни ажратиб турувчи, чегараловчи чизик.

**Туарар-жой тумани** - бир нечта кичик туарар-жой туманидан иборат шаҳар аҳоли яшайдиган қисми таркибининг асосий цементи.

**Туманни режалаштириш** — иқтисодий ёки маъмурий туманни комплекс шаҳарсозлик-хўжалик тузилишини лойиҳалаш билан шуғулланувчи шаҳарсозликнинг тармоғи.

**Туарар-жой кичик тумани** — шаҳар аҳоли яшайдиган қисми тархий таркибининг бирламчи элементи бўлиб, бунда аҳоли уй-жой ва кундалик хизмат кўрсатиш муассасаларига пиёда яшаш даражаси таъминланади.

**Туманни режалаштириш** — иқтисодий ёки маъмурий туманни комплекс ҳудудий-хўжалик тузилишини лойиҳалаш ва унинг халқ хўжалиги тармоқларини, шаҳарлар ва қишлоқларни оптимал жойлашувини ҳамда аҳоли меҳнати ва «Жайни олиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришни таъминловчи тархий таркибин шакллантириш.

**Туарар-жой тумани** — бир нечта кичик туарар-жой туманидан иборат шаҳар аҳоли яшайдиган қисми таркибининг асосий слемсити.

**Туарар-жой кичик тумани** — шаҳар аҳоли яшайдиган қисми тархий (аркибининг бирламчи элемсити бўлиб, бунда аҳоли уй-жой ва лўундалик хизмат кўрсатиш муассасаларига пиёда етиш даражаси таъминланади.

**Қурилиш чизиги** — қурилаётган ҳудуднинг чегарасини белгилайди

**Кўкаламзорлаштириш** — ландшафтни қайта тиклаш, қишлоқ жойларида, саноат муассасалари атрофида ўрмон ҳимоя чизиқларини яратиш, кўча ва магистраллар бўйлаб, туарар-жой ва кичик туман чегараларида, боғ ва паркларда экинлар экиш бўйича муҳандислик ва агротехник тадбирлар йиғиндиси.

**Масштаблилик** — бу шаклларнинг йириклик даражасини инсон ўлчамига мутаносиблиқда нисбатлашдир.

**Ритм** — турар-жой туманлари маркази ва жамоат жойлари меъморий-маконий композициясида маконнинг йўналиши динамикасини ва ўлчамларини билдирадиган восита сифатида қўлланилади.

**Метр** — ритмнинг энг оддий шакли. М. Гинзбург, ритм — шаклларнинг маконий тақсимланишига раҳбарлик қиладиган ва у ёки бу гурухларни ташкил этадиган, бир жойда йигадиган ва зичлаштирадиган, бошқа жойда камайтирадиган, юқорига кўтариладиган ва пастга тушадиган асосий куч, қонуниятларнинг комплексидир, деб айтган сди.

**Нюансфарқлар** — деталлар ўзгаришида қўринади. Контраст фарқлардан фарқли ўлароқ, аниқ билинадиган меъморий мавзуга эга эмас.

**Замонавий қишлоқ** — ҳунармандчилик, турар-жой ва ишлаб чиқариш худудларининг функционал яхлит мажмуаси.

**Марказ** — аҳоли яшаш ҳудуди таркибиға киради. Туманнинг маъмурий маркази ҳисобланган қишлоқларда марказ алоҳида ҳудудий бўлинма сифатида намоён бўлиши мумкин.

**Аҳоли яшайдиган қисм** — турар-жой туманлари ва кичик туманлари ҳитмилн маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари билан банд бўлган ҳудмл

**Маҳалла** — кичик шаҳарсозлик бўлинмалари.

**Урбанизация** — ишлаб чиқариш кучлари ҳамда ижтимоий нуилоқот шаклларининг ривожланиши ва концентралланиши, шаҳар ҳаёт тарзининг барча аҳоли жойларига ёйилиши билан боғлиқ бўлган кўп қиррали, улкан ижтимоий-иқтисодий жараён; жамият ривожланишида шаҳар аҳамиятининг ортиб бориш жараёни.

**Урбанизациянинг белгилари** — шаҳарларда индустряниянг ўсиши, уЛиминг маданий ва сиёсий функцияларининг ривожланиши, меҳнат ҳудудий бўлинишининг чукурлашуви. Урбанизация белгиларидан яна бири - бу қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга оқиб келиши, йирик шаҳарларга унинг атрофдаги қишлоқлардан ва кичик шаҳарлардан аҳолининг маятниксимон ҳаракатининг кучайиши.

**Сохта урбанизация** — шаҳар орбитасига қишлоқ мигрантларининг секин-аста тортилиши, кўпгина ривожланаётган мамлакатлар шаҳарлари атрофларида шаклланган кенг «қашшоқлик майдонларида» олдинги тарзининг узоқ сақланиши.

**Тисланувчи урбанизация** — биринчи қарашда кутилмаган жараён. Масалан, АҚШда сўнгги тадқиқотларнинг кўрсатишича, шаҳар аҳолиси салмоғининг бироз камайиши сезилган.

**Аҳоли жойлашуви** - маълум бир ҳудудда шаҳарлар жойларининг жойлашуви

**Шаҳар агломеи атсияси** — шаҳарлар ва аҳоли жойларининг марказий шаҳар атрофидаги тартибсиз тўплами.








**Шаҳар бош тарҳи** — шаҳарнинг келажак меъморий-композицион, функционал-маконий, транспорт мухандислик ривожланишини белгилаб берувчи лойиҳавий ҳужжат.


**Шаҳар ландшафти** — шаҳар ҳудудидаги табиий (релеф, ўсимликлар, сув ҳавзаси) ва антропоген (мухандислик иншоотлари, бинолар, йўллар) омилларнинг ҳосиласи.


**ФАН ДАСТУРИ**




## **ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР**





a) 


b) 

c) 


d) 









23-расм. Оддий томорқали кварталлар.





## Томорқа учаткаларининг шакллари



# **ТЕСТЛАР**

<b>Кийинлик даражаси</b>	<b>Тест саволлари</b>	<b>Тўғри жавоб</b>	<b>Муқобил жавоб</b>	<b>Муқобил жавоб</b>	<b>Муқобил жавоб</b>
1	<b>Ўзбекистон Республикасида эрга бўлган мулкчилик муносабати қандай ташкил этилган?</b>	Ер умум миллий бойлиқдир	Ер халқ мулкидир	Ер давлат мулкидир	Ер махаллий давлат органларининг мулкидир
1	<b>Ўзбекистон Республикасининг эр тўғрисидаги асосий қонун ҳужжати қайси хужжатдан иборат</b>	Ўзбекистон Республикаси нинг эр кодекси	Ўзбекистон Республикаси нинг Фуқоралик кодекси	Ўзбекистон Республикаси нинг Конститутсияс и	Ўзбекистон Республикаси нинг Шаҳарсозлик кодекси
2	<b>Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг эр тўғрисидаги қонун хужжатларидаидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, қайси ҳужжати қоидалари қўлланилади?</b>	Ҳалқаро шартнома қоидалари	Ўзбекистон Республикаси нинг эр тўғрисидаги қонун Хужжатларин инг қоидалари	Ҳалқаро шартнома тузган давлат эр тўғрисидаги қонун Хужжатларин инг қоидалари	Бирлашган миллатлар ташкilotининг (БМТ) эр тўғрисидаги қонун Хужжатларининг қоидалари
2	<b>Ўзбекистон Республикасининг эр кодекси нечта боб ва нечта моддадан иборат</b>	14 та боб, 91 та моддадан иборат	12 та боб, 91 та моддадан иборат	15 та боб 98 моддадан иборат	13 та боб 87 моддадан иборат
1	<b>Ўзбекистон Республикасида эр муносабатларини тартибга солиш қайси давлат бошқаруви органи томонидан</b>	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан	Давлат Ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан.	Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкад астр” давлат қўмитаси	Хар учаласи томонидан хам

	<b>амалга оширилади</b>			томонидан.	
2	<b>Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш қайси давлат бошқаруви органи ваколатига киради?</b>	Ўзбекистон Республикаси эр ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасин инг	Давлат Ҳокимияти маҳаллий органларнинг	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
3	<b>Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг эрга эгалик қилиши ва эрдан фойдаланиши масалалари қайси давлат бошқаруви органи томонидан кўриб чиқиласди?</b>	Туманлар давлат Ҳокимияти органлари томонидан.	Вилоятлар давлат Ҳокимияти органлари томонидан.	Шаҳарлар давлат Ҳокимияти органлари томонидан	Қишлоқ фуқоралари йиғини томонидан
1	<b>Ер участкаларининг таркибида ва эр участкаларидан фойдаланишда юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар қайси давлат органи томонидан йиғиласди?</b>	Ўзбекистон Республикаси эр ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг жойлардаги органлари	Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ Қўмитасининг жойлардаги органлари.	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг жойлардаги органлари.	Давлат Ҳокимияти маҳаллий органлари.
1	<b>Кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган эрлар қайси</b>	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа	Аҳоли пунктларини нг эрлари	Тарихий-маданий аҳамиятга молик эрлар	Сув фонди эрлари.

	<b>эр тоифасига киради?</b>	мақсадларга мүлжалланган эрлар.			
1	<b>Қайси эрлар қишлоқ хұжалигига мүлжалланган эрлар деб хисобланади ?</b>	Қишлоқ хұжалиги әхтиёжлари учун бериб қүйилған ёки ана шу мақсадлар учун белгиланған эрлар Қишлоқ хұжалигига мүлжалланған эрлар	Қишлоқ хұжалигига мүлжалланған эрлар Қишлоқ хұжалигини юритиш учун зарур бўлған Қишлоқ хұжалиги эрлари	Ҳайдаладига н эрлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ эрлар, кўп йиллик довдараҳтлар эгаллаган эрлар Қишлоқ хұжалиги эрлари	Қишлоқ хұжалигига мүлжалланған эрлар аҳоли эрлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мүлжалланған эрлар
2	<b>Мудофаа мақсадларга мүлжалланған эрлар қайси эр фонди тоифасига киради ?</b>	Саноат, транспорт, алоқа, ва бошқа мақсадларга мүлжалланған эрлар	Аҳоли пунктлари эрлари	Захира эрлар	Сув фонди эрлари
1	<b>Ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат эр кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми бу нима ?</b>	Ер участкаси	Шаҳар Ҳудуди	Туман Ҳудуди	Томорқа учун ажратилған эр.
2	<b>Хўжаликларо эр тузиш лойиҳаси ким томонидан тасдиқланади</b>	Вилоят Ҳокими томонидан	Туман Ҳокими томонидан	Ер лойиҳалаш институти томонидан	Ер тузиш хизмати томонидан
1	<b>Жойларда давлат эр кадастри қайси давлат органи томонидан юритилади</b>	Туман (шаҳар) эр ресурслари ва давлат кадастр хизматлари	Вилоят эр ресурслари ва давлат кадастр хизматлари	Ўздаверлойи ҳа институтининг жойлардаги филиаллари	Туман (шаҳар) Ҳокимликлари томонидан

		томонидан	томонидан	томонидан	
3	<b>Алоҳида муҳофаза этиладиган худудларнинг эрлари қайси эр тоифасига киради?</b>	Аҳоли пунктларининг эрларига.	Захира эрларга	Сув фонди эрларига	Саноат, транспорт, алоқа, ва бошқа мақсадларга мўлжалланган эрлар
2	<b>Ер участкаси деб эр фондининг қайси қисмiga айтилади?</b>	Ер фондининг Қайд этилган чегарасига, майдонига, жойлашиш манзилига, Ҳуқуқий режимга Ҳамда давлат эр кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган Қисмiga айтилади	Ер фондининг Қайд этилган чегараси планларда Ҳайд этилган ва жойнинг ўзида белгиланган , Ҳуқуқий режимга эга Қисмiga айтилади.	Ер фондининг жойнинг ўзида чегараси белгиланган ва давлат эр кадастрида акс этирилган Қисмiga айтилади	Ер фондининг шаҳарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва Қоидаларни бузмаган Ҳолда бўлинадиган Қисмiga айтилади.
1	<b>Юридик ва жисмоний шахслар қайси ҳуқуқ турлари бўйича эр участкаларига эга бўлишлари мумкин?</b>	Доимий эгалик қилиш, доимий, муддатли фойдаланиш, ижарага олиш, мулк Ҳуқуқи асосида	Доимий эгалик қилиш, доимий, муддатли фойдаланиш, ижарага олиш, оператив бошқариш асосида.	Мерос қилиб қолдириш, доимий, муддатли фойдаланиш, ижарага олиш, мулк Ҳуқуқи асосида.	Ҳар учаласи хам тўғри.
3	<b>Юридик ва жисмоний шахсларнинг эр участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қачон</b>	Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси	Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси	Давлат тасарруфида бўлган объектларнин	Икки ва ундан ортиқ давлат корхоналари бирлашганда.

	<b>вужудга келади?</b>	объектлари хусусийлаштирилганда	объектлари ауксионда сотиб олинганда	г оператив бошқариш Ҳуқуқини қўлга киритганда.	
3	<b>Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг эр участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қачон вужудга келади?</b>	Бинолар жойлашган эр участкалари билан бирга реализатсия қилинганда.	Ер участкасига бино ва иншоотлар қурганда	Ер участкаларин ижарага олганда.	Бино ва иншоотлар сотиб олинганда.
2	<b>Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қайси давлат ҳужжати билан тасдиқланади?</b>	Давлат ордери билан	Гувоҳнома билан.	Қарор билан.	Шарнома билан
1	<b>Ер участкасидан қисқа муддатли фойдаланиш муддатини қанчага узайтирилиши мумкин?</b>	Уч йилгача.	Бир йилгача.	Беш йилгача	Узайтириб бўлмайди.
3	<b>Биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган эр участкаларига қайси эр участкалари киради?</b>	Алоҳида эр участкаларига бўлишнинг имконияти бўлмага эр участкалари	Бино ва иншоотлар атрофида бўш ётган эр участкалари	Бино ва иншоотлар қуриш имконияти бўлмага эр участкалари	Парклар, истироҳат боғларига тегишли бўлган эр участкалари
1	<b>Ўзганинг эр участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи бу қандай ҳукуқ?</b>	Сервитут ҳуқуқи	Чеклав ҳуқуқи.	Тақиқ ҳуқуқи.	Маълум муддатга фойдаланиш ҳуқуқи
3	<b>Ўзбекистон Республикаси “Давлат эр кадастри тўғрисида” конунида</b>	26	19	98	20

	<b>нечта модда бор?</b>				
1	<b>Ахоли пунктларининг чегараларини белгилаш қайси хужжатларга асосан амалга оширилади?</b>	Тасдиқланган бош режалари ҳамда шаҳар, посёлка чизиғи лойиҳалари, шунингдек тегишли эр тузиш Ҳужжатлари асосида.	Тасдиқланган шаҳар, посёлка бош режалари асосида.	Тасдиқланган эр тузиш Ҳужжатлари асосида.	Тасдиқланган лойиҳа асосида
2	<b>Юридик ва жисмоний шахсларга эр участкалари бериш неча босқичда амалга оширилади?</b>	Икки босқичда	Бир босқичда.	Уч босқичда	Тўрт босқичда
1	<b>Юридик ва жисмоний шахсларга эр участкалари беришда эр участкасини жойлаштириш, объектни лойиҳалаштириш учун эр участкаси танлаш материалларини расмийлаштириш, уларни манфаатдор ташкилотлар билан келишиш ва эр участкаси танлашни тегишли давлат ҳокимияти органи қарори билан тасдиқлаш қайси босқичга киради?</b>	Бир босқичга.	Икки босқичга.	Уч босқичда	Тўрт босқичда
3	<b>Егаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган эр участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) қандай тартибда</b>	Ер участкаси белгиланган тартибда давлат ва жамият эҳтиёжи учун олиб	Ер участкасидан фойдаланиш муддати тугагандан кейин	Ер участкаси берилган мақсадига кўра фойдаланилм агандан	Ер участкасига тақиқ ва чеклавлар ўрнатилгандан кейин

	<b>амалга оширилади?</b>	Қўйилганидан кейин		кейин.	
1	<b>Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага бериш (реализатсия қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хузурида ҳокимлар бошчилигидаги доимий ишлайдиган комиссиялар таркибиغا қайси давлат органларининг вакиллари киритилади?</b>	Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати, табиатни муҳофаза Қилиш, архитектура, санитария-епидемиолог я хизмати органлари, фуқаролар йиғинларининг вакиллари.	Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати, табиатни муҳофаза Қилиш, архитектура, санитария-епидемиолог я хизмати органлари, ички ишлар органлари вакиллари.	Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, архитектура, санитария-епидемиолог я хизмати органлари, ички ишлар органлари вакиллари.	Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати, табиатни муҳофаза Қилиш, архитектура, сантехназорат хизмати органлари, фуқаролар йиғинларининг вакиллари.
2	<b>Деҳқон хўжалигига эр участкаси қайси ҳуқуқ тури бўйича берилади?</b>	Ижара ҳуқуқи	Доимий эгалик Қилиш Ҳуқуқи	Доимий фойдаланиш Ҳуқуқи.	Мерос қилиб қолдирадиган умрбод эгалик Қилиш Ҳуқуқи
1	<b>Чет эл инвеститсиялари иштирокидаги корхоналарга, ҳалқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга қайси давлат органи томонидан эр участкаси ижарага берилади?</b>	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан	Ўзбекистон Республикаси эр ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат Қўмитаси томонидан.	Вилоят давлат Ҳокмияти томонидан.	Туман (шаҳар) давлат Ҳокмияти томонидан.
1	<b>Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуки кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкини?</b>	Ижара шартномасида назарда тутилган Ҳоллардагина	Ижарага берувчининг розилиги билан	Кредит берувчи банкнинг розилиги билан	Туман (шаҳар) давлат Ҳокмияти Қарорига асосан мумкин

		мумкин.	мумкин.	мумкин	
2	<b>Ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш мүмкінми?</b>	Тарафларнинг келишуви асосан мүмкін	Туман (шаҳар) давлат Ҳокмияти Қарорига асосан мүмкін.	Ижарага берувчининг қарорига асосан мүмкін.	Ижарачининг қарорига асосан мүмкін.
2	<b>Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ўтказиладиган танловга қайси эрлар қўйилади?</b>	Иморатлар бузилиши муносабати билан бўшаб қолган эрлар	Аҳоли пунктлари чегараси Ҳудудида жойлашган эрлар	Қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган эрлар.	Корхона ва ташкилотлар фойдаланмаётгани эрлар
2	<b>Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ўтказиладиган танловга кимлар қатнашиши мүмкін?</b>	Талабгорлар	Фермерлар.	Тадбиркорлар.	Фукоралар.
3	<b>Ер участкаси танлав асосида узоқ муддатли ижарага берилганда эр участкасига бўлган хукуқнинг минимал қиймати қанча миқдорда белгиланади?</b>	Белгиланган эр солиғи йиллик ставкасининг 75 фоизи миқдорида	Белгиланган эр солиғи йиллик ставкасининг 100 фоизи миқдорида	Белгиланган эр солиғи йиллик ставкасининг 50 фоизи миқдорида.	Белгиланган эр солиғи йиллик ставкасининг 30 фоизи миқдорида
3	<b>Суғориладиган ҳайдов эрларида, боғларда, токзорлар, тутзорлар, мевазорлар, тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган пичанзорлар ва яйловларда, ўрмон ўсимлеклари билан қопланган эрларда, шунингдек алоҳида муҳофаза этиладиган</b>	Вилоят Ҳокими.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги органлари	Қидирув ишларини амалга ошириш учун маъсул органлар	Туман Ҳокими

	<b>Худудларнинг эрларида Қидирув ишларини амалга ошириш учун қайси давлат органидан рухсатнома олиниши керак?</b>				
3	<b>Ер участкалари Қидирув ишларини ўтказиш муддат Қанча вақтгача узайтирилиши мүмкун?</b>	1 йилгача.	1 ойгача	3 ойгача	6 ойгача
3	<b>Жисмоний ва юридик шахслар томонидан эр участкасини сақлаш вазифасига оид мажбуриятлар бажарилган тақдирда улар бино ва иншоотларни белгиланган тартибда Қуриш, бузиш ёки реконструкция Қилишга ҳақлими?</b>	Ҳақли	Ҳақи йўқ	Бундай ҳуқуқ кўзда тутилмаган	Жисмоний ва юридик шахсларга эр участкаси мулкий ҳуқуқ билан тегишли бўлса ҳақли
3	<b>Ер участкалари ижарага берилганда эр учун ҳақ эр солиги ставкасининг неча бараваридан кам ва неча бараваридан кўп бўлмаслиги керак?</b>	Бир бараваридан кам ва уч бараваридан кўп бўлмаслиги керак	Уч бараваридан кам ва беш бараваридан кўп бўлмаслиги керак	Икки бараваридан кам ва тўрт бараваридан кўп бўлмаслиги керак	Ярим бараваридан кам ва бир бараваридан кўп бўлмаслиги керак,
3	<b>Ер ажратиш учун асос бўлиб қайси ҳужжат хизмат қилади?</b>	Жисмоний ёки юридик шахснинг аризаси	Ер участкаси тўғрисида маълумотно ма.	Ширкат, фермер хўжалиги ёки ҚФЙ қарори.	Ер танлаш комиссияси далолатномаси
3	<b>Вилоятларда юридик ва жисмоний шахслар эр участкаси бериш тўғрисидаги ариза  билан кимга мурожаат қиладилар?</b>	Туман хокимлигига.	Вилоят эр ресурслари ва давлат кадастри бошқармала рига	Вилоят Архитектура ва Қурилиш Кўмитаси бошқармасиг а	Вилоят хокимлигига.

3	<b>Туман (шаҳар) Ҳокимлиги юридик ёки жисмоний шахснинг эр участкаси бериш тўғрисидаги аризасини объектни Қуриш учун эр участкасини жойлаштириш бўйича таклифлар киритиш учун Қайси давлат органига юборади?</b>	Туман Архитектура ва Қурилиш бўлимига	Ширкат, фермер хўжалиги ёки ҚФЙ га	Туман эр ресурслари ва давлат кадастри бўлимга.	Туман давлат солиқ иниспетсиясига
3	<b>Тегишли органлар неча куни мобайнида эр участкасини жойлаштириш тўғрисида таклиф тайёрлашлари керак?</b>	10 кун.	7 кун.	5 кун.	3 кун.
3	<b>Ер участкасини жойлаштириш материаллари таркибига кирувчи 15см x 20см ўлчамдаги ажратилаётган эр участкасининг фотосурати Қандай тартибда олинган бўлиши керак?</b>	Ер участкаси камида икки томонидан ўраб турган объектлари билан биргаликдаги фотосуратга олинган бўлиши керак.	Камида тўрт томонидан ўраб турган объектлари билан биргаликда фотосуратга олинган бўлиши керак.	Камида ҳар томонидан ўраб турган объектлари билан биргаликда алоҳида фотосуратга олинган бўлиши керак.	Камида бир томонидан ўраб турган объектлари билан биргаликдаги фотосуратга олинган бўлиши керак.
3	<b>Қорақалпоғистон Республикаси "ДавархитектҚурилиш" Қўмитаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар архитектура ва Қурилиш бош бошқармаси эр участкасини жойлаштириш бўйича материаллар олгандан кейин неча кун</b>	2 кун.	5 кун.	7 кун.	3 кун.

	<b>мобайнида вилоят комиссиясини құшма мажлис үтказиладиган күн тұғрисида хабардор Қылади?</b>				
3	<b>Күриб чиқиш натижалари вилоят комиссиясинг Ҳамда Қораполғистон Республикаси "Давархитектқурилиш" Құмитаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар архитектура ва Қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги архитектура ва шаҳарсозлик кенгашининг Қайси ҳужжати билан расмийлаштирилади?</b>	Құшма протоколи	Құшма келишүви.	Құшма бүйрүғи.	Құшма қарори.
3	<b>Ер участкасини жойлаштириш бүйіча материаллар этти иш куни мобайнида Қораполғистон Республикаси Ҳамда бошқа вилоятларнинг шаҳарлари, туманларнинг маъмурӣ марказлари ва шаҳар посёлкаларида Қайси бош лойиҳа-қидирүв ташкилоти билан келишилади?</b>	Үзшаҳарсозлиқ ЛИТИ	Үздаверлойи ҳа ЛИТИ.	Қишлоққурил ишлойиҳа.	Тошкентбошплаң ЛИТИ.
3	<b>Бош лойиҳа-қидирүв ташкилоти илмий-техник кенгашининг келишув баёни, ваколатли мансабдор шахснинг имзоси ва мұхри билан тасдиқланған Қайси ҳужжат</b>	Ер участкасини жойлаштириш топографик режаси	Ер участкасини жойлаштириш топографик картаси.	Маъмурӣ марказлари ва шаҳар посёлкалари бош режаси.	Аҳоли пунктлари ва аҳоли пунктлариаро ҳудудлар бош режаси.

	<b>Қоралпоғистон Республикаси "Давархитектқурилиш" Құмитасига, вилоят ёки Тошкент шаҳар архитектура ва Қурилиш бош бошқармасига юборилади?</b>				
3	<b>Қоралпоғистон Республикаси "Давархитектқурилиш" Құмитаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар архитектура ва Қурилиш бош бошқармаси эр участкасини жойлаштириш бүйича келишилган материалларни олингандан кейин бир иш куни мобайнида уларни қишлоқ ахоли пунктларида ва ахоли пунктлариаро Ҳудудларида эр участкаси танлаш бүйича материалларни тайёрлаш учун қайси ташкилотга юборишади?</b>	Туман (шаҳар) эр тузиш ва күчмас мулк cadastriga.	Туман (шаҳар) архитектура ва Қурилиш бўлими (бошқармаси)га	Туман (шаҳар) далат солиқ инспекциясига	Туман (шаҳар) далат ҳокимияти органига.
3	<b>Туман (шаҳар) ҳокими ўз ваколати доирасида лойиҳалаштириш учун эр участкаси танлашни неча иш куни мобайнида тасдиқлайди?</b>	Уч иш куни мобайнида	Беш иш куни мобайнида.	Ўн иш куни мобайнида.	Бир иш куни мобайнида.
3	<b>Қоралпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ёки вилоят ҳокими эр участкасини танлаш бўйича материалларни неча</b>	Етти иш куни мобайнида	Беш иш куни мобайнида.	Ўн иш куни мобайнида.	Бир иш куни мобайнида.

	<b>иш кунида тасдиқлайди ҳамда эр участкаси танлаш бўйича йиғмажилдни шакллантиришни ташкил этиш учун туман (шаҳар) ҳокимига қайтаради?</b>				
3	<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси эр участкасини танлаш бўйича материалларни неча иш кун ичida Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги эр участкалари бериш (реализсия Қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича республика комиссиясига кўриб чиқиш учун юборади?</b>	Беш иш куни мобайнида	Үн иш куни мобайнида.	Бир иш куни мобайнида.	Етти иш куни мобайнида
1	<b>Тегишли давлат ҳокимияти органларининг танланган эр участкасини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори ўзи учун эр участкаси танланган юридик ва жисмоний шахс томонидан кўрсатиб ўтилган эр участкасидан фойдаланиши бошлаш учун асос ҳисобланадими?</b>	Ҳисобланмайди.	Ҳисобланади	Юридик ва жисмоний шахс томонидан илгаритдан бу эр участкасидан фойдаланиб келинган бўлса ҳисобланади	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўймлган эрлар бўлса ҳисобланмайди
1	<b>Ер участкасини қўшимча равишда ажратиш, Қайси ишлиарни бажаргандан кейин амалга оширилади?</b>	Ер участкаси белгиланган мақсадда фойдаланишга яроқли Холатга келтирилганда	Давлат экспертиза органининг объектни қуриш лойиҳаси бўйича хулосаси	Объектни қуриш ишларининг навбати кўрсатилган Холда унинг бош режаси тузилгандан	Фойдаланиш муддати узайтирилгандан кейин

		н кейин.	қабул қилингандан кейин.	кейин.	
1	<b>Туман ҳокими бир нафар эр эгасига ёки эрдан фойдаланувчига сув фонди эрларидан неча гектаргача эр участкаси ажратиш мүмкін?</b>	10 гектар	25 гектар	30 гектар	Миқдори белгиланмаган
1	<b>Ер участкаларидан фойдаланиш ҲуҚуқини берувчи Ҳужжатлар Қайси орган томонидан қайси Ҳужжатга асосан тайёрланди?</b>	Туман (шаҳар) эр тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан, тегишли давлат Ҳокимияти органининг Қурилиш учун эр участкаси ажратиш тўғрисидаги Қарорига асосан	Туман Адлия вазирлиги органлари томонидан тегишли давлат Ҳокимияти органининг Қурилиш учун эр участкаси ажратиш тўғрисидаги Қарорига асосан	Туман архитектура ва Қурилиш бўлимлари томонидан объектни Қуриш бош режасига асосан.	Туман давлат Ҳокимияти органлари томонидан объектни Қуриш бош режасига асосан.
1	<b>Ер участкаси чегараларини, шаҳарсозлик Ҳужжатлари элементларини ва Қурилишни тартибга солиш чизиқларини натурага кўчириш неча кун ичida амалга оширилиши керак?</b>	Уч иш куни мобайнида	Бир иш куни мобайнида.	беш иш куни мобайнида	Етти иш куни мобайнида.
1	<b>Ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб</b>	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини нг	Ўзбекистон Республикаси и эр ресурслари, геодезия, картография	Вилоятлар давлат Ҳокимияти органларининг	Туманлар (шаҳарлар) давлат Ҳокимияти органларининг

	<b>реализатсия Қилиш қайси давлат бошқаруви органи ваколотига киради ?</b>		ва давлат кадастри давлат қўмитасинин г		
2	<b>Ерларни эр фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш қачон амалга оширилади ?</b>	Фойдаланиш мақсадига кўра мустақил эр участкаларига бўлиниши мумкин бўлганда.	Суфориладиг ан эрларни суфорилмайд иган эрлар таркибиغا ўтказган Холларда	Ерлардан ғайриқонуний фойдаланиш аниқланганда . .	Ерларни эр фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш эрлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда.
2	<b>Қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан эрларни раёнлаштириш деганда нимани тушинасиз ?</b>	Ҳудудларнинг табиий шароитларини ва Қишлоқ хўжалиги ўсимликлари агробиологик талабларини ҳисобга олган ҳолда бўлиниш.	Ҳудудларни нг табиий шароитларни ва сув таъминоти талабларини ҳисобга олган ҳолда бўлиниш.	Ҳудудларнин г Қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ни этиштириш талабларини ҳисобга олган ҳолда бўлиниш	Ҳудудларнинг табиий шароитларни ва қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлигини ҳисобга олган ҳолда бўлиниш.
